

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Бекмурод Йўлдошев

**ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИ ВА
ФРАЗЕОГРАФИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ҲАМДА ТАРАҚҚИЁТИ
(монография)
(тўлдирилган ва тузатилган
иккинчи нашри)**

САМАРҚАНД - 2013

УДК:4

Й -69

Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – 116 б.

ББК:81

Ишда ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг кейинги бир аср мобайнида шаклланиши ҳамда тараққиёт босқичлари ёритилади, бу соҳада келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур монография ўзбек фразеологияси ва фразеографиясини янги факт ҳамда далиллар билан бойитишга хизмат қилади. Бу иш фразеология ва фразеография масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: **ф.ф.д.АБДУСАИДОВ А.**

Такризчилар: **ф.ф.д.БОЙМИРЗАЕВА С.**
доц. ТУРОБОВ А.

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, 2013.

К И Р И Ш

Фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ) ёки фразема, ибора келиб чиқиш жиҳатидан жуда қадимий бўлса-да, фразеология (иборашунослик) фани тарихи бир неча юз йилни ўз ичига олади.

Рус тилшунослигида ФБлар билан тадқиқотчилар XVIII асрдан бошлаб шуғулланиб келишмоқда. Жумладан, М.В.Ломоносов рус адабий тили луғати режасини тузар экан, бунда сўзлар билан бир қаторда “халқ (Россия) мақоллари”, “фразеслар” ва “идиоматизмлар” ўз ифодасини топиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. XX асрнинг 60-80-йилларига келиб фразеология чет эл тилшунослигида бўлганидек, ўзбек тилшунослигида ҳам тез суръатлар билан ўсди.

Рус фразеологияси фани тарихи В.Л.Архангельский, Э.Х.Рот, В.Н.Телия, Л.И.Ройзензон, Е.А.Малиновскийнинг илмий тадқиқотларида кенг изоҳлангани учун¹ биз бу масалага жуда қисқача тўхталамиз, шундан кейин туркийшуносликда, жумладан ўзбек тилшунослигида фразеология ва фразеографияга оид юзага келган айрим назарий йўналишлар, илмий тадқиқотлар, фразеологик луғатлар ҳақида фикр юритамиз.

Фразеология назариясининг илк тадқиқотчиси, шубҳасиз, швейцар-француз тилшуноси Шарль Балли (1865-1947) ҳисобланади. У ўзининг “Стилистика очерки”(1905) ва “Француз стилистикаси” (1909) номли асарларига сўз бирлашмалари, яъни фразеологизмларни тадқиқ этувчи махсус боблар киритган эди. У фразеологик бирлашмаларнинг ташқи ва ички белгиларини бири-биридан фарқлаган эди. Унинг таълимотига кўра, бундай бирлашмаларнинг структурал хусусиятлари ташқи белгилари, семантик табиати эса унинг ички белгилари саналади. Фразеология асосан фразеологик бирлашмаларнинг семантик табиатини, ички белгиларини ўрганиш билан шуғулланиши лозим². Ф.де Соссюр эса “Умумий тилшунослик курси”(1916) асарида синтагма, унинг

¹ Масаланинг ўрганилиш тарихи ҳақида қаранг: **Архангельский В.Л.** Устойчивые фразы в современном русском языке. - Ростов-на-Дону, 1964. – С. 8-54; **Телия В.Н.** Фразеология // Теоретические проблемы советского языкознания. - М., Наука, 1968. – С. 257-277; **Ройзензон Л.И.** Лекции по общей и русской фразеологии. - Самарканд, 1971. – С. 5-76; **Малиновский Е.А.** Формирование русской фразеологии и фразеографии. АДД. – Алматы, 1995. – С. 3-52; **Малиновский Е.А.** Формирование русской фразеологической теории в XX веке. Монография. – Самарканд, 2007. – С. 4 - 131 ва бошқалар.

² Қаранг: **Кунин А.В.** Теория фразеологии Шарля Балли // Иностранные языки в школе, 1966, № 3. – С. 17-23; **Назарян А.Г.** Фразеология современного французского языка. - М.: Высшая школа, 1987. – С. 6-8.

белгилари ҳақида сўз юритар экан, тилда шундай тайёр бирикмалар («готовые речения») борки, уларнинг узурал характери маъноси ва синтактик хусусиятидан келиб чиқади. Уларни импровизациялаш (тайёргарликсиз қўллаш) мумкин эмас, чунки бундай бирикмалар тайёр ҳолда, анъанага кўра қўлланади, деган эди³. Умуман, фразеология фанининг ривожланиш тарихини хронологик жиҳатдан уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчи давр. ХУШ асрнинг ўрталаридан ХХ асрнинг 30-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фразеологик тадқиқотларнинг йўлга қўйилиши М.В.Ломоносов, В.И.Даль, А.А.Потебня, Ф.Ф.Фортунатов, Ф.И.Буслаев, Ш.Балли, А.А.Шахматовларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ.

Қайд қилиш ўринлики, биринчи даврда фразеология кўпроқ лексикография, яъни амалий луғатшунослик объекти бўлиб хизмат қилган. Бу даврда кўпроқ ФБларни луғатларда акс эттириш (кодификациялаш), уларнинг маъносини, этимологиясини изоҳлаш, талқин этишга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Иккинчи давр. Е.Д.Поливанов, В.В.Виноградов, С.И.Абакумов, Г.К.Данилов, Г.О.Винокур, В.Н.Державин, А.И.Ефимов, А.Я.Рожанский, И.Е.Аничков каби олимларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва ХХ асрнинг 30-50-йилларини ўз ичига олади. Бу даврни фразеологиянинг мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланиш даври ҳам дейиш мумкин.

Учинчи давр ХХ асрнинг 60-йилларидан бошланиб ҳозирги кунларгача давом этади. Бу давр фразеологик тадқиқотларда янги методларнинг қўлланилиши, фразеологик назариянинг тез суръатлар билан ривожланиши ва кўплаб фразеолог мутахассисларнинг етишиб чиққанлиги билан характерланади⁴. Шуниси эътиборлики, проф. Е.А.Малиновский «ХХ асрда рус фразеологик назариясининг шаклланиши» номли монографияси (Самарқанд, 2007)да рус тилшунослигида ХХ асрда фразеологик

³ Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики // Фердинанд де Соссюр Труды по языкознанию. - М.: Прогресс, 1977. - С. 157.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Хаютин А.Д. Очерки по истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. - Самарканд, 1975., - С. 5-70; Малиновский Е.А. История изучения проблем фразеологии в русском языкознании. - Ташкент: Фан, 1991. - С. 5-92; Малиновский Е.А. Формирование русской фразеологии и фразеографии. АДД. - Алматы, 1995. - С. 3-52; Малиновский Е.А. Формирование русской фразеологической теории в XX веке. Монография. - Самарканд, 2007. - С. 4 - 131

таълимотнинг шаклланиш тарихини куйидагича тўрт даврга ажратиб ўрганган: а) XX аср бошларида (1900-1920 йилларда) рус тилшунослигида вужудга келган фразеологик таълимот; б) урушгача бўлган даврда (1920-1940 йилларда) рус тилшунослигида фразеологик таълимотнинг тараққиёти; в) XX асрнинг 50-60-йилларида рус тилшунослигида фразеологик таълимотнинг ривожланиши; г) XX асрнинг 70-80-йилларида рус тилшунослигида фразеологик таълимотнинг тараққиёти. Биз ҳам XX асрда ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти муаммоларини тадқиқ этишда ана шу даврлаштириш тамойилларини маълум даражада инобатга олишга ҳаракат қиламиз.

Умуман олганда, фразеология кейинги йилларда тез суръатлар билан тараққий этаётган тилшунослик соҳаларидан бирига айланди. Бу соҳа жуда кўплаб ҳамдўстлик мамлакатлари олимларининг диққатини ўзига жалб этмоқда. Масалан, тилшунос олимлар ФБларнинг табиати ва ҳосил бўлиш усулларини ўрганмоқдалар (А.М.Бабкин, Ю.А.Гвоздарев), фразеологик маъно табиатини аниқламоқдалар (В.П.Жуков, Н.М.Шанский, А.М.Мелерович, В.А.Яценко), ФБларнинг ўзаро синонимик, антонимик, вариантдошлик, омонимик хусусиятларини ўрганмоқдалар (М.И.Сидоренко, Е.И.Диброва), ибораларнинг морфологик структураси ва парадигматикаси (В.П.Жуков, А.М.Чепасова, Л.В.Семенова, А.В.Жуков, В.Н.Гришанова), ФБларнинг гап таркибидаги синтактик вазифаси (С.Г.Гаврин, Л.А.Ким, О.В.Шавкунова, В.М.Бурмаков), ибораларни қиёсий, структурал-типологик таҳлил қилиш (Ю.П.Солодуб, Р.И.Попович), байналминал фразеология масалалари (В.В.Акуленко, Э.М.Солодухо), бадий ва публицистик услуб фразеологияси (В.Н.Вакуров, М.А.Бакина, А.Г.Ломов, И.Я.Лепешев), ФБларни коммуникатив-прагматик аспектда ўрганиш (В.Н.Телия, А.М.Эмирова), фразеологияга доир дарслик ва қўлланмалар яратиш (А.В.Кунин, Н.М.Шанский, В.П.Жуков, Ю.А.Гвоздарев, В.М.Мокиенко, А.М.Бушуй, А.М.Фомина), фразеология ва фразеографиянинг шаклланиш тарихини ўрганиш (Л.И.Ройзензон, М.М.Копиленко, В.Л.Архангельский, Э.Х.Рот, В.Н.Телия, В.П.Жуков, Е.А.Малиновский) соҳасида қатор ишлар амалга оширилди. Жаҳон тилшунослигида фразеологиянинг мустаҳкам

ўрин олишида собиқ совет германистикаси ва романистикаси эришган ютуқлар ҳам алоҳида қимматга эга бўлди. Бу соҳада Н.Н.Амосова, А.В.Кунинларнинг инглиз фразеологияси, И.И.Чернишева, А.Д.Райхштейн, М.Д.Городниковаларнинг немис фразеологияси, В.Г.Гакк, Н.Н.Кириллова, З.Н.Левит, А.Г.Назарян, Я.И.Рецкер, Г.Г.Соколова, И.Н.Тимесковаларнинг француз фразеологияси, Е.М.Вольф, В.С.Виноградов, А.В.Супрун, Н.Н.Курчаткиналарнинг испан фразеологияси, Т.З.Черданцеванинг итальян фразеологияси бўйича амалга оширган ишларини таъкидлаш ўринлидир.

Кейинги ярим аср мобайнида ҳамдўстлик мамлакатларида озарбайжон (К.Ю.Алиев, Г.А.Байрамов, А.Гурбанов, Н.Р.Рагимзаде, С.А.Халилов), арман (П.С.Бедирян, Е.У.Геворкян, А.А.Мурвалян, А.М.Сукиасян), бошқирд (З.Г.Ураксин), белорус (А.С.Аксамитов, А.М.Базыленко, Ф.М.Янковский), грузин (М.К.Андроникашвили, А.Л.Ониани, А.А.Такайшвили), кабардин (кабардин-черкес А.Г.Емузов, Б.М.Карданов), қозоқ (С.К.Кенесбаев, Р.Сарсембаев, С.Тулекова), қорачой-болқор (З.К.Жарашуева), қорақалпоқ (Е.Бердимуратов, С.Т.Наурузбаева, Г.Айназарова), қирғиз (Б.Керимжанова, Дж.Осмонова, Д.Шукуров, А.Сапарбаев, А.Назаров), кумиқ (Л.С.Аркитская), курд (Ю.Ю.Авалиани, М.Х.Хамоян), латиш (Е.К.Кагайне, Э.Кокаре, Л.Я.Орловская), лезгин (А.Г.Гюльмагомедов), литва (Б.Калинаускас, Я.Липскене), марий (Ф.Т.Грачева, Э.С.Якимова), молдаван (Р.С.Ширманкина), осетин (М.И.Исаев, И.А.Хугаев), тожик (Х.Мажидов, И.Ҳасанов, С.В.Хушенова, Н.Жўраев), татар (Г.Х.Ахатов, Г.Х.Ахунзянов, К.С.Сабиров), туркман (А.Абдурахмонова, К.Бабаев, Г.Ачилова, О.Назаров, А.Аннамамедов), турк (Р.Р.Юсипова, Л.Н.Долганов), қорақалпоқ (Е.Бердимуродов, Ж.Эшбаев, Г.Айназарова), ўзбек (Ш.Раҳматуллаев, Я.Пинхасов, Ҳ.Бердиёров, Э.Умаров, А.Маматов, Б.Йўлдошев кабилар), уйғур (А.Т.Кайдаров, Ч.Г.Сайфуллин, О.Жамалдинов), украин (Н.А.Москаленко, Л.Г.Скрипник, Г.М.Удовниченко), форс (Ю.А.Рубинчик), чуваш (Ю.Ф.Ефимов, М.Ф.Чернов), эстон (Ф.Вакк, А.А.Крикманн) тиллари фразеологияси бўйича салмоқли ишлар майдонга келди. Натижада фразеология тилшуносликнинг алоҳида, мустақил соҳаси сифатида шаклланди. Ўз вақтида таниқли фразеолог олима

Н.Н.Амосова тўғри таъкидлаганидек, “бу лингвистик соҳанинг шаклланиши ва тараққиёти кўплаб фразеолог олимларнинг турли тиллар бўйича олиб борган тадқиқотлари самарасидир”⁵.

Фразеологик материал мураккаб ва кўп аспекти бўлгани учун кейинги йилларда у хилма-хил методлар, усуллар ёрдамида ўрганилмоқда. Бу ўринда ФБларни ўрганишнинг қуйидаги метод ва усуллари алоҳида таъкидлашга тўғри келади: идентификация методи (Ш.Балли, А.В.Кунин), контекстологик метод (Н.Н.Амосова), вариацион метод (В.Л.Архангельский), фразеологик аппликация методи (В.П.Жуков), структурал-типологик метод (Л.И.Ройзензон, Ю.Ю.Авалиани, Ю.П.Солодуб), компликатив метод (С.Г.Гаврин), ибораларни семантик доиралар асосида ўрганиш методи (М.Т.Тагиев), лексема ва фраземаларни денотатив ва коннотатив семаларга ажратиб ўрганиш методи (М.М.Копиленко, З.Д.Попова) кабилар. Бу метод ва усуллар бир-бирини тўлдиради ва ФБларнинг хилма-хил томонларини, парадигматик ва синтагматик хусусиятларини, валентлик (бирикувчанлик) имкониятларини чуқурроқ тушунишга имкон беради⁶. ФБларга нисбатан қизиқишнинг ана шундай ортиб бораётганлиги ўрганиш объекти, яъни фразеологизмнинг ўзига хос тил бирлиги эканлиги билан боғлиқдир. Чунки мазмун планига кўра ФБлар лексик бирлик (сўз)ларга яқин турса, ифода плани жиҳатидан улар синтактик бирлик (сўз бирикмаси, гап)ларга яқиндир. Аммо ФБ сўзга ҳам, сўз бирикмасига ҳам, гапга ҳам тўла маънода тенг эмас.

Фразеология масалаларини тадқиқ этиш, шубҳасиз, унинг мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланишига сабаб бўлди, тилшунослик фанини назарий ва амалий жиҳатдан бойитди. Лекин бундан фразеология соҳасига доир ўрганилмаган муаммолар қолмади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Биз мазкур ишда туркий тиллар фразеологиясини ўрганишнинг айрим масалалари, ўзбек фразеологияси ҳамда фразеографиясининг ўрганилиш тарихини қисқача кўздан кечирмоқчимиз. Мазкур монографик тадқиқотда фразема, ФБ ёки

⁵ Амосова Н.Н. Теоретическое и практическое значение фразеологии как особой отрасли языкознания // Проблемы фразеологии и задачи ее изучения в высшей и средней школе. Тезисы докладов межвузовской конференции. – Череповец, 1965. – С. 3.

⁶ ФБларни ўрганиш методлари ҳақида қаранг: Попов Р.Н. Методы исследования фразеологического состава языка (учебное пособие). – Курск. Изд-во Курского пед. ин-та, 1976. – 84 с.

ибора дейилганда тузилиши жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гапга тенг, умумлашган маъно англатувчи, компонентлари қисман ёки тўласинча кўчма маъно ифодаловчи турғун лексик-семантик бирликлар тушунилади.

Мазкур монография муаллифнинг “Лингвистика” (ўзбек тили) ихтисослиги бўйича таълим олаётган магистрантларга, СамДУ ҳузуридаги олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш маркази тингловчиларига «Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши ва функционал-прагматик хусусиятлари», “Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг назарий асослари” мавзуларида бир неча йиллардан буён ўқиб келаётган маърузалар матни асосида юзага келди. Бу ишнинг яратилишига ўз маслаҳатлари билан ҳисса қўшган академиклар Ш.Шоабдурахмонов, Ғ.Абдурахмонов, А.Ҳожиёв, профессорлар Э.Бегматов, А.М.Бушуй, Б.Ўринбоев, Е.А.Малиновский, Абдимурод Маматов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Э.Умаров, И.Мирзаев, Абдуғафур Маматов, Ш.Сафаров, Н.Турниёзов, С.Каримов, Ж.Ҳамдамов, Ж.Элтазаров, А.Абдусайдов, доцентлар З.Алиқулов, Т.Қурбонов, Қ.Усмонов, С.Боймирзаева, З.Пардаев, Т.Жўраев ва бошқа ҳамкасбларга самимий миннатдорлик билдирамиз. Мазкур монографиянинг сифатини янада яхшилашга қаратилган ҳар қандай танқидий фикр-мулоҳазаларни муаллиф самимият билан қабул қилади.

Б И Р И Н Ч И Б О Б

ТУРКИЙ ТИЛЛАР ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

“Фразеология” атамаси юнонча “фраза” (phrasis – ифода, нутк ўрами) сўзидан олинган бўлса-да, туркийшуносликда дастлаб бу атама турлича маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган. Масалан, XIX асрда яшаган туркийшунос олим Мирза Козимбек (1802-1870) ўша давр анъаналаридан келиб чиқиб, рус тилида ёзилган бошқа тасвирий грамматикаларда бўлгани сингари ўз асарида “фраза” сўзини “жумла”, “гап” (предложение) маъносида қўллаган⁷. “Фразеологик бирикма” дейилганда эса сўздан йирик тил бирликларини тушунган. У туркий тиллардаги феъллар ҳақида маълумот берар экан, *зам емоқ, вужудга келмоқ, гусса емоқ* сингари тил бирликларини “таркибли феъллар” (“составные глаголы”) деб изоҳлаган⁸.

Озарбайжон тилшунослари Б.Чўпонзода ва Ф.Оғазода “Турк тили грамматикаси” асарида тил илмининг бўлимлари ҳақида фикр юритиб, “Семасиология”, “Стилистика” атамалари билан билан бирга ўша даврда тилшуносликда кенг қўлланишда бўлган “идиоматизм” атамасига қарши ўлароқ “идиотизм” сўзини ишлатган. Муаллифлар бу асарида турк тилидаги идиомаларга оид *бошга солмоқ, бошга тушмоқ, кўз кўрмоқ, кўзум (сендин) сув ичмоқ* каби бирликларни мисол сифатида келтирадилар⁹.

Умуман, фразеология туркийшуносликда нисбатан ёш соҳалардан бири саналади, чунки уни системали равишда ўрганиш фақат асримизнинг 40-50-йилларига келиб бошланди. Туркий тилларнинг грамматик қурилишини ўрганувчи тадқиқотчилар қисм(компонент)ларга ажралмайдиган бирикмаларнинг нутқда қўлланиш хусусиятларига ҳам аҳамият бериб келганлар. Бундай бирикмаларнинг функционал жиҳатдан сўзга яқин эканлигини ҳисобга олиб, айрим туркийшунослар уларни лексик сўз бирикмалари ёки лексик бирликлар (лексик бирлашмалар), деб

⁷ Казым-бек М.А. Общая грамматика турецко-татарского языка. Выпуск II. - Казань, 1846 – С. 120.

⁸ Казым-бек М.А. Общая грамматика турецко-татарского языка. Выпуск II. - Казань, 1846 – С. 175-179.

⁹ Чобанзаде Б., Агаев Ф. Турк грамери. - Баку, 1929. – Б. 144-145.

ҳисоблаганлар ҳамда синтаксис¹⁰ ёки сўз ясалиши¹¹ соҳаларининг ўрганиш объекти доирасига киритганлар.

Бошқа тадқиқотчилар эса бундай бирикмаларни лексикализациялашган бирикмалар ёки лексик маънога эга бўлган юмуқ бирикмалар деб ҳисоблаб, улар синтаксисга ҳам, сўз ясалишига ҳам тааллуқли бўлмай, тилшуносликнинг мустақил ўрганиш объекти бўлиши керак, деган фикрни олға сурганлар¹². Шунингдек туркийшуносликда ФБлар гапнинг ажралмас бўлаклари бўлиб, улар лексикология ёки фразеологиянинг ўрганиш объекти бўлиши лозим, деган қарашлар ҳам 60-йиллардаёқ юзага кела бошлаган эди¹³.

Туркий фразеологиянинг бошловчилари, ҳеч шубҳасиз, С.К.Кенесбоев ва Ш.У.Раҳматуллаевлар ҳисобланади. Уларнинг 40-йилларнинг иккинчи ярми ва 50-йилларда юзага келган тадқиқотлари туркий фразеологиясининг шаклланиши ва тараққиётида катта роль ўйнади¹⁴. Шу вақтларда ҳимоя қилинган номзодлик диссертациялари ҳам туркий фразеологиянинг тараққиётида сезиларли из қолдирди¹⁵.

Кейинги қирқ - эллик йил мобайнида туркий тиллардаги фраземаларни интенсив ўрганиш соҳасида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Бу даврда С.Н.Муратовнинг “Туркий тилларда турғун сўз бирикмалари” (1961) номли монографияси, Ш.У.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг айрим масалалари” (1966), Г.А.Байрамовнинг “Озарбайжон тили фразеологиясининг асослари” (1970), Г.Х.Ахунзяновнинг

¹⁰ Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. - М.-Л., 1956. – С. 373-374;

¹¹ Баскаков Н.А. Предложение и словосочетание в тюркских языках // Вопросы составления описательных грамматик. - М.: Наука, 1961. – С. 71..

¹² Севортян Э.В. К соотношению грамматики и лексики в тюркских языках // Вопросы теории и истории языка. - М., 1952,. – С. 321-323; Севортян Э.В. К соотношению грамматики и лексики в тюркских языках (к проблеме словообразования) // Вопросы узбекского языкознания. - Ташкент, 1954. – С. 74-77.

¹³ Закиев М.З. Синтаксический строй татарского языка. - Казань, 1963. – С. 100-, 107-110; Сеидов Ю.М. Словосочетание в азербайджанском языке. АДД. - Баку, 1965. – С. 38-43; Современный татарский литературный язык. - М.: Наука, 1971. – С. 81-84 ва бошқалар.

¹⁴ Кенесбаев С.К. Қазақ тили қалыптанған соз топтары (қос создер, идиодер мен фразалар), докторлик диссертацияси, Алма-Ата, 1944; Кенесбаев С.К. Фразеологические парные выражения в казахском языке // Известия АН Каз.ССР, серия филологическая. № 82. выпуск 6. - Алма-Ата, 1952. – С. 3-13; Кенесбаев С.К. О некоторых особенностях фразеологических единиц в казахском языке // Известия АН Каз.ССР, серия филологии и искусствоведения, выпуск 1-П. - Алма-Ата, 1954. – С. 6-28; Кенесбаев С.К. Қазақ тилининг фразеологиялық создиги. - Алма-Ата, 1977; Рахматуллаев Ш.У. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. АКД. - М., 1952. – 21 с.

¹⁵ Долганов Л.И. Пути развития идиоматики в современном турецком языке. АКД. - М., 1952; Сайфуллин И.Т. Устойчивые словосочетания в современном уйгурском языке. АКД. - Л., 1953; Ахатов Г.Х. Фразеологические выражения в татарском языке. АКД. - Казань, 1954 ва бошқалар.

“Идиомалар”(татар тили материаллари асосида тадқиқот, 1974), З.Г.Ураксиннинг “Бошқирд тили фразеологияси” (1975), М.Ф.Черновнинг “Ҳозирги замон чуваш тили фразеологияси” (1988), Н.Ш.Шаммаеванинг “Инглиз ва туркман тилларидаги фразеологик бирликларнинг чоғиштира тадқиқи” (1994) номли докторлик диссертациялари, бир канча монографиялар¹⁶, номзодлик диссертациялари¹⁷, илмий мақолалар яратилди.

Рус тилшунослигида бўлгани сингари туркийшуносликда ҳам фразеология доирасини тор ва кенг маънода тушуниш ҳамон давом этиб келмоқда. Жумладан, акад.С.К.Кенесбоевнинг фикрича, фразеология доирасига кенг маънода барча турғун бирикмалар (мақоллар, маталлар, идиоматик бирикмалар, сўзларнинг ноидиоматик, турғун фразеологик гуруҳлари ва жуфт сўзлар) киради. Уларни бирлаштирувчи умумий хусусият турғунлик ва тилда тайёр ҳолда мавжудликдир¹⁸.

С.К.Кенесбоев турғун сўз бирикмалари орасидан фразеологияни тор маънода тушуниш учун бевосита асос бўла оладиган гуруҳларни алоҳида ажратиб кўрсатади. Бундай гуруҳларга идиоматик ва ноидиоматик бирикмалар, акад.В.В.Виноградов фразеологик қўшилмаларга киритган

¹⁶ Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. - М., 1975. - 192 с.; Байрамов Г.А. Озарбайжон тили фразеологиясининг асослари. - Боку, 1978,-. - 176 б. (озарбайжон тилида); Байрамова Л.К. Фразеология произведений В.И.Ленина и принципы ее перевода (по материалам переводов на татарский язык). - Казань, 1982. - 104 с.; Чернов М.Ф. Фразеология современного чувашского языка. - Чебоксары, 1985. - 176 с.; Аннаева Р.Х. Фразеологические устойчивые словосочетания в памятниках туркменского языка (по названиям частей тела). - Ашхабад, 1985,. - 145 с. ва бошқалар.

¹⁷ Юсипова Р.Р. Устойчивые глагольные сочетания в турецком языке. АКД. - М., 1961; Бабаев К. Идиомы в туркменском языке. АКД. - Ашхабад, 1963; Аннамамедов А. Фразеология романа Х.Дераева “Судьба”. АКД. - Ашхабад, 1965; Рагимзаде Н.Р. Идиоматические выражения в азербайджанском языке. АКД. - Баку, 1967; Рожанский А.А. Устойчивые словосочетания с глагольным стержнем в современном турецком языке. АКД. - Тбилиси, 1968; Османова Ж. Идиомы в киргизском языке. АКД. – Бишкек, 1969; Абдурахманова М. Устойчивые словосочетания с числительными в туркменском языке. АКД. - Ашхабад, 1972; Наурузбаева С.Г. Фразеологические единицы в каракалпакско-русском словаре. АКД. - Ташкент, 1972; Даибова К.Х. Фразеология кумыкского языка. АКД. - М., 1973; Тулекова С. Фразеологизмы со значениями доброжелания и зложелания в казахском языке. АКД. - Алма-Ата, 1975; Эгембердиев Р. Фразеологизмы в эпосе “Манас”. АКД. - Бишкек, 1980; Мамедова К.А. Фразеологическая синонимия в современном азербайджанском литературном языке. АКД. - Баку, 1983; Гизатова Г.К. Компаративные фразеологические единицы современного татарского литературного языка. АКД. - Казань, 1983; Назаров А.П. Художественно-функциональные основы экспрессивности фразеологических единиц (на материале киргизского языка). АКД. - М., 1985; Авакова Р.А. Семантико-морфологическая характеристика глагольных фразеологизмов современного уйгурского языка. АКД. - Алма-Ата, 1991; Айназарова Г.Б. Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке. АКД. – Нукус, 2000 ва бошқалар.

¹⁸ Кенесбаев С.К. О некоторых особенностях фразеологических единиц в казахском языке // Известия АН Каз.ССР, серия филологии и искусствоведения. Выпуск 1-П. - Алма-Ата, 1954. – С. 9.

фраземалар ҳамда қўшма жуфт оборотлар киради¹⁹. Олим идиоматик бирикмаларнинг бошқа тип турғун бирикмалардан, жумладан мақол ва маталлардан фарқини ҳам алоҳида белгилашга интилади. Тадқиқотчининг фикрича, идиомаларнинг семантик ўзига хослиги уларнинг нутқда яхлит (устама) кўчма маънода қўлланилиши, бу устама маъно компонентлари англатган маънога алоқадор эмаслиги билан белгиланади. Мақол ва маталлар эса ўз семантикасига кўра мустақил жумла (высказывание) ҳосил қилади.

Идиомалар С.Кенесбаев талқинича, мақол ва маталлардан фарқ қилиб, чекланган таркибдаги компонентлардан тузилади. Тўғри, мақол ва маталлар семантикасини идиомалар семантикасидан фарқлашда миқдорий мезон (компонент таркиби) маълум роль ўйнаши мумкин. Аммо фраземалар типлари орасидаги семантик фарқларни белгилашда миқдорий мезондан кўра, булардаги лексик-семантик муносабатлар белгиловчи омил саналади.

Умуман, С.К.Кенесбаев ўз асарларида ибораларнинг икки типи - мақоллар ва маталлар ҳамда идиомалар моҳиятини кенг ёритишга муваффақ бўлди. Олимнинг фикрига кўра, структурал-семантик жиҳатдан ФБлар бир хил эмас, барча типдаги иборалар бир умумий белгиси - такрор қўлланилиши (воспроизводимость) билан ягона нуқтага бирлашади²⁰.

“Фразеологиянинг объекти алоҳида ажратилган тил бирлиги сифатида қўлланувчи турғун сўз бирикмаларидир”, - деган илмий тезис олға сурилган илмий ишлар пайдо бўлгандан сўнг тилшуносликда “турғунлик”, “турғун бирикма” тушунчаларининг моҳиятини кенг очиб берувчи янги тадқиқотлар яратилиши лозим эди. Лекин туркийшуносликда бу тушунчаларнинг мазмуни ниҳоятда кенгайтириб юборилди.

Масалан, С.Н.Муратов ўз монографиясида турғун сўз бирикмалари қаторига қуйидаги тил birlikларини киритади: а) қўшма сўзларнинг турли типлари; б) лексикализациялашган сўз бирикмалари; в) грамматикализациялашган сўз бирикмалари; г) фразеологик бирикмалар²¹. Қўшма сўзларнинг барча типлари

¹⁹ Кенесбаев С.К. Фразеологические парные выражения в казахском языке // Известия АН Каз.ССР, серия филологическая. № 82. выпуск 6. - Алма-Ата, 1952. – С. 3-13.

²⁰ Кенесбаев С.К. О некоторых фразеологизмах в казахском языке // Кенесбаев С.К. Исследования по казахскому языкознанию. - Алма-Ата, 1987. – С. 161.

²¹ Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. - М., 1960. – С. 23.

(лексикализациялашган ва грамматикализациялашган сўз бирикмалари ҳам) С.Н.Муратов фикрича, композиция (қўшиш) усули ёрдамида юзага келади. Турғун сўз бирикмалари эса композиция усулининг маҳсули эмас. Шунга мувофиқ улар туркий тилларнинг фразеологик материални ташкил этади. Шундай қилиб, С.Н.Муратов талқинича, ФБлар турғун сўз бирикмаларининг бир типидир, холос. “Туркий тилларда,- деб ёзади у,- ҳар қандай ФБ турғун сўз бирикмаси, лекин ҳар қандай турғун сўз бирикмаси ҳам ФБ бўла олмайди”²².

ФБлар эркин сўз бирикмаларидан, С.Н.Муратов талқинича, қуйидаги белгиларига кўра фарқланади: а) семантик яхлитлик; б) образлилик; в) кўчма маънолилик. Туркий тилларнинг ФБларини С.Н.Муратов ўша 50-60-йилларда кенг тарқалган ФБнинг сўзга эквивалентлиги назариясидан келиб чиқиб системалаштирди. ФБнинг конкрет луғавий маънога эга ёки эга эмаслиги нуктаи назаридан С.Н.Муратов уларни қуйидаги икки гуруҳга ажратди: а) лексик-фразеологик типдаги идиомалар (конкрет луғавий маънога эга бўлган ФБлар); б) соф фразеологик типдаги идиомалар (конкрет луғавий маънога эга бўлмаган ФБлар).

Лексик-фразеологик типдаги идиомалар С.Н.Муратов таснифига кўра икки гуруҳдан иборат. Биринчи гуруҳга лексикализациялашган ёки терминлашган сўз бирикмалари киради. Масалан, *шайтон чирози*, *Янги ер* каби. Иккинчи гуруҳга эса биринчи компоненти мустақил луғавий маънога эга бўлмаган, фақат шу фразеологик матндагина қўлланадиган турғун сўз бирикмалари мансубдир: *шим бал (тоза асал)*, *қуйма ёмғир* каби.

Соф фразеологик типдаги идиомаларга С.Н.Муратов образли турғун сўз бирикмаларини киритади. Бу типга шунингдек мақол, маталлар, топишмоқлар ва кўчма маънода қўлланадиган барча образли бўлмаган бирикмалар ҳам киритилиши мумкин. Бундай турғун сўз бирикмаларининг асосий вазифаси нутқда тасвирийлик ва образлиликни янада кучайтиришга хизмат қилишдан иборат.

С.Н.Муратов юқорида қайд этилган икки типдаги идиомалардан ташқари учинчи тип - турғун фразеологик нутқий формулалар ёки фразеологик штамплар (кириш иборалар, ундов иборалар, сўзлашув нутқи формулалари)ни ҳам ҳисобга олади.

²² Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. - М., 1960. – С. 115.

Кўринадик, С.Н.Муратов ФБлар таркибига нутқда тайёр ҳолда қўлланувчи барча турғун сўз бирикмаларини киритади ҳамда туркийшуносликда фразеология доирасини жуда кенг маънода тушунувчилардан бири сифатида майдонга чиқади. Лекин олимнинг туркий тиллардаги ФБларни тасниф қилишида айрим қарама-қаршиликлар ҳам борлиги сезилади. Масалан, юқорида таъкидланганидек, С.Н.Муратов соф фразеологик типдаги идиомалар таркибига мақол ва маталларни ҳам киритади. Унинг уқдиришича, турғун сўз бирикмаларининг барча типлари семантик жиҳатдан кўчма маънони ифодалаш хусусиятига эга. Олимнинг таснифидаги қарама-қаршилик шунда кўринадик, С.Н.Муратов бу ўринда ФБларга хос бўлган етакчи (категориал) белгиларга эмас, балки иккинчи даражали (нокатегориал) белгиларга таянади. Барча типдаги турғун бирикмаларга хос бўлган етакчи белгилар эса С.Н.Муратов диққат-эътиборидан тушиб қолган ёки баъзан кейинги, охирги ўринларда қолиб кетган. Олим таснифида алоҳида шаклланган ва яхлит (барқарор) шаклланган тил бирликлари ўртасидаги фарқлар унчалик сезилмайди. С.Н.Муратов яхлит шаклланган тил бирликлари ҳақида сўз юритар экан, уларнинг такрор қўлланиш белгисини бўрттириб кўрсатади, ФБларни ташкил этувчи компонентлар алоҳида сўзлардан иборат бўлишини ҳисобга олмайди. Ўз вақтида А.Н.Тихонов ҳам бу китобга ёзган мазмундор тақризида монографиядаги бундай нуқсонларга эътиборни қаратган эди²³.

Шундай бўлса-да, С.Н.Муратовнинг “Туркий тилларда турғун сўз бирикмалари” номли монографик иши туркий тиллар фразеологияси бўйича кузатиш олиб борувчи тилшуносларга маълум даражада таъсир кўрсатди.

XX асрнинг 60-йилларига келиб, рус фразеологиясида бўлгани сингари туркий фразеологияда ҳам фразеология объектини тор тушуниш кенг тарқалди. Бу назарияга биноан фразеология доирасига фақат бир типдаги турғун сўз бирикмалари, яъни устама кўчма маъноли бирикмаларгина киритилди. Бундай бирикмаларни айрим олимлар фразеологизмлар ёки ФБлар деб юритсалар, бошқалари идиоматик бирикмалар, идиомалар ёки иборалар, деб номладилар.

²³ Тихонов А.Н. “С.Н.Муратов. Устойчивые словосочетания в тюркских языках (М., 1960, 130 б.)” // Вопросы фразеологии. - Ташкент: Фан, 1965. - С. 136-140.

Бу ўринда “фразеологик бирлик” (ФБ) тушунчасининг доирасини торайтириш нима билан боғлиқ эди, деган савол туғилиши табиий. Бу нарсa биринчи навбатда олимларнинг маъноси ўзгарган турғун сўз бирикмалари моҳиятини чуқурроқ аниқлашга интилиши билан боғлиқ. Бу йўналиш айрим олимларни, жумладан туркийшуносларни ҳам фразеологиянинг ҳақиқий объекти ФБни тор доирада тушунишдир, деган қатъий фикрга олиб келди.

Масалан, Г.А.Байрамов озарбайжон тили материаллари асосида фразеология объектини тор тушуниш ғоясини ривожлантирди²⁴. Унинг фикрича, сўз бирикмаси ўз ва кўчма маънога эга. Агар сўз бирикмаси ўз, номинатив маъноси билан синтаксиснинг ўрганиш объекти бўлса, кўчма маъноси билан фразеология фанининг ўрганиш объектидир. Г.А.Байрамов “от компоненти номинатив маъносини сақлаб қолган, феъл компоненти эса кўчма, фразеологик маънога эга бўлган бирикмалар”ни ҳам ФБлар қаторига киритади, лекин ФБларнинг бундай гуруҳи доирасини Г.А.Байрамов негадир *бош чекмоқ, гам чекмоқ, алам чекмоқ* каби “келиб чиқиши арабча, форсча бўлган от компонент билан туркий феълларнинг муносабати асосида юзага келган бирикмалар” билан чегаралаб қўяди²⁵.

Фразеология объектини тор доирада тушунишнинг фаол тарафдорларидан яна бири, йирик туркийшунос олим А.А.Йўлдошев (1920-1988) эди. У фразеология объекти тор доирада тушунилса, “фразеологиянинг ўрганиш доираси аниқроқ намоён бўлади, ундан ҳақли равишда бўлинмас лексик бирликлар, жумладан мақол, матал, ҳикматли сўз ва афоризмлар чиқиб кетади, чунки улар структурал жиҳатдан яхлит ҳолда қўлланувчи синтактик бирликлардир”²⁶, - деган фикрни олға суради.

ФБ тушунчасини А.А.Йўлдошев қандай мазмунда изоҳлаганини билиш учун олимнинг ФБларни бир томондан эркин бирикмалар билан, иккинчи томондан лексик бирликлар, яъни кўшма сўзлар билан қайси усулда қиёслаганини аниқлаш лозим бўлади. А.А.Йўлдошев ФБлар синтактик бирликлар билан фақат

²⁴ Байрамов Г.А. Озарбайжон тили фразеологияси асослари, Боку, Маариф, 1978 (озарбайжон тилида). – 176 б.

²⁵ Байрамов Г.А. Основы фразеологии азербайджанского языка. АДД. - Баку, 1970. – С. 23-29.

²⁶ Юлдашев А.А. Принципы составления тюркско-русских словарей. - М.: Наука, 1972. – С. 214.

келиб чиқиш жиҳатидангина структурал яқин эканини ҳаққоний таъкидлайди. ФБни мантикий жиҳатдан конкрет сўз бирикмаси деб тушуниш тўғри эмас, чунки ФБлар сўз бирикмасидан биринчи навбатда лексик бирлик - қўшма сўзларга хос белгиларига кўра ажралиб туради. А.А.Йўлдошев талқинида қўшма сўзлар умуман кенг ва чуқур характерланган эди.

Дарҳақиқат, ҳақиқий ФБлар деб қаралаётган бирикмалар (улар икки ёки уч компонентли эмас, балки ундан ҳам кўп компонентли бўлиши мумкин) айрим хусусиятлари билан лексик бирликлар, жумладан қўшма сўзларга яқинлашади. А.А.Йўлдошевнинг фикрича, лексик ва фразеологик бирликлар ўртасидаги фарқ структурал жиҳатдан эмас, балки семантик-функционал, аниқроғи, услубий жиҳатдан кўпроқ кўзга ташланади.

ФБнинг ва қўшма сўзларнинг семантик структураси ўртасидаги фарқни кўрсатар экан, А.А.Йўлдошев қўшма сўзнинг лексик маъноси образ орқали эмас, балки бевосита ифодаланади, ФБларда эса маъно кўчим (мажоз) орқали ифода этилади, лекин ФБдаги бу кўчма маъно компонентларнинг номинатив, ўз маъносига кўпинча таянади, деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, олим ФБларнинг ички моҳиятини характерлашда уларнинг образлилигини биринчи планга қўяди. “Энг муҳими,- деб ёзади А.А.Йўлдошев,- лексикографик планда ажратилаётган бирлик қўшма сўзми ёки ФБми, қайси томоннинг хусусият(мезон)ларига мос келади, шуни белгилашдан иборат. Қўшма сўзлар ФБлардан принцип жиҳатдан жуда кам фарқ қилади, фақат бири (кейингиси)нинг мазмунида образлилик етакчи ўрин тутди”²⁷. Татар тилшуноси Ф.А.Ғаниев ҳам қўшма сўзларнинг ФБлардан асосий фарқи уларда образлилик хусусиятининг мавжуд эмаслигидир, деб таъкидлаган эди²⁸. Аммо, бизнингча, барча тилларда ҳам кўпгина сўзлар, жумладан қўшма сўзлар мазмунида бирор тушунча ҳақидаги образли тасаввур ётади. Масалан, *оқ билак* дейилса, қўлини совуқ сувга урмайдиган, дангаса киши ҳақидаги образли тасаввур кўз олдимизга келади. Шунингдек, А.А.Йўлдошев томонидан фразеология объекти доирасига киритилмаган мақол ва маталларнинг асосий қисми ҳам образли асосга эга. Шунга мувофиқ, бизнингча, образлиликни ФБлар билан

²⁷ Юлдашев А.А. Принципы составления тюркско-русских словарей. - М.: Наука, 1972. – С. 220.

²⁸ Ғаниев Ф.А. Образование сложных слов в татарском языке. - М.: Наука, 1982. – С. 34.

кўшма сўзларни ўзаро фарқлаш учун асосий белги, мезон деб ҳисоблаш унчалик маъқул эмас. Умуман олганда, А.А.Йўлдошев ва Ф.А.Ғаниевлар таклиф этган ФБлар билан кўшма сўзларни ўзаро қиёслаш усули туркий тилларга хос фраземаларнинг моҳиятини очишга катта ёрдам беради.

Л.С.Аркитская “Қўмиқ тилида кўшма ва составли феъллар” мавзуидаги номзодлик диссертациясида ҳам кўшма феъл билан ФБларни фарқлашдек туркийшуносликда долзарб бўлган муаммони маълум даражада ҳал этишга интилади. Иш муаллифи *киприк қоқмоқ, дўст тутмоқ, эсида тутмоқ* каби бирикларни фразеологик сўз бирикмалари деб талқин этади. Олиманинг фикрича, бундай турғун, ярим эркин қурилмалар составли феъллардан фразеологик бирикмаларга ўтиш жараёнида туради, чунки улар кўп ҳолларда кўчма маънода қўлланади²⁹.

Бошқирд тилшуноси З.Г.Ураксин ҳам фразеология объектини тор доирада тушуниш тарафдорларидан бири саналади. Унинг талқинига кўра, ФБлар турғун сўз бирикмаларининг бир қисми ҳисобланиб, “тайёр ҳолда такрор қўлланиши, компонентлар орасидаги боғланишнинг турғунлиги ва маънонинг яхлитлиги”³⁰ билан характерланади. ФБларни бошқа типдаги турғун бирикмалардан фарқлашнинг асосий белгиси образлиликдир, дейди З.Г.Ураксин. “Сўзда,- деб таъкидлайди у,- тўғри (номинатив) маъно етакчи (доминант) бўлса, ФБда образли-номинатив маъно етакчидир. Сўз асосан ифодаласа, ФБ ҳар доим тасвирлайди. ФБда образли маъно глобал хусусиятга эга”³¹. Тўғри, сўзнинг номинатив маъноси сўз учун асос ҳисобланади, лекин бу нарса сўзда номинатив лексик маънонинг бўлиши етакчи хусусиятдир, дейишга ҳуқуқ бермайди. Чунки ҳар қандай тилда ҳам номлаш ва эмоционал-баҳо функцияларини ўзида мужассамлаштирган *тулки, учар, олгир, данак* сингари минглаб сўзларни топиш мумкин. Шунингдек, ФБлар орасида ҳам фақат ифодалаш-номлаш хусусиятига, яъни номинатив функцияга эга бўлганлари анчагина бор. Масалан, *икки оғиз, уч пул, бир оғиз, тили бир, дарёдан бир томчи, ҳар эҳтимолга қарши, қора тортиб* кабилар.

²⁹ Аркитская Л.С. Сложные и составные глаголы в кумыкском языке. АКД. - М.: 1990. – С. 18-19.

³⁰ Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. - М.: Наука, 1975. – С. 20.

³¹ Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. - М.: Наука, 1975. – С. 22

З.Г.Ураксин умумий боғлиқ маъно билан компонентлари ифодаляётган маъно ўртасидаги боғланиш даражасига қараб бошқирд тилидаги ФБларни қуйидаги гуруҳларга ажратган эди:

1. Умумий маъноси компонентларининг маъноси билан боғлиқ бўлмаган ФБлар: *огзи қулоққа етмоқ, икки кўзи тўрт бўлмоқ, огзи билан қуш тутмоқ* кабилар.

2. Маъноси мотивациялашган (асосланган) ФБлар: *қовурғасини санамоқ, товон яламоқ* кабилар.

3. Маъноси компонентлари ифодаляйдиган семантика билан боғлиқ бўлган ФБлар: *юмшоқ огиз, қуён юрак* кабилар³².

Бу тасниф шундан далолат берадики, З.Г.Ураксин бошқирд тилидаги ФБларнинг фақат образлилик характерли бўлган қисмини кўпроқ ўрганган. Лекин ФБлар қаторига олим айрим образли бўлмаган тил бирликларини ҳам киритган кўринади. Агар образлилик ФБ маъносининг асосга эга бўлиши деб тушунсак (З.Г.Ураксин образлиликни худди шундай изоҳляйди), биринчи гуруҳга тегишли бўлган ФБлар бундай хусусият (образлилик)дан махрум. ФБлар-терминлар ҳам компонентлари таянч маъносини янгича тушуниш асосида юзага келиб, улар ҳам образлиликка эга бўлмайдилар. Шунинг учун ҳам З.Г.Ураксин образлилик тилдаги барча ФБларга эмас, балки уларнинг асосий қисмига тегишлидир, деган хулосага келган эди³³.

Фразеология доирасини бундай тор маънода тушуниш туркийшуносликда ҳам худди рус тилшунослигида бўлгани сингари идиоматик бирликлар ёки идиоматика ҳақидаги таълимотнинг асосланишига олиб келди. Айрим туркийшунослар идиоматикани фразеологиянинг таркибий қисми, деб ҳисобляйдилар³⁴, бошқалари эса уни ҳатто тилшуносликнинг мустақил соҳаси, деб тан оладилар. Масалага ана шу жиҳатдан қараганда, татар тилшуноси Г.Х.Ахунзяновнинг “Идиомалар” номли докторлик иши характерлидир.

Г.Х.Ахунзянов “фразеология” термини кўп маъноли бўлгани учун унчалик маъқул эмас, уни “идиоматика” ёки “идиомалогия” терминлари билан алмаштириш зарур, деб ҳисобляйди. Олимнинг

³² Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. - М.: Наука, 1975. – С. 25-37.

³³ Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. - М.: Наука, 1975. – С. 21.

³⁴ Бабаев К. Туркман тилида идиомалар. - Ашхабад, 1962, 33-бет (туркман тилида); Осмонова Ж. Идиомы в киргизском языке. АКД. - Бишкек, 1969. – С. 7-8.

фикрича, “лексикология ва идиоматиканинг ўзаро алоқаси шунда кўринадики, сўз, яъни лексик бирлик тилнинг лексик системаси элементи ва лексикология соҳасининг ўрганиш объекти саналади, идиома эса ўша тилнинг идиоматик системаси таркибига кирази ҳамда у идиоматика ёки идиомалогия (идиомашунослик) соҳасининг ўрганиш объектидир”³⁵.

Г.Х.Ахунзянов идиомаларни яхлит маъноли ва аналитик гуруҳларга ажратади. Биринчи гуруҳ идиомалари учун яхлит маънонинг алоҳида ажратилган компонентларда ифодаланиш хосдир. Кейинги гуруҳдаги идиомалар маъноси аналитик характер касб этиши билан фарқланиб туради. Яхлит маъноли идиомалар Г.Х.Ахунзянов томонидан ўз навбатида идиома-сўз бирикмалари ва идиома-гапларга ажратилган. Олимнинг фикрича, бирикма шаклидаги идиомалар тушунча маъносини ифодалайди, идиома-гаплар (биринчи навбатда мақол ва маталлар) эса мантикий ҳукм англатиб келади. Аммо негадир идиома-бирикмалар билан идиома-гапларнинг структурал-семантик фарқларини кўрсатган Г.Х.Ахунзянов уларни бир қаторда баҳолайди, баъзан бу икки гуруҳдаги идиомаларни аралаштириб юборади.

Умуман олганда, Г.Х.Ахунзянов тадқиқотларида “идиома” тушунчаси ниҳоятда кенг маъно ифодалайди. Унинг “Идиомалар” номли асари кўп планли характери, мазмунининг чуқурлиги билан туркий тиллар фразеологиясини ўрганишга қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Озарбайжон тилшуноси С.Жафаров 50-йиллар охири ва 60-йилларда фразеология доирасини жуда кенг маънода тушуниш, унинг таркибига идиомаларни ҳам киритиш тарафдорларидан бири эди. Унинг “Ҳозирги замон озарбайжон тили лексикаси” номли монографиясида турғун сўз бирикмалари идиомалар, иборалар, ҳикматли сўзлар, оталар сўзи ва зарбулмасаллар, деб беш гуруҳга ажратилади. Асарда идиомалар дастлаб собит идиомалар (*беш йиллик, винтбуран, ойнабанд* каби) ва собит бўлмаган идиомалар, деб тасниф қилинади. Собит бўлмаган идиомалар эса ўз навбатида қовушма идиомалар (*кўз юммоқ. ҳаракатга келмоқ, оғиз очмоқ. қўли эгри, қалби қора* каби), бирлашма идиомалар (*бошига тушмоқ, бошига солмоқ, кўнглини олмоқ* каби). уюшма идиомалар (*назар*

³⁵ Ахунзянов Г.Х. Идиомы (исследование на материале татарского языка). АДД. - Казань, 1972. – С. 6.

солмоқ, йўлга солмоқ, назардан кечирмоқ кабилар) сингари уч гуруҳга ажратилади. Иборалар ҳам бу асарда лексик иборалар (*қора эл, мард юракли, она Ватан* каби), идиоматик иборалар (*қадаминг муборак, жонинг соғ ўлсин* каби), предикатив иборалар (*Буйруқ сизникидир, одил ҳукмдор // Сизда адолатда, саховатда бор* каби), деб гуруҳланган³⁶.

Кўринадики, С.Жафаровнинг бу таснифида ФБлар билан бирга тилдаги бошқа образли воситалар, жумладан перифраза (парафраза, тасвирий ифода)лар ҳам аралаштириб юборилган.

Туркман тилшуноси А.Аннамамедовнинг иши бевосита фразеологик синонимлар таҳлили масаласига бағишланган³⁷. Бу ишнинг дастлабки боби “Туркман тилида фразеологик синонимлар” деб номланиб, бунда фразеологик синонимларнинг рус тилшунослигида, туркийшуносликда ўрганилиш даражаси кўздан кечирилади. Бунда Ю.Д.Апресян, Ф.А.Краснов, Е.М.Вольф, В.Т.Шкляров, Т.А.Бертагаев, В.И.Зимин, А.П.Хазанович, И.И.Чернишева, М.И.Сидоренко сингари рус олимларнинг, В.Масгулов, К.Бабаев, Ш.Раҳматуллаев каби туркийшуносларнинг фразеологик синонимларга доир қарашлари илмий таҳлилдан ўтказилган³⁸. Ишнинг кейинги қисмлари фразеологик синонимия ва полисемия, фразеологик синонимларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари, икки, уч, тўрт компонентли фразеологик синонимлар масаласини ёритишга бағишланган³⁹. Лекин бу ишда фраземаларнинг компонент таркиби ҳамда маънодошлик хусусияти баъзи ҳолларда аниқ белгиланмаган кўринади. Масалан, “*бўйин бўлмоқ*” // “*бош эгмоқ*”, “*йўлга қўймоқ*” // “*йўлга солмоқ*”, “*ичи ёнди*” // “*дили ёнди*” сингари бир қатор фразеологик синонимларнинг ўзаро семантик муносабати, синтактик қуршови яхши очиб берилган, деб бўлмайди.

Л.К.Байрамованинг монографияси, луғати, шулар асосида ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси туркий тиллар фразеологияси тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди, чунки бир муаллиф ижоди билан боғлиқ индивидуал-автор фразеологизмларининг адабий тил фразеологик тизими ривожига

³⁶ Жаъфаров С. Ҳозирги замон озарбайжон тили лексикаси. – Боку, 1958. – Б. 72-86. (озарбайжон тилида).

³⁷ Аннамамедов А. Туркман тилининг фразеологияси. – Ашгабад, 1978. – 96 б. (туркман тилида).

³⁸ Аннамамедов А. Туркман тилининг фразеологияси. – Ашгабад, 1978. – Б. 4-23.

³⁹ Аннамамедов А. Туркман тилининг фразеологияси. – Ашгабад, 1978. – Б. 23-68.

таъсири, илмий таржима, калькалаш жараёнининг адабий тил таракқиётидаги тутган ўрни масаласи бу ишларда кенг қамровда тадқиқ этилган эди⁴⁰.

М.Ф.Чернов “Қисқача русча-чувашча фразеологик луғат”(1975), “Чувашча-русча фразеологик луғат”(1982), “Ҳозирги замон чуваш тили фразеологияси” (1985) номли асарлари ва шу асосда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси (1988) билан туркий тиллар фразеологиясига сезиларли ҳисса қўшди. Бу ишларда ФБни таърифлаш, уни бошқа тил бирликларидан фарқлаш, чуваш тили фразеологик таркибининг кўламини белгилаш каби фақат чуваш тили фразеологиясининг эмас, умуман туркий фразеологиянинг ўзак муаммолари тадқиқ қилинган. Олим ФБларни номинация назарияси аспектида ўрганади, сўзларнинг фразема яшаш имкониятларини белгилашга интилади. ФБларни семантик-грамматик тасниф қилишда М.Ф.Чернов ҳаққоний равишда уларнинг вазифавий тавсифини ҳам инобатга олади.

Кўпинча туркийшуносликда ФБлар тилнинг образли-экспрессив воситаси сифатида тушунилади. М.Ф.Чернов эса ФБларни таърифлаш ва функциялашувини белгилашга анча кенгрок планда ёндошади. Унинг талқинига кўра, ФБлар функционал жиҳатдан икки гуруҳга бўлинади: а) номинатив функцияли ФБлар; б) экспрессив-баҳо функцияли ФБлар. Биринчи гуруҳга мансуб ФБлар предмет, ходиса, хусусиятларни номлаш (аташ) учун хизмат қилса, кейинги гуруҳ ФБлар ўзларида номинатив ва экспрессив-баҳо функцияларини уйғунлаштирадилар⁴¹. Шу асосда М.Ф.Чернов ФБлар фақат тилнинг образли тасвирий воситаси, “ортиқча элементи” деган қарашларга зид равишда улар предметли номинация элементи ҳам бўла олади, деган илмий тезисни олға суради.

Кейинги йилларда рус тилшунослигида бўлганидек, туркийшуносликда ҳам тилнинг барча сатҳларида фразеологизациялашиш ҳодисаси мавжудлиги ҳақида ҳам фикр билдирилмоқда. Жумладан, М.Панов сўзнинг фразеологик хусусиятини, Н.Ю.Шведова, Д.Н.Шмелевлар эса синтактик

⁴⁰ Байрамова Л.К. Фразеология произведений В.И.Ленина и принципы ее перевода (по материалам переводов на татарский язык). - Казань, 1982. - 104 с.

⁴¹ Чернов М.Ф. Фразеология современного чувашского языка. - Чебоксары, 1985. – С. 53-54.

курилмалар фразеологизацияси ҳақида сўз юритган эдилар. Худди шундай ҳолатни биз қисман туркийшуносликда ҳам кўрамиз⁴².

Маълумки, фразеология соҳасида қиёсий-чоғиштира, структурал-типологик ва ареал тадқиқотлар олиб бориш фразеологиянинг умумназарий муаммоларини ҳал этишга кенг йўл очади⁴³. Умуман, ФБларнинг шаклланиш манбаларини аниқлаш турғун бирикмаларни этимологик таҳлил қилишга нисбатан анча кенг мазмунга эга. Яъни бу умумфилологик муаммо бўлиб, энг қадимги, дастлабки фразеологик моделларнинг шаклланиш босқичларини аниқлаш муҳим семиотик масала саналади⁴⁴. Сўнгги пайтларда туркийшунослар худди ана шундай долзарб муаммони тадқиқ этиш билан ҳам шуғуллана бошладилар. Жумладан, проф.Г.Байрамовнинг фикрича, фразеологик маънони муайян сўз билан ифодалаш уни турғун ёки эркин бирикма ёрдамида беришга нисбатан анча қадимийроқдир. Чунки ФБларнинг шаклланиши тил тараққиётида бир оз кейинги даврларга тегишли бўлса, лексик бирликлар тил пайдо бўлгандан буён амал қилиб келади⁴⁵. Масалан, Маҳмуд Кошғарийда *андғар* ясама сўзи *қасам ичирмоқ* маъносини ифодалаган⁴⁶. Туркий тилларда кейинчалик *-ғар* аффикси *ич* сўзи билан ўрин алмашган ҳамда *анд ичдирмэк, ант ичирмек* каби ФБлар юзага келган.

Сўзлашув нутқида *ордона қолсин, ордона бўлсин* иборалари қўлланади. Татар тилшуноси Р.Г.Ахметьянов “*ордона бўл*” иборасини татар тилининг мишар диалекти вакиллари нутқида учратган. Олим бу ибора таркибидаги “ордона” сўзининг этимологиясини аниқлашга интилади. Бунинг учун кўпгина монографик тадқиқотларга, тарихий луғатларга мурожаат қилади. Шу асосда “*ордона*” сўзи қадимий туркийча бўлиб, санскритча

⁴² Поцелуевский Е.А. Об изучении синтаксических фразеологизмов // Проблемы современной тюркологии. Материалы П Всесоюзной тюркологической конференции. - Алма-Ата, 1980. – С. 199-204.

⁴³ Ройзензон Л.И., Авалиани Ю.Ю. Современные аспекты изучения фразеологии // Проблемы фразеологии и задачи ее изучения высшей и средней школе. - Вологда, 1967. – С. 81.

⁴⁴ Мокненко В.М. Историческая фразеология: этнография или лингвистика // Вопросы языкознания. 1973. № 2. – С. 32-33.

⁴⁵ Байрамов Г.А. Слова с фразеологическими значениями в труде Махмуда Кашгари “Дивану лугатит турк” // Ученые записки Азербайджанского государственного университета, серия языка и литературы. - Баку, 1966. № 5. – С. 27.

⁴⁶ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, уч томлик, 3-том. - Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1963. – Б. 428.

ratna - сокровище, драгоценный камень сўзидан олинган, деган хулосага келади⁴⁷.

Дарҳақиқат, турғун бирикмалар тилнинг бошқа бирликлари сингари динамик категория бўлиб, даврлар ўтиши билан айрим тарихий ўзгаришларга учраб туради⁴⁸. Буни тадқиқ этиш бўйича туркийшунос олимлар ҳали кўпгина ишларни амалга оширишлари лозим.

Г.Айназарова қорақалпоқ тилидаги *овул аймоғи билан, бўта тайлоғи билан; оғам борда, орқам тоғда; бўлари бўлиб, бўёви синди; қанотлига қоқтирмай, туёқлига тептирмай; ўз уйим, ўлан тўшагим; эсин билиб, этагин ёпиб* сингари икки компонентли симметрик фразеологизмларнинг фонетик-грамматик структураси, функционал-семантик ва услубий хусусиятлари тадқиқ этди⁴⁹. Келгусида худди шундай ишларни бошқа туркий тиллар материаллари асосида олиб бориш лозим бўлади.

Бизнинг юқоридаги қисқача обзоримиз шундан далолат берадики, ҳали туркийшуносликда фразеологиянинг объекти, “ФБ” тушунчасининг моҳияти тўғри, аниқ белгиланган эмас. “ФБ” тушунчасини таърифлашда туркийшунос олимлар у ёки бу белгини эмас, балки бир неча белгилар комплексини фарқловчи сифатида тақдим этадилар, бундай белгилар миқдори иккитадан саккизтагача бориб етади. Тадқиқотчилар нега у ёки бу белгини етакчи, асосий деб олганларини чуқур асослаб бермайдилар. Натижада баъзан фразеология объекти жуда торайиб қолади, баъзан эса ниҳоят даражада кенгайиб кетади. Фразеологияга оид бундай хилма-хил қарашларнинг мавжудлиги, биринчидан, ўрганилаётган муаммоларнинг мураккаблиги билан изоҳланса, иккинчидан, туркийшуносликда фразеология масалалари яқиндан бошлаб тадқиқ этилаётганлиги билан белгиланади⁵⁰.

⁴⁷ **Ахметьянов Р.Г.** Некоторые варианты диалектных слов и фразеологизмов в сергачском говоре // Нормативность и вариантность в татарском языке. – Казань: Изд-во Казанского ун-та, 1987. – С. 32.

⁴⁸ Бу ҳақда қаранг: **Исаев А.** Соматические фразеологизмы узбекского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. - Ташкент, 1977. – С. 6-9; **Аннаева Р.Х., Мусаев К.М.** К историческому изучению фразеологических устойчивых сочетаний тюркских языков // Тюркское языкознание, Материалы третьей Всесоюзной тюркологической конференции. - Ташкент: Фан, 1985. – С. 329-334.

⁴⁹ **Айназарова Г.Б.** Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке. АКД. – Нукус, 2000. – С. 6-22.

⁵⁰ **Чернов М.Ф.** К определению фразеологизма (на материале чувашского языка) // Сов. тюркология, 1983. № 4. – С. 62-73.

Баъзи туркийшунос олимлар ҳаққоний таъкидлаганидек, “туркий фразеологиянинг мустақил соҳа сифатида шаклланиши собиқ совет даврида содир бўлган эди. Келгусида бой тил материалани тўплаш ва системалаштиришни давом эттириш билан бир қаторда туркий тиллардаги турғун сўз бирикмаларини тарихий, қиёсий, чоғиштира ва типологик аспектларда ўрганиш ишини бошлаб юбориш муҳим аҳамият касб этади”⁵¹. Бунинг учун эса биринчи навбатда барча мавжуд туркий тиллар, жумладан ўзбек тили фразеологиясига оид тадқиқотларни ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш лозим бўлади. Шунга биноан ишимизнинг кейинги боби ўзбек фразеологиясининг шаклланиши ва тараққиёти муаммоларига бағишланади.

⁵¹ Ашнин Ф.Д., Мусаев К.М. и др. Итоги, проблемы и задачи тюркского языкознания // Сов. тюркология, 1982. № 6. – С. 11.

И К К И Н Ч И Б О Б

ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Маълумки, ўзбек фразеологиясининг назарий масалалари дастлаб Е.Д.Поливанов ишларида ўртага қўйилган эди. У рус ва айрим Шарқ тиллари фразеологиясини ўрганди ва шу асосда фразеологияни мустақил лингвистик соҳа сифатида ажратиш ҳақида фикр билдирди. Е.Д.Поливановнинг таъкидлашича, янги шаклланадиган фразеология соҳаси лексикологияга нисбатан худди синтаксис морфологияга нисбатан эгаллаган ўринда бўлиши лозим. “...Синтаксисга тенг келувчи янги соҳанинг шаклланишига эҳтиёж сезилмоқда,- деб ёзган эди Е.Д.Поливанов,- лекин синтаксис сўз бирикмаларининг умумий типларини, хусусиятларини ўрганса, янги шаклланадиган соҳа лексемаларнинг ўзаро муносабати асосида юзага келадиган бирикмаларнинг конкрет, индивидуал (лексик) маъно хусусиятлари билан шуғулланади”⁵². Е.Д.Поливанов янги шаклланадиган соҳани фразеология ёки идиоматика деб номлаган эди⁵³.

Ўзбек фразеологиясининг асосий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари бошланганига қирқ йилдан ошди. 50-йилларгача фразеология ҳали ўзбек тилшунослиги таркибида мустақил соҳа сифатида шаклланиб етмаган эди. Бу даврда фразеологияга доир дастлабки маълумотлар, турғун бирикмаларга оид илк назарий фикрлар грамматика ва стилистикага, айрим ўзбек шоирлари, ёзувчиларининг бадиий маҳорати тадқиқига бағишланган ишларда кўзга ташланади. Бундай ишлар А.Фитрат, Ғози Олим Юнусов, А.Ғуломов, У.Турсунов, А.К.Боровков, Ф.Камол, Х.Зариф, В.Абдуллаев, Н.Маллаев сингари машҳур тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг қаламига мансуб эди. Жумладан, А.Саъдий, В.Абдуллаев, Н.Маллаев каби адабиётшуносларнинг Алишер Навоий асарларида турғун бирикмалар, халқ ибораларининг қўлланилишига оид фикрлари ҳозир ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

⁵² Поливанов Е.Д. За марксистское языкознание. - М.: 1931. – С. 61-119.

⁵³ Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. - Л.: 1928. – С. 60-61.

Ўзбек фразеологиясига доир дастлабки ишлар XX асрнинг 50-йиллар бошида юзага келди. Улар қаторига Ш.Раҳматуллаев, Я.Д.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Хусаиновларнинг номзодлик диссертацияларини киритиш мумкин⁵⁴. Бу ишларда ўзбек тилидаги ФБлар академик В.В.Виноградовнинг структурал-семантик таснифи асосида таҳлил этилади, ФБлар фразеологик бутунликлар, фразеологик чатишмалар ва фразеологик қўшилмаларга ажратилади. Шунингдек бу ишларда ўзбек тилида якка сўзлардан иборат образли иборалар ҳам мавжудлиги таъкидланган. Масалан, Ш.Раҳматуллаевнинг номзодлик диссертациясида *сўфи*, *қиёмат*, *қиёматда*, *охиратда*, *латта*, *тузламоқ*, *қовурмоқ* сингари кўчма маъноси асл, бошланғич маъносидан узоқлашиб, ўзаро омонимлик даражасига етган ёки асл, тўғри маънода қўлланишини деярлик йўқотиб, кўчма маънодагина ишлатиладиган сўзлар фразеологик ёки идиоматик сўзлар деб аталган эди⁵⁵. Ш.Раҳматуллаев ўзининг идиоматик сўзлар ҳақидаги фикрини янада ривожлантириб, ишнинг яна бир ўрнида *она карнай*, *одамови*, *нонқўрлик*, *жонкуяр*, *жонкуярлик*, *тилёглама*, *тилёгламачилик*, *узунқулоқ*, *иккиюзлама*, *ўзбошимча*, *ўзбошимчалик*, *сансалорлик*, *миш-миш*, *ҳаспўшламоқ*, *бичиб-тўқимоқ*, *ман-манлик* каби тил бирликларини этимологик жиҳатдан кўшма сўзга тенг идиоматик сўзлар деб таҳлил қилганди⁵⁶.

Лекин ўзбек фразеологиясига оид бу ишлардаги энг катта нуқсон шундаки, уларда тилимизнинг бой ва серқирра фразеологик тизимига акад.В.В.Виноградов таснифи нуқтаи назаридангина ёндошилади, туркий тилларнинг, жумладан ўзбек тилининг ўз ички табиати инобатга олинмайди. Я.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Хусаиновларнинг ишларида эса умумхалқ фразеологизмлари билан индивидуал-автор фразеологизмлари ўртасидаги чегара аниқ кўзга ташланмайди, тадқиқотнинг соф лингвистик йўналиши билан адабиётшунослик, бадиий-услубий йўналиши аралаштирилади.

⁵⁴ **Раҳматуллаев Ш.У.** Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. АКД. - М.: 1952. - 16 с.; **Пинхасов Я.Д.** Фразеологические выражения в языке произведений Хаида Алимджана. АКД. - Ташкент, 1953. - 19 с.; **Шамақсудов А.Ш.** Язык сатиры Мукими (лексика и фразеология). АКД. - Ташкент, 1956. - 18 с.; **Хусаинов М.** Фразеология прозы писательницы Айдын. АКД. - Самарканд, 1959. - 18 с.

⁵⁵ **Раҳматуллаев Ш.** Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий грамматик хусусиятлари. Номзодлик диссертацияси. - Москва, 1952. - Б. 52.

⁵⁶ **Раҳматуллаев Ш.** Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий грамматик хусусиятлари. Номзодлик диссертацияси. - Москва, 1952. - Б. 93-94.

Я.Пинхасов ишида *кулфат денгизи, гам денгизи, бахт байроқдори, буюк пахтакор, бахт бўстони, бахтлар водийси, пахта илми, Зарафшон олтини, янги дарёлар ўлкаси* каби образли бирикмалар ҳам ФБлар қаторига киритилади. Бу билан ФБларнинг образлилиги тушунчасининг доираси ниҳоятда кенгайтирилади. Бу ишлардаги ана шундай нуқсонлар ўз вақтида У.Турсунов⁵⁷, А.Коклянова⁵⁸ лар томонидан ҳам алоҳида қайд этилган эди.

Агар Ш.Раҳматуллаевнинг номзодлик диссертацияси ўзбек тилидаги феъл фраземаларнинг грамматик хусусиятларини ўрганиш ишини бошлаб берган бўлса, олим 1966 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси, шу асосда эълон қилинган “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” (1966) номли монографияси билан ўзбек тилидаги фраземаларни луғавий бирлик сифатида ўрганишни асослади. Бу ишда фраземалардаги кўп маънолилиқ, маънодошлиқ, вариация, антонимия, шаклдошлиқ ҳодисалари бой фактик материал (ўттиз мингдан ортиқ карточка) таҳлили асосида чуқур тадқиқ этилиб, фраземаларнинг луғавий бирлик сифатидаги бошқа белги-хусусиятларини текширишга йўл очилган.

Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографиясида фразеологик синонимлар таҳлилидан кейин чиқарган қуйидаги илмий хулосаси ҳар жиҳатдан асосли: “Ҳар бир фразеологик синонимга тўғри ва тўлиқ характеристика бериш учун уни синонимия уяси ичида олиб, бошқа синонимлари билан қиёслаб ўрганиш зарур. Бунда синонимлар турли-туман нуқталардан текширилади, улар орасидаги ўхшашлик ҳам, фарқлар ҳам таъкидланади. Синонимлар орасида фарқлар қанча оз бўлса, уларни нутқда бир-бирининг ўрнида ишлатишга имконият ортади ва, аксинча бўлса, бундай имконият озаяди. Қай даражада бўлмасин, синонимларни ўзаро алмаштиришга йўл қўювчи контекст мавжуд бўлади. Бундай алмаштириш билан ниманидир йўқотилади, нимагадир эга бўлинади. Худди ана шу “нималардир” синоним ибораларнинг ҳар бирига тилда яшаш ҳуқуқини беради”⁵⁹.

⁵⁷ Турсунов У.Т. Состояние и задачи изучения фразеологии узбекского языка // Вопросы фразеологии, Труды СамГУ, новая серия, выпуск 106. - Самарканд, 1961. - С. 8-9.

⁵⁸ Коклянова А.А. О границах фразеологии тюркских языков // Вопросы фразеологии, Труды СамГУ, новая серия, выпуск 106. - Самарканд, 1961. - С. 99-101.

⁵⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 131.

Ишнинг кейинги бобида фразеологик вариация ҳодисаси ўрганилади. Бунда олим фразеологик вариацияни фразеологик синонимиядан фарқлашга алоҳида диққат қилади. Ш.Раҳматуллаевнинг талқинича, ҳар қандай фраземани фразеологик вариант дейиш учун қуйидаги белгилар инобатга олиниши лозим:

“1) Вариантлар деб қаралувчи қурилишлар турли-туман лексик, грамматик ўзгаришлар туфайли бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, барчаси бир манбага, бир асосга бирлашуви лозим.

2) Вариантлар деб қаралувчи қурилишлар асосида айна бир образ ётиши лозим (бу образнинг вариантларга кўра сўниш-сўнамаслигидан, қай даражада уқилишидан қатъий назар).

3) Вариантлар деб қаралувчи қурилишлар айна бир маънони англатиши лозим (улар ўзаро маънонинг кучли-кучсизлигида, нутқий, стилистик белгиларида фарқ қилиши мумкин).

4) Ўзаро ўсиб чиққан вариантлар қурилишида умумий лексик компонент бўлиши шарт (икки ва ундан ортиқ иборанинг қурилишида умумий лексик компонентнинг мавжуд бўла олишидан қатъий назар)”⁶⁰.

Умуман олганда, Ш.Раҳматуллаев тўғри таъкидлаганидек, “вариантлашиш туфайли бир ибора бошқа бир иборага айланмайди, бир иборага хос образ бирлиги, маъно бирлиги сақланади. Вариантлашиш туфайли юз берадиган ўзгаришлар ибораларга хос яхлитликни емирмайди, парчаламайди, балки иборага хос яхлитлик доирасида, шу яхлитлик йўл қўйган даражада воқе бўлади. Акс ҳолда ё ибора йўққа чиқади, ёки бошқа бир ибора барпо қилинади”⁶¹.

Ш.Раҳматуллаев монографиясининг яна бир характерли томони унда фразеологик омонимларни фразеологик паронимлар ва фразеологик параформалардан фарқлашга интилишдир. Олимнинг талқинига кўра, ўзаро фразеологик омонимлар ва фразеологик паронимлар, шунингдек фразеологик омоформалар ва фразеологик параформалар бир-бирга шу қадар ўхшаш бўладикки, улардан бири ўрнига иккинчисини хато ишлатиб юбориш мумкин. Агар иборалар ўзаро таркибидаги бирор сўз-компоненти билангина фарқ қилса, уларни фразеологик паронимлар деб юритиш мумкин

⁶⁰ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. — Тошкент: Фан, 1966. — Б. 145.

⁶¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. — Тошкент: Фан, 1966. — Б. 145.

бўлади. Масалан, *кўнгл(и)ни кўтармоқ* - *кўнгл(и) кўтарилди ва кўнгл(и)ни тоғдай кўтармоқ* - *кўнгл(и) тоғдай кўтарилди* каби. Агар баъзи иборалар бири иккинчисиди йўқ грамматик шаклланиш системасига эга бўлса, фразеологик параформалар ҳақида гапириш мумкин бўлади. Масалан, *жон(и) кирди* - *жон(и)ни киргизмоқ ва жон кирди* - *жон киргизмоқ* кабилар.

Кўринадики, Ш.Раҳматуллаевнинг тадқиқотлари ўзбек фразеологиясининг шаклланиши ва ривожиди алоҳида қимматга эгадир.

Фразеология масалаларига оид 1-Бутуниттифоқ илмий анжуман (1959)да проф.У.Турсунов томонидан ўзбек фразеологиясининг умумназарий масалалари ўртага қўйилди. Олим тўғри таъкидлаганидек, фразеология соҳасида умумназарий масалаларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қилмасдан туриб, ўзбек тили фразеологиясини кенг ва чуқур ўрганиш ишини яхши йўлга қўйиш мумкин эмас⁶². Ана шу анжумандан кейин юзага келган илмий мақолаларда ўзбек тили фраземаларининг ҳосил бўлиши, грамматик хусусиятлари, синтактик вазифаси, ибора компонентларининг тартиби каби масалалар ўрганилган эди⁶³. Худди ана шундай ишлар ўзбек фразеологиясининг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиши учун замин бўлди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари тилшунослигида бўлганидек, туркийшуносликда, жумладан ўзбек тилшунослигида ҳам фразеология доираси ҳозирги кунга қадар кенг ва тор маънода тушунилмоқда. Фразеологияни кенг маънода тушунувчи олимлар унинг таркибига мақоллар, маталлар, афоризмлар ва бошқа типдаги турғун бирикмаларни киритадилар; тор маънодаги фразеология эса *тер тўкмоқ, хамирдан қил суғургандай, дунёни сув босса, тўпизига чиқмаслик* каби кўчма маъноли турғун боғланмаларни ўрганиш билан чекланадилар.

⁶² Турсунов У.Т. Состояние и задачи изучения фразеологии узбекского языка // Вопросы фразеологии, Труды СамГУ, новая серия, выпуск 106. - Самарканд, 1961. – С. 7-11.

⁶³ Раҳматуллаев Ш. Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке // Вопросы фразеологии, Труды СамГУ. новая серия, выпуск 106. - Самарканд: 1961. – С. 86-98; Раҳматуллаев Ш. О преобразовании грамматического строения у именных фразеологических единиц // Научные труды ТашГУ, выпуск 211, языкознание. - Ташкент, 1962. – С. 225-230; Ҳайитметов К. Фразеологик бирликларда сўз тартиби масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, 2-сон, 49-53-бетлар; Умаров Э. “Ҳазойин-ул-маоний”даги фразеологизмларнинг чегараси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, 2-сон, 65-66-бетлар ва бошқалар.

Масалан, Ш.У.Раҳматуллаев фразеология доирасини тор маънода тушуниб, ўзбек тили фраземаларини академик В.В.Виноградов ишлаб чиққан структурал-грамматик тасниф асосида ўрганишга интилади. Буни олимнинг иборага берган қуйидаги изоҳидан ҳам сезиш мумкин: “Ибора мустақил туркумга мансуб биттадан ортиқ сўздан таркиб топган бир бутун семантик ҳамда грамматик бирлик сифатида гавдаланади. Ибора луғавий маъно англатиш учун хизмат қилади. Шунга кўра ибора луғавий бирлик ҳисобланади ва у сўз билан қаторга қўйилади. Масалан, *кўнглидан ўтказмоқ* ибораси *ўйламоқ* сўзи англатган маънони, *кўнгли жойига тушди* ибораси эса *тинчимоқ* сўзи англатган маънони, *эти суягига ёпишган* ибораси эса *озгин, қотма* сўзлари англатган маънони билдиради. Бу ибораларда биттадан ортиқ сўз ўз маъно мустақиллигини йўқотгани ҳолда бир умумий маъно марказига бўйсунди, иборадан бир бутун ҳолда англашиладиган маънони гавдалантириш учун хизмат қилади. Иборадан англашиладиган маъно таркибидаги сўзларга хос лексик маъноларнинг оддий (арифметик) йиғиндиси бўлмай, устама маъно сифатида, шу билан бир вақтда кўчма маъно сифатида гавдаланади”⁶⁴.

Ғ.Саломов ўзбек тилшунослиги учун ғоят долзарб муаммолардан бири фраземалар таржимаси билан махсус шуғулланди, шу мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди⁶⁵, бир неча монографик тадқиқотлар яратди⁶⁶. Олим ўз ишларида “фразеологик ибора”, “идиома”, “ибора” каби атамалардан синоним сифатида фойдаланади, бундай тил бирликларини мақол, маталлардан фарқлашга интилади.

Ғ.Саломовнинг таъкидлашича, “Мақол - халқ ақл-идрокининг маҳсули, унинг ҳукми, кўп асрлик тажрибалари мажмуи, турмушдаги турли воқеа-ҳодисаларга муносабатининг ифодасидир. Мақол кундалик ҳаётда, кишиларнинг бир-бирлари билан муомалада бўлиши жараёнида туғилади. Халқ мақоли - халқнинг

⁶⁴ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975. - Б. 7-8.

⁶⁵ Саломов Г.Т. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода (принципы перевода пословиц, поговорок и идиом с русского на узбекский язык). АҚД. - Ташкент: 1964. - 31 с.

⁶⁶ Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. - Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1961. - 162 б.; Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). - Тошкент, Фан, 1966. - Б. 237-340.

мулкидир. Мақол қайғуси - халқ қайғуси, мақол ғазаби - халқ ғазаби, мақол кулгиси - халқ кулгиси ва мақол кинояси - халқ кинояси демакдир. Мақол ишлатмаган биронта халқ, мақол ижод қилмаган биронта тил йўқ. “Дунёда тилсиз халқ бўлмагани каби, мақолсиз тил ҳам йўқ”, - деб кўрсатади татар ёзувчиси Ноқий Эсанбат⁶⁷.

Агар мақол - турмушда синалган, маълум эзгу, тугал, умумий маъно англатувчи, ихчам бир шаклдаги халқ ҳикмати бўлса, “матал нарсa ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг ишлатиладиган ибора ва нутқ оборотларидир. Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди. Матал кишининг хотирасида осонлик билан сақланиб қолади”⁶⁸.

“Идиома - шаклан бўлакларга ажралмайдиган, маҳражи бирикма таркибидаги сўзларнинг тўғри ва конкрет маъноси билан талқин қилинмайдиган, кўчма маъно англатувчи барқарор сўз бирикмасидир”⁶⁹.

Олим ўзининг “Таржима назарияси асослари” асарида мақол, матал ва идиомани фарқлашга хизмат қилувчи қуйидаги схемани келтиради:

<i>Мақол</i>	<i>Матал</i>	<i>Идиома</i>
Сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно керак. Бир йигитга етмиш хунар оз. Дўстинг учун заҳар ют.	Ўзини ака, эчкисини така демоқ. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмоқ. Кўйинини пуч ёнғоқ билан тўлдирмоқ.	Тарвузи қўлтиғидан тушмоқ. Оёғини қўлига олиб қочмоқ. Онасини учқўрғондан кўрсатмоқ.

Бу ишда олим “фразеологизм” атамасининг мазмунини ниҳоятда кенг тушунади, унинг таркибига мақол, матал ва идиомалар мазмунини киритади: “Фразеологизм (мақол, матал ва идиомалар)нинг маъноси контекст ичида очилади. Бинобарин, муайян иборанинг маъносини очиш учун уни контекст ичида олиб қараш лозим. Тўғри, икки ёки бир нечта тилда ҳам шаклан, ҳам

⁶⁷ Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). - Тошкент, Фан, 1966. – Б. 256.

⁶⁸ Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). - Тошкент, Фан, 1966. – Б. 258.

⁶⁹ Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). - Тошкент, Фан, 1966. – Б. 263.

мазмунан, ҳам маъновий тарафдан айнан мувофиқ келадиган мутлақ эквивалентлар ҳам топилади”⁷⁰.

Я.Д.Пинхасов ўз методик қўлланмасида⁷¹ ўзбек тили фразеологизмларини тасниф қилишда В.В.Виноградов таснифини асосга олиб, уларни учга (фразеологик чатишма, фразеологик бирлашма, фразеологик қўшилмаларга) бўлади. Лекин фарқ шундаки, Я.Д.Пинхасов фразеологик бирлашма мазмунини жуда кенгайтириб, унинг доирасига образли иборалар, метафорик ифодалар, мақоллар, афоризмлар, терминологик характердаги иборалар, штамплашган иборалар ва лақаблар каби барқарор сўз бирикмаларини киритади⁷². Шу асосда олим ФБларга қуйидагича таъриф беради: “Компонентлари бир қолипга кириб, кўп замонлар барқарор бўлган, кўпинча кўчма, баъзан тўғри маъноли бўлиб, гапда бутунлигича бир вазифани бажарадиган сўзлар боғланмасига фразеологик бирликлар дейилади”⁷³.

М.Хусаинов эса ўз номзодлик диссертациясида ва шу асосда эълон қилинган мақолаларида ФБларни юқорида таъкидланган уч типдан ташқари, тўртинчи тип - идиоматик сўзларга ҳам ажратади. Идиоматик сўзлар деганда олим метафорик маънога эга бўлган алоҳида сўзлар (*қизармоқ, қип-қизил бўлиб кетмоқ, қисилмоқ, сиқилмоқ, қизишмоқ, ёрилмоқ* кабилар)ни тушунади. Шунингдек, М.Хусаинов ўзбек фразеологияси доирасига мақол, матал, топишмоқ, ҳикматли сўз ва афоризмлар, экспрессив(маънодор) сўзлар (*айланиб кетай, садаганг бўлай, онанг ўргилсин* кабилар)ни ҳам киритган эди⁷⁴.

ЎЗСЭда ФБлар фразеологик чатишма (*бош тортиб* каби), фразеологик қўшилма (*ерга қаради, бошини кўтарди* каби) ва фразеологик бирлашмалар (*бошини олиб кетди* каби)дан ташқари фразеологик иборалар ҳам ажратилган. “Фразеологик иборалар маъно ва функция жиҳатидан турли-туман хусусиятга эга: кишилар характерини, предмет, ҳолат, ҳодиса хоссаларини ифодалайди,

⁷⁰ Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 118.

⁷¹ Пинхасов Я.Д. Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. - Тошкент, 1957. – Б. 12-25.

⁷² Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). - Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 55-65.

⁷³ Пинхасов Я.Д. Ўзбек тили фразеологиясининг баъзи бир масалаларига доир // Фразеология масалалари, СамДУ асарлари, янги серия, 106-чиқиши. - Самарқанд, 1961. – Б. 109.

⁷⁴ Хусаинов М. Фразеология прозы писательницы Айдын, АКД. - Самарқанд, 1959. – С. 4-11; Хусаинов М. Ўзбек тили фразеологияси масалаларига доир // Алишер Навоий номидаги ЎзДУ асарлари, янги серия, 77-чиқиши, Ўзбек тилшунослиги кафедраси. - Самарқанд, 1958. – Б. 65-79 ва бошқалар.

бадий тилда стилистик бўёқ бериш, бўрттириш, кучайтириш воситалари учун қўлланади, афоризмлар, қочириклар шаклида учрайди, ёзувчилар томонидан ҳам фразеологик иборалар яратилади. Баъзи бир ибораларнинг эквиваленти (яъни грамматик, семантик структураси ёки стилистик хусусияти бир-бирига ўхшаш бўлганлари) бошқа тилларда ҳам учраши мумкин.

Фразеологиянинг текшириш объекти ҳали конкрет белгиланган эмас, унинг доирасига халқ мақол ва маталлари ҳам киритиб келинмоқда”⁷⁵.

Кейинги йилларда фольклоршунослик ва тилшуносликда мақол, матал, ҳикматли сўз ва афоризмлар паремалар деб юритилади: “Паремаларнинг келиб чиқиши, тарихий тараққиёти ва маъноларини ўрганувчи паремиология фразеология билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Паремиология тилда турли характердаги барча ибораларни ўрганади, фразеология эса унинг бир қисми сифатида - фақат кўчма маъноли турғун бирикмаларни ўрганади. Бу уларнинг ўзаро фарқловчи томонидир. Ўрганиш объектининг бирлиги, яъни бир неча сўздан тузилган барқарор бирикмаларни текшириш уларнинг ўхшаш, умумий томонларидир. Фразеологиянинг фан сифатида шаклланишида паремиологиянинг роли катта”⁷⁶.

Аслини олганда, тадқиқотчи олим А.Э.Маматов қатъий қилиб айтганидек, ”фразеологияни “кенг” ва “тор” маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, “қанотли сўзлар”ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилиши шарт”⁷⁷.

60-70-йиллардан бошлаб ўзбек фразеологиясини ўрганиш иши қуйидаги икки асосий йўналишда ривожланмоқда: а) ўзбек тили

⁷⁵ Ўзбек Совет Энциклопедияси. Ўн тўрт томлик. XII том. - Тошкент, 1979. - Б. 170.

⁷⁶ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. - Тошкент, Ўқитувчи, 1984. - Б. 10.

⁷⁷ Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. - Тошкент, 1991. - Б. 212.

ФБларнинг айрим структурал типлари (масалан, феъл ФБлар, равиш ФБлар, гапга тенг ФБлар каби) махсус ўрганила бошланди; б) ФБларнинг бадий-услубий хусусиятларини ўрганиш, ФБларнинг ифода-тасвир воситалари тизимида турган ўрнини тадқиқ қилиш давом эттирилди. Бундай йўналишдаги ишларда асосан янги илмий соҳа - фразеологиянинг кўпгина ўзига хос муаммолари ўрганилди ва ўзбек адабий тилининг фразеологик таркиби янги-янги ФБлар таҳлили ҳисобига бойиб борди.

Айрим ишларда тилнинг мустақил бирлиги сифатида қараладиган ФБларни белгиловчи хусусиятлар - тайёр ҳолда мавжудлик, структураси ва компонент таркибининг турғунлиги, бирикманинг ўз маъносини турли даражада йўқота бориши, устама кўчма маънонинг яхлитлиги кабилар ўзбек тили ФБлари материалида таҳлил қилинади, бундай тадқиқотларда ФБни белгиловчи таянч хусусиятлар топишга, ибораларни кўшма сўзлар, эркин сўз бирикмаларидан фарқлашга ҳаракат қилинади, ўзбек тилидаги ФБларнинг грамматик, семантик хусусиятлари ўрганилади.

Масалан, Х.Ҳолиёров “Ҳозирги замон ўзбек тилида от сўз бирикмалари” мавзуидаги номзодлик ишида сўз бирикмаларини фраземалардан ва бошқа тил бирликларидан фарқлашга интилади. Олимнинг фикрича, “ФБ эркин сўз бирикмалари каби нутқ жараёнида ҳосил қилинмайдилар, балки тилда илгаридан мавжудлиги билан характерланади. ...думини хода қилмоқ, аммамнинг бузози каби бирликларни сўзловчи “дум”, “хода”, “қилмоқ”, “амма”, “бузоқ” сўзларини бириктириш билан нутқ жараёнида ҳосил қилмасдан, балки шу бирликларнинг синонимлари бўлган *қочди*, *анқов* сўзларини қандай қўлласа, шундай тайёр ҳолда қўллай берадилар. Демак, ФБларнинг маъно ташувчи бир уюшма сифатида қўлланилиши уни айрим сўзга яқинлаштирувчи ва эркин сўз бирикмасидан фарқловчи асосий белгисидир”⁷⁸.

Умуман, Х.Ҳолиёров ўз тадқиқотида от сўзли бирикмаларни *шармандага шаҳар кенг*, *шолининг орқасидан курмак сув ичади*, *боши боглиқ*, *қўли қўлига тегмайди*, *қўйинини пуч ёнгоққа тўлдирди*

⁷⁸ **Ҳолиёров Х.** Ҳозирги замон ўзбек тилида от сўз бирикмалари. Номзодлик диссертацияси. - Самарқанд, 1966. – Б. 52-53.

сингари ФБлардан фарқлашга ҳаракат қилган, лекин бу масала унинг ишида ўзининг чуқур таҳлилини топмаган.

Баъзи ишларда ФБларни эркин сўз бирикмалари, қўшма сўзлар сингари тилнинг бошқа бирликларидан фарқлашга интилиш ҳоллари сезилади⁷⁹. Лекин бу ишларда ҳам тўғри, ҳаққоний фикр-мулоҳазалар билан бир қаторда айрим чалкаш фикрлар ҳам айтилмоқда. Масалан, А.Абдуллаев тилимизда мавжуд бўлган *қўлга олмоқ, қўл қўймоқ, овоз бермоқ, бола кўрмоқ, тилдан қолмоқ, кўздан йўқолмоқ, ишдан чиқмоқ, тилга олмоқ, овозга қўймоқ* каби ФБларни “бошқарув асосида юзага келган бирикмалар” деб ҳисоблайди. Муаллифнинг фикрича, улар давр ўтиши билан сўз ҳолига келиб, бир тушунчани ифодаловчи восита бўлиб қолганлар; бундай бирикмаларда синтактик муносабат йўқолганлиги туфайли булар синтактик бирикма доирасидан ҳам чиқиб қолган⁸⁰. Ёки “Ўзбек тили грамматикаси”да эркин бирикмаларнинг турғун бирикма (фразема)лардан фарқли томонлари беш гуруҳга ажратиб кўрсатилган. Асарда тўғри таъкидланганидек, “эркин бирикмани ташкил қилган муча (компонент)лар алоҳида-алоҳида олганда ҳам ўз лексик маъноларини сақлайди ва бошқа сўзлар билан боғланиб бирикма ҳосил қилишда иштирок этаверади; турғун бирикмада (фраземада - Б.Й.) бундай хусусият йўқ, у бутунлигича яхлит лексик бирлик ҳисобланади, сўзларни айрим-айрим олганда ўша лексик маъно йўқолади”⁸¹. Аммо бу асарда айтилган “турғун бирикмаларни (фраземаларни) уруғдош бўлмаган бошқа бир тилга таржима қилиш одатда мумкин бўлмайди”(25-бет), “турғун бирикмада эса сўзларнинг бирикуви доираси чекланган бўлади, унга сўз қўшиш ёки унинг составидаги сўзларнинг бирортасини чиқариб ташлаш маънога жиддий путтур етказмоғи мумкин”(25-бет) каби фикрлар фразеология фанининг ҳозирги тараққиёт даражаси нуқтаи назаридан баҳс-мунозаралидир, чунки фраземаларни истаган тилга таржима қилишнинг хилма-хил усуллари мавжудлиги, фраземаларнинг таркибида хилма-хил

⁷⁹ Жуманазаров Ю. Ўзбек тили жанубий Хоразм (ўғуз) диалектининг синтактик қурилиши. - Тошкент, Фан, 1976. – Б. 94-101; Шарипов М.К. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи. - Тошкент, Фан, 1978. – Б. 66-68; Абдуллаев Ф., Иброҳимова Ф. Ўзбек тилида бошқарув. - Тошкент, Фан, 1982. - Б. 15-16 ва бошқалар.

⁸⁰ Абдуллаев А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўз бирикмаларини ўрганиш масаласига доир // Алишер Навоий номидаги ЎзДУ асарлари, янги серия, 77-чиқиши. - Самарқанд, 1958. – Б. 112.

⁸¹ Ўзбек тили грамматикаси, икки томлик, 2-том. - Тошкент, Фан, 1976. – Б. 24-25.

окказионал ўзгаришларни амалга ошириш типлари фразеология, қиёсий таржимашунослик ва фразеологик услубият фанлари томонидан ишлаб чиқилмоқда⁸².

Умуман туркийшуносликда бўлганидек, ўзбек тилшунослигида ҳам қўшма сўзлар ва фраземалар аниқ фарқланмай келинаётир. Масалан, А.К.Боровков “Ўзбек тили грамматикасининг қисқача очерки”да составли феъллар ҳақида фикр юритар экан, *қўл қўйди, салом берди, дам олди, қулоқ солмади* каби бирликларни ҳам сўз бирикмалари ва идиомалар деб ҳисоблайди. Лекин олим сўз бирикмалари, идиомалар ва қўшма феълларнинг чегарасини бу ўринда аниқ кўрсатмайди⁸³. С.Усмонов “Ўзбек тили” дарслигида *назар сол, умр сур, қўл қўй, оҳ ур* каби ФБларни қўшма феъллар таркиибига киритган эди⁸⁴. У.Турсунов, Ж.Мухторовлар ҳам “Ҳозирги замон ўзбек тили” номли қўлланмасида *қулоқ сол, назар ташла, кўнгил қўй* сингари феъл фраземаларни қўшма феъллар сифатида талқин этган эдилар⁸⁵. Бу олимлар ўзларининг ана шу фикрларига Ш.Раҳматуллаев билан ҳамкорликда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” асарида бирмунча аниқликлар киритишга интиланлар. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун “Ҳозирги ўзбек адабий тили” асарининг уч нашридаги фикрларни қиёслаб кўришнинг ўзи кифоя:

“Булардан ташқари, *от* ва *отлашган* сўзлар билан *қўй, чиқар, ол, боғла, кўр, тут, кечир, ташла* каби феълларнинг бирикишидан тузилган фразеологик бирликларни ҳам шартли равишда қўшма феъл ҳисоблаш мумкин: *кўнгил қўй, ном чиқар, дам ол, умид боғла, бола кўр, йўл тут, қўлга ол, кун кечир, қадам ташла, фикрга кел, кўздан кечир, йўлга сол* кабилар. Бундай феъл бир ёки бир неча *от* билан бирика олади. Бу хил бирликларнинг маъноси таркибидаги элементларнинг тўғри маъносидан келиб чиқмайди, ҳар икки

⁸² Бу ҳақда қаранг: Функционирование фразеологических единиц в художественном и публицистическом тексте. Межвузовский сборник научных трудов. - Челябинск, 1984. С. 11-100; Мусаев К. Перевод лексических и фразеологических единиц как проблема частной теории перевода (на материале переводов с русского языка на узбекский). АДД. - Тбилиси, 1988. - 8- 38; Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). НДА. - Тошкент, 2006. - Б. 4-18. ва бошқалар.

⁸³ Боровков А.К. Краткий очерк грамматики узбекского языка // Узбекско-русский словарь. - М., 1959. - С. 709.

⁸⁴ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1970. - Б. 156.

⁸⁵ Турсунов У., Мухторов Ж. Ҳозирги замон ўзбек тили. Морфология. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1960. - Б. 138.

сўздан яхлитлигича кўчма маъно англашилади”⁸⁶ (таъкид бизники - Б.Й.).

Асарнинг 1975 йилги нашрида юқоридаги фикрлар айнан такрорланади⁸⁷.

“От ва отлашган сўзлар билан *қўймоқ, чиқармоқ, олмоқ, боғламоқ, кўрмоқ, тутмоқ, кечирмоқ, ташламоқ* каби феълларнинг бирикишидан асли фразеологик бирликлар ҳосил бўлади; бундай бирликларни от + феъл тузилишли қўшма феъллар қаторига киритиш тўғри бўлмайди: кўнгил қўймоқ, ном чиқармоқ, дам олмоқ, умид боғламоқ, йўл тутмоқ, қўлга олмоқ, кун кечирмоқ, қадам ташламоқ, фикрга келмоқ, кўздан кечирмоқ. Бу хил бирликларнинг маъноси унинг таркибидаги қисмларнинг тўғри маъносидан келиб чиқмайди, балки ҳар икки қисм яхлитлигича кўчма маъно англатади”⁸⁸ (таъкид бизники - Б.Й.).

Қ.Холиқов “Ҳозирги ўзбек тилида ҳаракат феъллари” мавзуидаги номзодлик диссертациясида *йўлга тушмоқ, қўлга олмоқ* типидagi ФБларни “ҳаракат феълли қўшма сўзлар” қаторига киритган эди⁸⁹.

Қўшма сўз ва фраземаларни изоҳлашдаги бундай хилма-хиллик луғатларда, монографик тадқиқотларда ҳам кенг тарқалган. Масалан, *очиқ кўнгил, очиқ кўнгиллик* сингари тил бирликларини А.Ҳожиёв қўшма сифат деб таҳлил қилган бўлса⁹⁰, Ш.Раҳматуллаев луғатида [ЎТФЛ, 205-206], М.Содиқовнинг луғатида [ҚЎРФЛ, 159], бундай бирликлар фразема сифатида қайд қилинган. Б.Мадалиёв *қўли енгил, қўли очиқ, ичи қора, қўли эгри, хўжа кўрсин, бағри тош, оғзи бўш* каби фраземаларни “ҳар иккала компоненти кўчма маънода қўлланган қўшма сўзлар” деб тасниф қилган⁹¹. Қўшма сўзларнинг фраземалар билан муносабатини тадқиқ этган Н.Маматов эса қуйидаги хулосага келган эди: “1) фразеологик бирикмалар семантик жиҳатдан бутунлиги, гапнинг бир бўлаги бўлиб кела олиши билан қўшма сўзга ўхшаш бўлади; 2)

⁸⁶ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1965. - Б. 88.

⁸⁷ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975. - Б. 225.

⁸⁸ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - Б. 231.

⁸⁹ Халиков К. Глаголы движения в современном узбекском языке, АҚД. - Самарканд, 1967. - С.10-27.

⁹⁰ Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. - Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1963. - Б. 28.

⁹¹ Мадалиёв Б. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. - Тошкент: Фан, 1966. - Б. 36.

улар мустақил шаклланган сўзлардан ташкил топгани учун сўз бирикмасининг барча грамматик хусусиятларига эга бўлади ва ана шу хусусиятлари билан қўшма сўздан фарқ қилади; 3) шу кунгача фразеологик бирикмалар қаторига қўшиб келинган қўлиочик, каттикқўл, қўйкўз, зеббермоқ, жарсолмоқ типигаги икки компонентли бирикмалар идиоматик қўшма сўзлардир. Аммо *қўлга тушмоқ*, *ҳолдан тоймоқ* типигаги бирикмаларни, гарчи семантик жиҳатдан яхлит бўлса ҳам, қўшма сўз деб бўлмайди, улардаги жонли синтактик муносабат бунга йўл қўймайди”⁹².

Ш.Раҳматуллаевнинг “Нутқимиз кўрки” номли рисоласи асосан фраземанинг унга ёндош ҳодисалардан фарқли ҳамда ўхшаш томонларини илмий жиҳатдан очиб беришга қаратилган. Буни олимнинг шу рисола якунида ФБ (ибора)га берган қуйидаги таърифи ва шу таърифга изоҳидан ҳам билиш мумкин:

“Биттадан ортиқ лексик негиздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирликка и б о р а (фразеологик бирлик) дейилади.

“Луғавий бирлик” дейиш билан иборани эркин боғланмадан, “биттадан ортиқ” деб таъкидлаш билан содда сўздан, “лексик негизлар” деб таъкидлаш билан аналитик формадан, “бирикмага, гапга тенг” деб таъкидлаш билан қўшма сўздан, “яхлитлигича устама кўчма маъно” деб таъкидлаш билан тўғри маъноли турғун боғланмадан фарқлаймиз, “сўзга эквивалент” деб таъкидлаш билан луғавий бирлик сиифатида яна қатор хусусиятлари борлигидан дарак берамиз”⁹³.

Кўринадикки, ФБларни қўшма сўзлар, эркин сўз бирикмалари, таркибли атамалар сингари тил бирликларидан фарқлаш ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг ишимиз бу масалани ҳал этиш ёки олимлар билан мунозарага киришиб, масалага ойдинлик киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Бизнингча, бу муаммо қозоқ тилшунослигида бўлгани сингари⁹⁴ ўзбек тилшунослигида ҳам махсус текшириш объекти бўлмоғи зарур.

⁹² Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. - Тошкент: Фан, 1982. – Б. 112.

⁹³ Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. - Тошкент: Фан, 1970. – Б. 56

⁹⁴ Байтелиев А. Проблема отграничения именных фразеологических единиц от других сходных с ними явлений в казахском языке. АҚД. - Алма-Ата, 1974. – С. 3-21.

М.Рўзиқулова “Ўзбек тилида идиомалар” мавзuidaги номзодлик ишида фразеология доирасини тор доирада тушуниш тарафдорларидан бири сифатида кўринади. “Бизнингча,- деб ёзади олима ишнинг кириш қисмида,- фразеология объектига мақол ва маталларни, ҳикматли сўзларни, афоризм ва эвфемизмларни киргизавериш тўғри бўлмаса керак, чунки бу тарзда ўрганиш фразеологияни янада чуқурроқ, аниқроқ ўрганишга тўсқинлик қилиши мумкин... Шунинг учун ҳам биз ўзбек тили фразеологиясини ўрганар эканмиз, асосан академик В.В.Виноградов фикрича классификация қиламиз: 1. фразеологик бутунликлар; 2. фразеологик чатишмалар; 3. фразеологик қўшилмалар. Фразеологик чатишмаларнинг иккинчи номи идиома демакдир”⁹⁵.

М.Рўзиқулованинг фикрича, “идиомалар битта сўзга тенг бўлиб, турғун характерга эга эканлиги билан ҳам бошқа сўз бирикмаларидан фарқ қилади”⁹⁶. У идиомаларга қуйидагича таъриф беради: “Маълум бир тил учун характерли бўлган образли сўз бирикмалари, яъни ажралмайдиган, мустаҳкам бирликка эга бўлган турғун сўз бирикмалари и д и о м а деб аталади. Идиома ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, энг аввало у кўчма маънолидир. У сўз бирикмасидан иборат бўлиб, семантик ва синтактик жиҳатдан бўлинмайди, бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилинмайди, компонентларининг тўғри маъносига асосланмаган, олдиндан маълум бўлган маънога эгадир”⁹⁷.

Кўринадики, М.Рўзиқулова дастлаб идиома фразеологик чатишманинг иккинчи номи деган бўлса, кейинчалик “идиома” атамасининг мазмунини ниҳоятда кенгайтириб юборади, яъни тилдаги барча тип иборалар, айниқса, фразеологик чатишма ва фразеологик бутунликлар идиома таркибига киритилган. Масалан, *боши кўкка етди, боши осмонга етди* ибораларини М.Рўзиқулова идиома сифатида талқин қилган бўлса⁹⁸, Ш.Раҳматуллаев бундай ибораларни фразеологик бутунликлар қаторига киритган эди⁹⁹.

⁹⁵ Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар. Номзодлик диссертацияси. - Самарқанд, 1966. – Б. 18.

⁹⁶ Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар. Номзодлик диссертацияси. - Самарқанд, 1966. – Б. 24.

⁹⁷ Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар. Номзодлик диссертацияси. - Самарқанд, 1966. – Б. 25.

⁹⁸ Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар. Номзодлик диссертацияси. - Самарқанд, 1966. – Б. 129.

⁹⁹ Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. - Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1955. – Б. 9-14; Раҳматуллаев Ш. Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили. - Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1957. – Б. 156-159.

“Ўзбек тилида идиомалар” номли ишнинг аҳамиятли томони шундаки, унда идиомалаор лексик-семантик, структурал, услубий жиҳатдан бир қанча типларга, гуруҳларга ажратилган, идиомалар орасидаги ўзаро яқинлик, маънодошлик, кўп маънолилиқ хусусиятларининг мавжудлигини ёритишга ҳаракат қилинган.

«Идиома»ни «фразеологик чатишма» тарзида тушуниш акад.А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да ҳам кўзга ташланади: “*идиома (юнонча *idioma* – ўзига хос ифода, ибора)* – айнан: фразеологик чатишма” [ТТИЛ, 41].

Юқорида таъкидланганидек, ФБларнинг грамматик табиатини ўрганиш ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаёвнинг номзодлик диссертациясидан бошланган эди. Шундан кейин олим “Синтактик таҳлилда фразеологик иборалар устида ишлаш масаласига доир”(1956), “Феъл фразеологик бирликлар грамматик қурилишининг асосий турлари”(1957), “Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси”(1963), “Феъл фразеологик бирликларда мослашув”(1964), “Феъл фразеологик бирликларда объект категорияси”(1964) каби қатор илмий мақолаларида, фразеологияга доир ўқув қўлланмаларида ФБларнинг синтактик боғланиши ва функцияларини, морфологик хусусиятларини тадқиқ этди.

Масалан, Ш.Раҳматуллаёв бир мақоласи¹⁰⁰да феъллардаги бўлишли-бўлишсизликни мавжудлик категорияси деб атаган; бўлишлилик ва бўлишсизликнинг ҳар бирини аспект деб, буларга хос ифода шакллари эса форма деб юритган. Муаллифнинг фикрича, “Феъл фразеологик бирликларнинг тахминан ярми ҳар икки аспектда (ҳам бўлишли аспектда, ҳам бўлишсиз аспектда) кела олади, қолган феъл фразеологик бирликлар эса фақат бир аспектда: ё бўлишли, ёки бўлишсиз аспектда кела олади. Фақат бўлишсиз аспектда келувчи иборалар барча феъл фразеологик бирликларнинг тахминан саккиздан бирига тўғри келади”¹⁰¹.

Шундан кейин муаллиф мавжудлик категориясининг аспектларида келишига кўра феъл ФБларни уч гуруҳга бўлади ва бу гуруҳларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қараб чиқади:

¹⁰⁰ Раҳматуллаёв Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963. № 4. – Б. 32.

¹⁰¹ Раҳматуллаёв Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963. № 4. – Б. 32-36.

1. Ҳар икки аспектда кела олувчи иборалар: *катта кетмоқ - катта кетмаслик; қош қўяман деб кўз чиқармоқ - қош қўяман деб кўз чиқарма; ови юрди - ови юрмади; бели оғрийди - бели оғримайди* кабилар.

2. Фақат бўлишли аспектда келувчи иборалар: *номини бўлак қўймоқ; юраги орқасига тортиб кетди* кабилар.

3. Фақат бўлишсиз аспектда келувчи иборалар: *сўз бермаслик; алифни калтак деёлмаслик; боши чиқмади; юрагига қил сизмайди; менга кун йўқ* кабилар.

Т.Хўжаев ўз номзодлик диссертациясида¹⁰² айрим ФБлар (*тарвузи қўлтигидан тушмоқ, бурнидан эшак қурти ёғмоқ* каби) буйруқ майлига эга эмаслигини, баъзи ФБлар эса майл, нисбат, шахс-сон шаклларида чекланганлигини исботлашга интиланган эди. Олим ўзининг бу масалага доир қарашларини кейинроқ А.Н.Тихонов билан ҳамкорликда яратган илмий мақоласида¹⁰³ янада аниқлик киритган эди.

Дарҳақиқат, тилимизда шундай ФБлар борки, фақат бўлишли шаклда (*ковушини тўғриламақ, туёгингни шиқиллат, боши осмонга етди* кабилар), баъзилари фақат бўлишсиз шаклда (*қош қўяман деб кўз чиқарма* каби) қўлланади. ФБларда грамматик категорияларнинг ифодаланишида ана шундай чекланишлар мавжудлиги ҳаммага аён бўлган бир пайтда дарсликдаги қуйидаги фикрга қўшилиш қийин: “Фраземаларда ҳозирги ўзбек тилидаги синтактик боғланишларнинг барча турлари ўз аксини топган”¹⁰⁴ (таъкид бизники - Б.Й.).

А.Исаевнинг “Ўзбек тилида соматик фразеологизмлар” номли номзодлик диссертацияси кишининг тана аъзолари номи (соматизм) билан боғлиқ фраземаларни диахрон ва синхрон аспектларда ўрганишга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир. Ишда соматик фраземаларнинг энг қадимги умумтуркий қатламини аниқлашга ҳаракат қилинган. Олимнинг таъкидлашича, “Қадимий туркий луғат” (Л., 1969) ва “Девону луғатит турк” асарида 2330 дан ортиқ умумтуркий фраземалар

¹⁰² Ходжаев Т. Повелительное наклонение в современном узбекском языке. АҚД. - Самарканд, 1963. – С. 10-11.

¹⁰³ Тихонов А.Н., Ходжаев Т.Х. О грамматической природе глагольных фразеологизмов в узбекском языке // Вопросы фразеологии и грамматического строя языков. - Ташкент: Фан, 1967. – С. 101-109.

¹⁰⁴ Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 57.

мавжуд, шундан 249 тасида лексик соматизм иштирок этган. Бу соматик фраземалардан 54 таси эса ҳозирги туркий тилларда, жумладан, ўзбек тили фразеологик тизимида сақланиб қолган. 132 қадимий, умумтуркий соматик фразема ҳозирги туркий тилларда структурал ва маъно жиҳатдан у ёки бу даражада ўзгаришларга учраган, 63 соматик фразема ҳозирги туркий тилларда умуман қўлланмайди.

А.Исаевнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирги ўзбек тилидаги 98 лексик соматизмдан фақат 87 таси фразема ҳосил қилиш имкониятига эга. *Болдир, бўкса, думгаза, жун, ошиқ, сон, умуртқа, қизил ўнгач, қўймич, тақим, қаншар* сингари соматик сўзлар фраземалар таркибида учрамайди. Соматизмларнинг фразема ҳосил қилишдаги фаоллик даражаси қуйидагича: бош - 158 фразема; кўз - 144 фразема; қўл - 92; оғиз - 89; юрак - 77; оёқ - 63; кулоқ - 52; тил - 51; юз - 41; бет - 32; бўйин - 31; мия - 29; дил - 28; томоқ - 11; жигар - 10 ва ҳоказо.

Бизнингча, фразема ҳосил қилувчи лексик соматизмлар рўйхати янада тўлдиришни талаб қилади. Масалан, А.Исаев тадқиқотида мавжуд рўйхатдан “илик” соматизми негадир тушиб қолган. Бу соматизм “суяк ичидаги ёғсимон модда” маъносини билдиради [ЎТИЛ, 1, 321], *илиги тўқ, илиги қуримоқ, илиги пучаймоқ, илигини ўйнатмоқ* каби фраземалар худди ана шу лексик соматизм ёрдамида ҳосил бўлган. Шунингдек, А.Исаевнинг ишида *қора кўзлар, жоду кўзлар* сингари бирикмалар ҳам фраземалар таркибига киритилганки, буни маъқуллаб бўлмайди.

А.Исаев ишининг иккинчи бобида “бош” ва “кўз” сўзлари билан боғлиқ фраземалар семантик гуруҳларга ажратилади. Масалан, “бош” сўзли фраземалар маъновий хусусиятига кўра қуйидагича гуруҳланган: инсоннинг руҳий ҳолатини ифодаловчи фраземалар: *боши осмонга етмоқ, боши гавлаб кетмоқ, ҳуши бошидан учмоқ* каби; инсоннинг ақлий фаолиятини ифодаловчи фраземалар: *бошини қотирмоқ, бошидан кечирмоқ* каби; инсоннинг ақлини, хаёлини, хотирасини ифодаловчи фраземалар: *боши ишлайди, бошидан ўтган, боши билан* каби; “жазолаш” тушунчасини ифодаловчи фраземалар: *бошида данак(ёнгоқ) чақмоқ, бошида тегирмон тоши айлантирмоқ, бошига кулфат солмоқ* каби; касаллик тушунчасини ифодаловчи фраземалар: *боши ёстиққа тегмоқ, бош/и/ ёрилай деяпти* каби; “ўлмоқ, емирилмоқ”

маъноларини ифодаловчи фраземалар: *бошини емоқ, бош олмоқ, бошига сув қўймоқ* кабилар.

Муаллиф *кўзининг пахтаси чиқди, кўзи ёримоқ, кўзини мошдек очмоқ* сингари фраземаларни ўзбек тили фразеологик фондининг ўзига хос фраземалари деб ҳисоблайди, чунки бу фраземаларнинг бошқа тилларда муқобиллари йўқ. Лекин мазкур бобда ҳам айрим мунозарали фикрлар учрайди. Масалан, А.Исаев баъзи фраземаларнинг компонент таркибини тўғри белгилай олмаган кўринади. Чунончи ишда “ўлим” тушунчасини ифодаловчи *кўз юммоқ* фраземаси билан бирга *абдий кўз юммоқ, дунёдан кўз юммоқ, оламдан кўз юммоқ* сингари фраземалар ҳам алоҳида мустақил фраземалар сифатида келтирилади¹⁰⁵. Бизнингча, кейинги фраземалардаги *абдий//дунёдан//оламдан* сўзлари факультатив компонентлар бўлиб, кейинги фраземалар *кўз юммоқ* фраземасининг структурал варианты саналади.

Ишнинг сўнгги бобида соматик фраземалардаги систем муносабатлар, яъни вариантдошлик */юзи чидамади - бети чидамади; оғзи катта - катта оғиз/*, полисемия */қўл учида - 2 маъноли; қўлга олмоқ - 4 маъноли; бўйнига олмоқ - 3 маъноли; бош кўтармоқ - 6 маъноли/*, синонимия */ кўз юммоқ - қулоғи остида қолмоқ; миясига сиздира олмаслик - каллага сиздира олмаслик; қўли гул - қўли олтин/*, омонимия */оғизни очмоқ - оғзи очилди/*, антонимия */ қўли калта - қўли узун; қўлга киритмоқ - қўлдан чиқармоқ // қўлдан чиқариб юбормоқ* каби ҳодисалар ўрганилган.

60-80-йилларда ва мустақиллик йилларида ўзбек фразеологиясини яна бир бошқа йўналишда ўрганиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди, яъни XX аср ўзбек ёзувчилари, шоирлари, публицистлари асарларининг тили ва услубига оид кўпгина ишларда, номзодлик диссертацияларида фраземаларнинг услубий вазифаларини ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Бу жиҳатдан Абдурауф Фитрат (И.Ғаниев), Абдулҳамид Чўлпон (Д.Қуронов, М.Йўлдошев), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (Б.Турдиалиев, Ш.Қозоқов), Абдулла Қодирий (Ҳ.Қахҳорова, Ф.Насриддинов), Абдулла Қахҳор (И.Қўчқортоев, О.Абдуллаева, Р.Қўчқортоева), Ойбек (Қ.Самадов, Ҳ.Низомхонов, С.Боймирзаева), Ғафур Ғулом (Н.Шукуров, Б.Чориев), Комил

¹⁰⁵ Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка. Номзодлик диссертацияси. - Тошкент, 1976. - Б. 107.

Яшин (Э.Абдиев), Ҳамид Олимжон (С.Бобоева), Зулфия (С.Каримов), Мақсуд Шайхзода (Б.Ёриев), Асқад Мухтор (Ў.Носиров), Шароф Рашидов (Р.Миразизова), Шухрат (М.Тўйчиев), Саид Аҳмад (Б.Ўлдошев), Шукур Холмирзаев (Р.Нормуродов), Озод Шарафиддинов (Ҳ.Ҳамраева) каби сўз санъаткорларининг асарларида қўлланган фраземалар таҳлиliga оид ишлар диққатга сазовордир. XX асрнинг 70-80-йилларида ўзбек тилшунослари фраземаларнинг “Муштум” журнали саҳифаларида (А.Абдуназаров), умуман, публицистик услубда (Т.Қурбонов, А.Абдусайдов), сўзлашув нуткида (Б.Ўринбоев, М.Турсунпулатов, К.Бозорбоев, Д.Ўринбоева) қўлланилишини ўргандилар, фраземаларнинг экспрессивликни ифодалашдаги роли (А.Абдуллаев), фольклор асарларида, жумладан, “Алпомиш” достонида қўлланган фраземалар (Ш.Шоабдурахмонов, Б.Ўринбоев, С.Турсунов, К.Бозорбоев), эмоционал-баҳо фраземаларининг семантик-услубий хусусиятлари (Абдуғафур Маматов), фразеологик меъёр ва ундан четга чиқишларнинг типлари (Абдимурод Маматов) сингари масалаларни ўрганишда ҳам яхши натижаларга эришилди, газета тилида фраземаларнинг қўлланиш хусусиятлари махсус тадқиқ этилди¹⁰⁶, газета сарлавҳалари функциясида фраземаларнинг қўлланиш имкониятлари таҳлил этилди¹⁰⁷. Бу ишларда фраземаларнинг услубий вазифалари фақат у ёки бу персонажлар тавсифи учун восита сифатида эмас, балки муаллиф нутқи бадииятининг, асар халқчиллигининг кўрсаткичларидан бири сифатида ўрганилди, матбуот саҳифаларида фраземаларнинг қўлланиши ва бу соҳада адабий тил меъёрига риоя қилиш муаммолари ёритилди.

Тадқиқотчилар ҳаққоний қайд этганларидек, фраземалар бадиий асарларда ва публицистик услубда, матбуот саҳифаларида оддий қўлланишдан ташқари ёзувчи ёки шоирларнинг бадиий маҳорати, тил устида ишлаши натижасида янги-янги маъно нозикликларига эга бўладилар, ФБларнинг компонент таркиби, структураси турли хил ўзгаришларга учрайди, фраземаларнинг шу асосда шаклланган янги, оҳори тўкилмаган вариантлари,

¹⁰⁶ Абдусайдов А. Газета тилида фразеологизмлар (газета тилини ўрганишга доир материаллар). - Самарқанд, СамДУ нашри, 1990. - 120 б.

¹⁰⁷ Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. - Тошкент, 1995; Абдусайдов А. Газета сарлавҳаси (қўлланма). - Самарқанд, СамДУ нашри, 1995. - Б. 98-117.

кўринишлари ёзувчилар, шоирлар бадий маҳоратининг маҳсули бўлиб, бадий асар тилининг таъсирчанлигини, ғоявий-бадий қимматини оширишга хизмат қилади. Масалан, Абдулла Қаҳҳор асарларида учрайдиган *ўлчагани гази эскилик қилмоқ, осмон яқин, ер юмшоқ, томчилардан оқим вужудга келтирмоқ, эшакни яширсанг, ҳанграб шарманда қилади, тангадай нарсани галвирдай қилмоқ, игна билан битадиган ишга жуводиз тиқмаслик, ерда туриб ойда чорвачилик қилмоқ*¹⁰⁸, Абдулла Қодирий ижодининг маҳсули бўлган *думига қумгон боғламоқ, саллалик эшакларнинг диринглаши оғилхонагача, қассобдан эт олиб, баққол билан муомала қилмоқ, қора қозонидан олиб, қизил қозонига куймоқ*¹⁰⁹, Ойбек ижодига хос *ажал ўпиб ўтди, эшигини ел очиб, ел ёпади, бошлар рақс этади, хат ярим дийдор, хат ҳам кўз, ҳам қулоқ*¹¹⁰, Зулфия қаламига мансуб *хотира қудугини қазимоқ, қонига офтоб солмоқ, гапга туз кўшмоқ*¹¹¹, Саид Аҳмад ижодига хос *миясини пармалаб турмоқ, Мукаррамхон бўлиб кетмоқ, орага Қора ботир бўлиб тушмоқ, ватанпарварликдан дарс бермоқ, балет туширтирмоқ*¹¹², Ғафур Ғулом қалами сеҳрининг меваси бўлган *маърифат зинаси, инсоф маҳкамаси, коинот минбари, кўзим усти миннатинг бошимга дурра*¹¹³ каби янги фраземалар фикримизнинг далили бўла олади. Бундай индивидуал-автор фраземаларининг айримлари маълум муддатлардан кейин халқ онига чуқур сингиб, ҳозирги ўзбек адабий тилининг фразеологик фондини бойитиши мумкин. Кейинги йилларда олимлар фраземаларнинг турли функционал услубларда қўлланишини ўзаро қиёслаш билан ҳам шуғулланмоқдалар¹¹⁴.

60-80-йилларда майдонга келган адабиётшуносликка оид айрим ишларда Ҳамза, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Комил Яшин сингари санъаткор ёзувчиларнинг бадий маҳорати ҳақида сўз юритилар экан,

¹⁰⁸ Қўчқортосев И. Бадий нутқ стилистикаси. - Тошкент: ТошДУ нашри, 1975. - Б. 47-60.

¹⁰⁹ Қаҳҳарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри. АКД. - Ташкент, 1985. - С. 10-15.

¹¹⁰ Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. - Тошкент: 1981. - Б. 90-102.

¹¹¹ Каримов С. Язык и стиль произведений Зульфии (на материале поэзии). АКД. - Ташкент, 1983. - С. 7-9;

¹¹² Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада. АКД. - Ташкент, 1979. - Б. 12-13; Юлдашев Б. Бадий нутқ стилистикаси (ўқув қўлланмаси). - Самарқанд: СамДУ нашри, 1982. - Б. 74-80; Юлдашев Б., Шодиев З. "Уфқ" трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари. Монография. - Самарқанд, СамДУ нашри, 2006. - Б. 49-64.

¹¹³ Чориев Б. Ғафур Ғулом шеърини тили. - Тошкент: Фан, 1990. - Б. 89-101.

¹¹⁴ Қурбонов Т., Ёриев Б. Функционал стилларда фразеологизмларнинг қўлланилиши // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. - Самарқанд, СамДУ нашри, 1987. - Б. 61-66 ва бошқалар.

фраземаларнинг персонажлар тавсифи учун энг муҳим восита эканлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилган эди. Бундай илмий тадқиқотлар қаторига С.Тўрабекованинг “Тил ва услуб” (1963), Н.Каримовнинг “Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати” (1964), О.Шарафиддиновнинг “Замон, қалб, поэзия” (1962), Ҳ.Дониёров, С.Мирзаевнинг “Сўз санъати” (1962), С.Мамажоновнинг “Шоир ва замонавийлик” (1963), “Ғафур Ғулом прозаси” (1966), “Услуб жилolari” (1972), Н.Шукуровнинг “Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати” (1966), Ҳ.Ёкубовнинг “Адибнинг маҳорати” (1966), Н.Раҳимовнинг “Садриддин Айний” (1970), С.Мирзаевнинг “Ойдин” (1965), “Ойдиннинг маҳорати” (1985), П.Қодиоровнинг “Тил ва дил” (1972), “Халқ тили ва реалистик проза” (1973), М.Ҳакимовнинг “Ёзувчи ва халқ тили” (1971), Ж.Эсоновнинг “Мактабда бадиий асар тилини ўрганиш” (1973), Ф.Насриддиновнинг “Адибнинг йўли” (1971). И.Мирзаевнинг “Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси” (1977), Т.Расуловнинг “Бадиий асар қанотлари” (1977), О.Шарафиддиновнинг “Адабиёт тилдан бошланади” (1985), Ҳ.Дониёров, Б.Йўлдошевнинг “Адабий тил ва бадиий стиль” (1988) сингари қатор асарларни киритиш мумкин.

Масалан, адабиётшунос олим Н.Шукуров Ғафур Ғуломнинг *кўк устига калла урмоқ* (“Нон”), *кўзим усти миннатинг бошимга дурра, номини бир нақир қилмоқ, қўли қанд, ширин томоқ* (“Сен етим эмассан”), *бир ямлаб ютмоқ, қуйругин чайнар бўлмоқ* (“Кўклам тонготари”) каби ФБлардан ижодий-индивидуал фойдаланиш жараёнини асосли ёритиб берган¹¹⁵. Шуниси муҳимки, олим фразеологик бирикмаларни бутун хусусиятларига кўра халқ ташбеҳлари деб номлайди. Бунинг сабабини Н.Шукуров қуйидагича изоҳлайди: “Фразеологик бирикмаларни бутун хусусиятларига кўра халқ ташбеҳлари (народные тропы) дейиш мумкин. Чунки фразеологизмлар фикрни мажозий йўл билан ифодаловчи образли элементлар сифатида халқ томонидан яратилган ва халқ орасида жуда кенг кўламда тарқалгандир. Ана шу халқ ташбеҳларининг, яъни образли фразеологик бирикмаларнинг Ғафур Ғулом поэзиясида кўплаб ишлатилиши

¹¹⁵ Шукуров Н. Ғафур Ғуломнинг фразеологизмлардан фойдаланишдаги маҳорати ҳақида // Фразеология масалалари, СамДУ асарлари, янги серия, 106-чиқиши. - Самарқанд: 1961. – Б. 62-68.

унинг шеърларидаги образлиликнинг жуда халқчил, содда ва гўзал бўлиб чиқишини таъминлайди”¹¹⁶.

Лекин адабиётшунос олимларнинг айрим ишларида “фразеологизм” ва “фразеология” атамаларини фарқламаслик ҳоллари кўзга ташланади. Масалан, “Адабиёт назарияси”да қайд қилинишича, “хар бир халқ тилига хос барқарор сўз бирикмалари фразеология деб аталади”¹¹⁷. Бу ишда тилшунослик соҳасининг номи кўчма маъно ифодаловчи лисоний бирлик атамаси сифатида қўлланган. Шунингдек, бу ишда “кўз” сўзи ёрдамида ҳосил бўлган *кўз юммоқ*, *кўз тутмоқ* каби бирикмалар “кўз сўзининг фразеологик вариантлари” деб номланган¹¹⁸.

Айрим илмий ишларда ўзбек тилидаги ФБларнинг бой услубий имкониятларини очишга ҳаракат қилинади, фразеология назариясининг бошқа бир қанча масалалари ўртага қўйилади ва қисман ҳал этилади. Жумладан, А.Шомақсудов Муқимий асарлари асосида ўзбек адабий тили фразеологик фондининг бойиш манбаларини очишга интилади. Олимнинг фикрича, бундай манбалар қаторига: а) жонли халқ сўзлашув тили, б) китобий-адабий услуб бирикмалари, в) бошқа тиллардан ўзлашган иборалар киради¹¹⁹.

Аммо қайд қилиш лозимки, кўпгина илмий ишларда ФБларнинг маъносини, шаклини, компонент таркибини аниқлашда ҳозиргача ноаниқликларга йўл қўйилмоқда, баъзи ишларда равиш ва феъл фраземалар ўзаро фарқланмайди¹²⁰, фраземаларнинг вариантлари қўшма сўз, аналитик бирикма каби тил бирикликларидан фарқли томонлари аниқ белгиланмайди. Баъзан *тишини тишига қўйиб*, *лаби лабига тегмай*, *теша тегмаган*, *жизига тегди* каби ФБлар оддийгина қилиб “бирикма” деб юритилади¹²¹. Бу эса ҳали ўзбек тилшунослигида фразеологиянинг назарий муаммолари чуқур тадқиқ этилмаётганлиги билан изоҳланади. 50-70-йилларда ўзбек фразеологиясига доир олиб борилган тадқиқотлар ўзбек

¹¹⁶ Шукуров Н. Ғафур Ғуломнинг фразеологизмлардан фойдаланишдаги маҳорати ҳақида // Фразеология масалалари, СамДУ асарлари, янги серия, 106-чиқиши. - Самарқанд: 1961. – Б. 65.

¹¹⁷ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 225.

¹¹⁸ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 226.

¹¹⁹ Шомақсудов А. Муқимий сатирасининг тили // ТошДУ илмий асарлари, 366-чиқиши. - Тошкент, 1970. – Б. 62-95.

¹²⁰ Расулов И. Наречные фразеологические единицы в русском и узбекском языках. АКД. - Ташкент, 1987. – С. 13-, 15-, 18-, 19.

¹²¹ Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. - Тошкент: Фан, 1993. – Б. 64-67.

тилшунослигида шу соҳанинг кейинги даврдаги тараққиёти учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

70-80-йилларда ўзбек тилидаги фраземаларнинг структурал-грамматик, семантик, услубий хусусиятларини ўрганиш, фраземаларни луғатларда изоҳлаш соҳасидаги ишларни давом эттириш билан бирга яна қуйидаги уч йўналишда илмий кузатишлар олиб борилди: а) фраземаларни луғатларда изоҳлаш тамойиллари илмий жиҳатдан ўрганилди (С.Акобиров, М.Умархўжаев, В.Х.Қодиров, М.Абдурахимов); б) фраземалар диахроник режада тадқиқ этилди (Э.Умаров, М.Ҳакимов, А.Жўрабоев); в) ўзбек тили фраземаларини бошқа тиллардаги фраземалар билан қиёслаб ўрганиш ишлари жадаллашди. Бу ўринда ўзбек тилидаги фраземаларни рус (И.Расулов, Т.Мирзаева, А.Чўпонов, Я.Ражабов, Р.Жўрақулов, Б.Қаршиев, Б.Ҳайитов), тожик (А.К.Боровков, Х.Турсунова, К.Юсупов, Э.Қиличев, Н.Шаропов, Р.Ғаффоров, М.Сиддиқова, А.Зоҳидов, Т.Чориев, Г.Адашуллаева), немис (М.Азимова, А.М.Бушуй, А.Исаев, А.Яхшиев, К.Хурбоев, М.Умархўжаев, Т.А.Бушуй), инглиз (Қ.Мусаев, К.Назаров, Ш.Сафаров, А.Шокиров, М.Худойберганова, Т.А.Бушуй, Г.Атаева), француз (Н.Турниёзов, А.Нарзикулов, И.Мирзаев, Ҳ.Орзикулов, А.Эшонкулов, М.Ҳолбеков, Н.Сувонова), афғон (А.Ғаниев), бошқа туркий тиллар (Э.Умаров, М.Рўзикулова, Ш.Абдуллаев) билан қиёслаб ўрганиш, фраземаларни бадиий таржима аспектида таҳлил этиш (Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Л.Абдуллаева, Ш.Рўзиев, С.Саломова, Б.Йўлдошев, Ш.Абдуллаев) соҳасида бажарилган ишларни алоҳида қайд қилиш ўринлидир. Аммо бундай ишларни келгусида янада чуқурлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз, чунки ўзбек тилининг фразеологик тизимини бошқа қардош туркий тиллар фразеологияси билан қиёсан ўрганиш ўзбек тили фразеологик тизимининг ўзига хослигини, ривожланиш йўллари аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, бундай тадқиқотлар умуман олтой тиллари, жумладан, туркий тиллар фразеологик таркиби орасидаги муштарак томонларни белгилаш¹²², унинг тарихий илдизлари ва сабабларини асослаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

¹²² Бу ҳақда қаранг: **Ураксин З.Г.** Общность образно-фоновой и лексической основы фразеологических единиц алтайских языков // Советская тюркология. 1987, № 5. – С. 52-54 ва бошқалар.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида диалектал фраземаларни таҳлил этишга киришилди. Х.Дониёров ўзбек тили “ж”лашган (қипчоқ) диалектининг фразеологияси устида кузатишлар олиб бориб, бундай ФБларни қуйидаги тўрт гуруҳга ажратган эди:

1. “Ж” лашган диалектнинг ўзигагина тегишли бўлган фразеологизмлар: *тўбадан тушгандай қып гапирмоқ, дайрага урнақ бомаслик* кабилар.

2. “Ж” лашган диалектда кенг қўлланувчи, ўзбек адабий тилида ёки бошқа шеваларда учраса ҳам, “ж” лашган диалектдаги вариантдан бирор компоненти билан фарқ қилувчи фразеологизмлар: *оёғины қийшық босмоқ, айраны ачымас, қырмызы қычымас* кабилар.

3. Ўзбек адабий тили ва бошқа шеваларга нисбатан “ж” лашган диалектда ва халқ достонларида кенг қўлланувчи фразеологизмлар: *жутаган тувадақтай, бўзлаган бўтадай* каби.

4. Адабий тилда ҳам, “ж” лашган диалектда ҳам тез-тез учраб турувчи, лекин “ж” лашган диалектда адабий тилга нисбатан фонетик жиҳатдан фарқ қилувчи фразеологизмлар: *овур оёқли, қой авзыдан чоб амаслық* кабилар¹²³.

Т.Содиқов Тошкент шеваси фразеологияси юзасидан кузатиш ишлари олиб борди. Унинг 1968 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясининг маълум қисми ҳам шу мавзуга бағишланган эди¹²⁴. Шу йили олимнинг “Тошкент фразеологиясига доир” номли мақоласи ҳам эълон қилинганди¹²⁵. Бу мақолада шевадаги фраземаларнинг образлилик хусусияти, синоним фраземаларга оид характерли мисоллар келтирилган.

Ҳ.Узоқов Фарғона гуруҳ шевалари фразеологияси бўйича кузатиш ишлари олиб борган¹²⁶. Муаллифнинг таъкидлашича, *уръ-кеттъ, қошты-қувдъ, томдан тараша чушкандай* иборалари Фарғона диалектининг Водил, Лоғон, Гулпиён, Заркент шеваларида адабий тилдаги “тўс-тўполон, урди-сурди”ни, *мен қиламан ўттиз, тегръм қылар теп-текис* ибораси Лоғон ва

¹²³ Дониёров Х. Ўзбек тили “ж” лашган (қипчоқ) диалектининг фразеологияси устидан кузатишлар // Фразеология масалалари, СамДУ асарлари, янги серия, 106-чиқиши. - Самарқанд, 1961. – Б. 80-85.

¹²⁴ Содиқов Т. Тошкент область ўзбек шевалари лексикаси. Номзодлик диссертацияси. - Тошкент, 1968. – Б. 105-138.

¹²⁵ Содиқов Т. Тошкент фразеологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, № 4. – Б. 25-27.

¹²⁶ Узоқов Ҳ. Диалектал фразеологизмлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. № 6. – Б. 60-63.

Дамкўл қишлоқлари аҳолиси нутқида адабий тилдаги “мен йиғаман, сен совурасан” маъноларини ифодалаб келади”¹²⁷.

Н.Ражабов ва М.Валиевлар шевашуносликка доир ўқув кўлланмасида диалектал фраземаларга доир материалларга ҳам маълум даражада ўрин ажратганлар¹²⁸.

Х.Дониёров “Қипчоқ диалектларининг лексикаси” номли монографиясида шарқий қипчоқ шеваларининг характерли диалектал фраземаларини таҳлил этган. Олимнинг фикрича, бирор фразеологизмни у ёки бу шевага, диалектга тегишли деб қатъий ҳукм чиқариш қийин, лекин шундай бўлса-да, диалектал фразеологизмларни аниқлашда қуйидаги тўрт ўлчов(мезон)га асосланиш лозим: “...у ёки бу фразеологизмнинг: а) адабий тилимизда ҳам учраши-учрамаслиги; б) шу шевада гапирувчи аҳолининг турмуши билан қанчалик боғланганлиги; в) унинг шевалик хусусиятини ўзида қанчалик акс эттириши ва г) унинг қадимги элементлардан қайси тил ва диалектларга мансуб бўлган қонуният ва хусусиятларни сақлаб қолганлигига боғлиқдир”¹²⁹.

Б.Файзуллаев “Бадиий асар тилида диалектизмлар” мавзусидаги номзодлик диссертациясида диалектизмларни турларга ажратар экан, фразеологик диалектизмлар ҳақида ҳам сўз юритади, *огзини чакки қилди, бошида гўз чақмоқ* каби диалектал фразеологизмларнинг “Фарғона тонг отгунча” (М.Исмоилий), “Хоразм” (Ж.Шарипов) романларида қўлланиш хусусиятларини ўрганади¹³⁰.

А.Ишаев ўз монографиясида диалектизмларни тасниф этар экан, фразеологик диалектизмларга ҳам алоҳида тўхталади¹³¹. Шунингдек, олим бу ишда фразеологик диалектизмларни диалектал луғатларда бериш усуллари, диалектал фразеологик луғат, уни тузиш тамойиллари ҳақида ҳам муҳим фикр-мулоҳазалар баён этган¹³².

“Ўзбек шевалари лексикаси” номли тадқиқот (1991)нинг “Ўзбек шевалари фразеологияси” қисми филология фанлари

¹²⁷ Узоқов Х. Диалектал фразеологизмлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. № 6. – Б. 61.

¹²⁸ Ражабов Н., Валиев М. Ўзбек шевалари лексикасидан материаллар. – Самарқанд, СамДУ нашри, 1976. – Б. 43-45.

¹²⁹ Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 103.

¹³⁰ Файзуллаев Б. Диалектизмы в языке художественных произведений, АКД. - Ташкент, 1979. – С. 19.

¹³¹ Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. - Тошкент: Фан, 1990. – Б. 110-112.

¹³² Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. - Тошкент: Фан, 1990. – Б. 38-39.

номзоди М.Туропова қаламига мансуб эди¹³³. Бу қисмда диалектал фразеологиянинг характери белгилари, диалектал фразеологизмларнинг лексик таркиби, фразеологик вариантлар, диалектал фразеологизмларнинг структурал ўзгаришлари, фразеологик синонимлар, диалектал фразеологизмларнинг грамматик ва семантик структураси маълум даражада тадқиқ этилган. “Ўзбек шевалари фразеологияси” номли бу иш олиманинг 80-йилларда эълон қилинган илмий мақолалари негизида яратилган¹³⁴. Лекин бу ишлар билан танишган китобхон ўзбек шевалари фразеологияси ҳақида чуқур ва асосли маълумотга эга бўлолмайди. Бу китобга ёзилган тақризда тўғри таъкидланганидек, “муаллиф ишнинг саҳифасини кўпайтириш пайида бўлиб, луғат тарзида берилган ибораларни ҳаддан ташқари кўпайтириб, ишнинг материал қисмини чўзиб юборган. Натижада тадқиқот қисми қисқариб қолиб, турли шевалардан луғат тарзида берилган материал илмий изоҳ ва таҳлилсиз кўпайиб, чўзилиб кетган. Бунинг устига муаллиф проф. Ш.Раҳматуллаев тадқиқотларига қиёсан текшириш олиб бориб, ўзбек шеваларидаги ибораларнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга уринса яхши бўлар эди. Бу ишнинг асосий камчиликларидан бири унда шевашунослик фанига хос тадқиқот усулидан чекинишдир”¹³⁵.

Шундай бўлса-да, турли шеваларга хос бўлган фраземаларнинг бир жойга тўпланганлиги, уларнинг ўзбек диалект ва шевалари бўйича гуруҳлаштириб берилиши, маълум даражада илмий таҳлил этилиши эътибори билан М.Туропова томонидан бажарилган бу иш ўзбек шевашунослиги ва фразеологиясига қўшилган бир улуш сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Й.Бобожонов жанубий Хоразм этнографик лексикасини тадқиқ этар экан, *гоз айдын, сыпра қақды, қайтыш болды* каби “фразеологизм шаклидаги этнографизмлар” ҳақида ҳам тўхталади¹³⁶. Лекин ўзбек шевашунослигига оид асарларда тилшунослик соҳасининг номи “фразеология”ни тил бирлиги

¹³³ Туропова М. Ўзбек шевалари фразеологияси // Абдурахмонов Д., Содиков Т., Носиров Ш., Туропова М. Ўзбек шевалари лексикаси. - Тошкент: Фан, 1991. – Б. 181-228.

¹³⁴ Туропова М. Ўзбек шеваларида фразеологизмлар ва уларнинг лексик состави // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. № 5. – Б. 40-44; Туропова М. Фразеологик вариантлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. № 5. – Б. 30-34.

¹³⁵ Сафаров М. Бир китоб хусусида // “Туркистон” газетаси, 1992, 19 февраль

¹³⁶ Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси. НДА. - Тошкент, 1997. – Б. 17.

“фразеологизм”дан фарқламаслик ҳоллари ҳамон учраб туради. Масалан, “Ўзбек шевашунослиги” номли асарда шундай ёзилган: “Фразеология деб нутқимиздаги турғун ва барқарор сўз бирикмаларига, ибораларга айтилади...”¹³⁷.

Умуман олганда, ўзбек тилшунослигида “халқ тили фразеологияси, ўзбек фольклори фразеологияси, айниқса, ўзбек диалектал фразеологияси материаллари ҳали чуқур тадқиқ этилганича йўқ”¹³⁸, - деб ёзган Э.Бегматов тамомила ҳақли эди. Диалектолог олим В.Эгамов ҳам ўз вақтида фразеологияга бағишланган республика илмий-назарий анжуманида бу ҳақда жуда куюнчаклик билан сўз юритган эди¹³⁹.

80-йиллар ўзбек тилшунослигининг муҳим хусусиятларидан бири ФБларни семантик жиҳатдан фразеологик кўшилма, фразеологик чатишма ва фразеологик бутунликларга ажратиш анъанасига шубҳа билан қараш бўлди. Бу ҳақда “Ҳозирги ўзбек адабий тили”(1-қисм) дарслигида шундай дейилган эди: “Фразеологизм ифодалайдиган маънонинг компонентлари маъно муносабатига кўра баъзи ишларда ...”фразеологик кўшилма”, “фразеологик бутунлик”(“фразеологик бирлашма”), “фразеологик чатишма” каби турларга ажратилади. Лекин бундай гуруҳлашнинг бирон-бир амалий аҳамияти йўқ. Бундан ташқари, юқоридаги атамалар таркибидаги “кўшилма”, “бутунлик”, “бирлашма”, “чатишма” сўзлари фразеологик маънонинг моҳиятини тушунишга ёрдам бермайди. Фразеологизмларда ҳеч қандай “кўшилиш”, “чатишиш” каби ҳодиса йўқ”¹⁴⁰.

Дарҳақиқат, ФБларни акад.В.В.Виноградов ишлаб чиққан тасниф асосида семантик типларга ажратиш, айниқса, фразеологик бирлашма ва фразеологик чатишмаларни ўзаро фарқлаш ниҳоятда қийин. Буни акад.Н.М.Шанский ҳам ўз асарида алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди¹⁴¹. Э.В.Кузнецова ҳам ФБларнинг чатишма, бирлашма каби турлари ўртасида қатъий фарқ йўқлигини

¹³⁷ **Ражабов Н.** Ўзбек шевашунослиги. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 291.

¹³⁸ **Бегматов Э.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. - Тошкент: Фан, 1985. – Б. 15.

¹³⁹ **Эгамов В.** Ўзбек диалектал фразеологиясининг ўрганилиши // Республиканская научно-теоретическая конференция “Актуальные проблемы фразеологии”(материалы конференции). - Самарканд, 1995. Б. 69-70.

¹⁴⁰ **Ҳожиев А.** Фразеология // Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 142.

¹⁴¹ **Шанский Н.М.** Фразеология современного русского языка. Издание третье. - М.: Высшая школа, 1985 – С. 63.

исботлашга интилади¹⁴². Шунинг учун кўпгина дарслик ва қўлланмаларда ФБларни семантик типларга бўлишда хилма-хиллик юз бермокда. Жумладан, Н.М.Шанскийнинг “Ҳозирги рус тили фразеологияси” номли қўлланмасида *спустя рукава* фраземаси бир ўринда фразеологик чатишма, яна бир ўринда фразеологик бирлашма, деб номланган¹⁴³. Бундай хилма-хиллик ўзбек тилига оид дарслик ва қўлланмаларда ҳам мавжуд. Масалан, Ш.Раҳматуллаев У.Турсунов ва Ж.Мухторовлар билан ҳамкорликда ёзган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” қўлланмасида ФБларни маънони қандай англатишига кўра уч гуруҳга бўлади: фразеологик бутунликлар, фразеологик чатишмалар, фразеологик қўшилмалар¹⁴⁴. Шу қўлланманинг иккинчи нашрида эса “иборадан яхлитлигича англашиладиган маъно билан таркибидаги сўзлар англатадиган лексик маънолар орасидаги муносабат асосида ФБларнинг икки семантик тури фарқ қилинади: 1) фразеологик бутунлик; 2) фразеологик чатишма”¹⁴⁵, деб ёзилган. Бу асарнинг қайта ишланган, тўлдирилган учинчи нашрида Ш.Раҳматуллаев ибораларни “фразема” атамаси билан номлайди, лекин асарнинг янги нашрида фраземаларни семантик типларга ажратиш тамойиллари ўзгармаган¹⁴⁶.

ЎзМЭда анъанага кўра ФБларни фразеологик чатишма, фразеологик бутунлик ва фразеологик қўшилмаларга ажратиш тамойилига амал қилинган: “Фразеологизмлар тарихий қўлланиш меъёрларига, усулларига эга бўлиб, уларнинг маънолари муайян нутқий жараёнда ойдинлашади. Фразеологизмларнинг қуйидаги турлари фарқланади: а) фразеологик чатишма – фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзларнинг маъносига боғлиқ бўлмайди, фраземадан англашилган кўчма маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноси билан изоҳланмайди: *тўнини тескари киймоқ, оёғини қўлига олиб чопмоқ, бошини олиб чиқиб кетмоқ* ва бошқалар; б) фразеологик бутунлик (бирлашма) –

¹⁴² Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка. Издание второе. - М.: Высшая школа, 1989. – С. 204.

¹⁴³ Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. Издание третье.. - М.: Высшая школа, 1985. – С. 60, 71.

¹⁴⁴ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 135-136.

¹⁴⁵ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент, Ўқитувчи, 1975. – Б. 16-18.

¹⁴⁶ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент, Ўқитувчи, 1992. – Б. 74

фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳланади, шу маънолар асосида умумлаштирувчи кўчма маъно ифода қилинади (кўпинча бундай бирлашмаларнинг ўз маъносида қўлланадиган вариантлари ҳам мавжуд бўлади): *ёғ тушса ялагудек, енг шимармоқ, хамирдан қил суғургандек, тўйдан олдин ногора чалмоқ* ва бошқалар; в) фразеологик кўшилма – бунда фраземалар таркибидаги бир сўз кўчма маънода қўлланади, бошқаси эса ўз луғавий маъносини сақлайди: *гапнинг тузи, қўли гул, иштаҳаси очилди* ва бошқалар”¹⁴⁷.

Худди шунингдек, М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расуловларнинг “Ўзбек тили” ва Ҳ.Абдурахмонов, Э.Шодмоновларнинг “Ўзбек тили” номли китобларида фраземалар уч типга ажратилган бўлса¹⁴⁸, Ҳ.Жамолхонов ҳам конспектив курсида фраземаларни юқоридаги сингари учга ажратади¹⁴⁹, М.Асқарова ва К.Қосимовалар билан ҳамкорликда ёзган дарсликда фраземалар фақат икки тип (фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишма)га ажратилади¹⁵⁰, О.Азизов ва А.Сафаевлар билан ҳамкорликда ёзилган қўлланмада эса фраземалар семантик жиҳатдан бундай типларга умуман ажратилмайди, балки улар орасидаги синонимия, омонимия, полисемия, антонимия ҳодисалари ҳақида маълумот берилади¹⁵¹.

“Лингвистик таҳлил” қўлланмасида тил бирликларининг лексикологик ва фразеологик таҳлил намунаси берилар экан, *иши орқага кетмоқ*., *кўзи қамашмоқ*., *уйқуга чўймоқ* фраземалари фразеологик кўшилма, *шум оёқ* фраземаси эса фразеологик чатишма сифатида тасниф қилинган¹⁵².

А.Шомақсудовнинг “Ўзбек тили стилистикаси” номли қўлланмасида ФБлар мазмун ва тузилишига кўра фразеологик кўшилма, фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишмага

¹⁴⁷ Ўзбек миллий энциклопедияси. 1X-том. – Тошкент, 2005. – 309.

¹⁴⁸ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б. 49; Абдурахмонов Ҳ., Шодмонов Э. Ўзбек тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 23-24.

¹⁴⁹ Жамолхонов Ҳ. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”дан методик кўрсатмалар ва конспектив курс. 1-қисм. - Тошкент: 1979. – Б. 41-43.

¹⁵⁰ Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б. 22-24.

¹⁵¹ Азизов О., Сафаев А., Жамолхонов Ҳ. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси (фонетика, лексика, морфология ва синтаксис). - Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 66-71.

¹⁵² Қудратов Т., Нафасов Т. Лингвистик таҳлил. - Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – Б. 10-15.

ажратилган¹⁵³, лекин шу муаллифнинг ҳамкорликда эълон қилинган қўлланмасида фраземалар бундай тасниф қилинмаган¹⁵⁴.

“Ҳозирги ўзбек адабий тилидан лаборатория машғулоти”, “Ўзбек тилининг практик стилистикаси”, “Ўзбек тилининг амалий грамматикаси” номли қўлланмаларда, “Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби” номли монографияда ҳам ФБлар таҳлилида худди шундай йўл тутилган¹⁵⁵.

А.Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати” (ЛТИЛ, 1985)да ФБлар одатдагидек фразеологик бутунлик, фразеологик қўшилма ва фразеологик чатишмаларга ажратилган ҳамда бу атамаларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида изоҳ берилган [ЛТИЛ, 104-105]. “Ўзбек тили маълумотномаси”да эса фақат “идиома” (китобда “идеома” деб ёзилган) атамаси жуда қисқа изоҳланган, холос¹⁵⁶.

“Ўзбек тили жадвалларида” номли қўлланма ФБларнинг асосий хусусиятларини ёритиш соҳасида тилшунослигимиз учун муҳим кадам саналади, чунки бу асарда ФБлар шакл ва маъносига кўра (фразеологик омонимия, фразеологик синонимия, фразеологик антонимия, фразеологик вариантлик), синтактик моделига кўра (сўз бирикмаси моделида, гап моделида), қайси сўз туркумига мансублигига кўра (феъл фразеологизмлар, от фразеологизмлар, сифат фразеологизмлар) тасниф қилинган, ФБларнинг асосий белгилари (такрорийлик, идиоматиклик, барқарорлик, синсемантик), фразеологик синонимлардаги бирлаштирувчи маъно турлари (қувонч, ҳайратланиш, ачиниш, афсусланиш, ҳафалик, қўрқинч, безовталиқ, жирканиш, масҳара қилиш, қаҳр-ғазаб, уят, ор-номус, изтироб, дўқ-пўписа, қарғаш) таъкидлаб кўрсатилган, ФБларнинг сеимантик таснифи (ҳолат, ҳаракат, белги, микдор) берилган. Шу билан бирга бу ишда ФБлар умумий маъноси билан қисмларининг хусусий маънолари ўртасидаги муносабатга кўра

¹⁵³ Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. Иккинчи қисм. - Тошкент: 1974. - Б. 51-56.

¹⁵⁴ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1983. - Б. 68-71.

¹⁵⁵ Шодмонов Э., Нафасов Т. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”дан лаборатория машғулоти. - Тошкент: Ўқитувчи, 1986. - Б. 41-43; Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1985. - Б. 69-72; Абдурахмонов Ҳ., Рафиев А., Шодмонкулова Д. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - Б. 74-76; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. - Тошкент: Фан, 1991. - Б. 88-95.

¹⁵⁶ Алиев А., Назаров К. Ўзбек тили маълумотномаси. - Тошкент: Фан, 1992. - Б. 18.

анъанавий равишда фразеологик кўшилма, фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишмаларга ажратилган¹⁵⁷.

Бизнингча, ФБларни функционал-услубий ва семантик жиҳатдан ўрганганда юқоридаги сингари семантик гуруҳларга ажратмаслик лозим, чунки бундай тасниф аниқ, мантикий тамойилларнинг йўқлиги, субъектив йўналишнинг устунлиги билан характерланади. Проф.А.Нурмоновнинг таъкидлашича, “собик шўролар даврида В.В.Виноградовнинг фразеологизмга ёндашуви ва уни уч гуруҳга таснифлаш ўта субъектив эканлиги бир қатор мутахассислар томонидан танқид қилинди... Энг муҳими, В.В.Виноградовнинг (фразеологизмларни) сунъий равишда уч гуруҳга бўлган семантик таснифи орқага сурилди. Унинг ўрнига фразеологизмларнинг ҳам худди бошқа луғавий бирликлар каби семантик тузилиш таҳлилига эътибор берилма бошланди”¹⁵⁸.

Ўзбек фразеологиясига оид 80-йилларда ва ундан кейин бажарилган ҳамда ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияларида ҳам худди ана шу тамойилга амал қилинмоқда. Масалан, А.Рафиевнинг “Ўзбек тили фразеологик бирликларининг структурал-функционал хусусиятлари” (Тошкент,1982) номли номзодлик диссертациясида фразеология объекти тор доирада тушунилади, ишда фақат соф фраземалар ўрганилади. Ишнинг дастлабки бобида икки компонентли (*бўзчининг мокисидай, анқонинг уруги, думи хуржунда, кўз тегди, силласи қуриди,, қандингни ур, худо кўрсатмасин, кўзи тўрт, дами ичида* каби), уч компонентли (*гишт қолипдан кўчди, сабр косаси тўлди, оғзининг таноби қочди, қовоғидан қор ёғилиб, дўпписи тор келмоқ, тилини тишлаб қолди* каби), тўрт ва ундан ортиқ компонентли (*қордан қутулиб, ёмғирга тутилмоқ; қулогини қоқиб қўлига бермоқ, икки кўзи тўрт бўлмоқ, етти номусини ерга букмоқ, бир гапини икки қилмаслик, ўз ёғига ўзи қовурилмоқ* каби) фраземаларнинг структурал-грамматик хусусиятлари таҳлил қилинади.

А.Рафиев ишнинг иккинчи бобида фраземаларни таянч компонентида кўра тасниф қилишга интилади. Бу тамойилга мувофиқ ўзбек тили фраземалари субстантив (*отнинг қашқаси, суянган тоғи, суҳбатнинг гули, гапнинг нўст калласи* каби), феъл (*сиркаси сув кўтармайди, пайтавасига қурт тушди, юрагига қил*

¹⁵⁷ Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларида. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 47-51.

¹⁵⁸ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 191-192.

сизмайди каби), адъектив (*афти совуқ, бағри бутун, юраги кенг, қўли калта* каби), адвербиал (*енг учида, нони яримта, ер билан осмонча, оёғини қўлига олиб* каби) фраземалар, деб тўрт гуруҳга ажратилади. Тадқиқотнинг сўнгги бобида эса фраземаларнинг синтактик функциялашуви қуйидаги уч аспектда ўрганилган: а) фраземаларнинг асосий функциялари, б) қўшма гап таркибида фраземаларнинг айрим синтактик хусусиятлари, в) фразеологизм-гаплар ва уларнинг структурал-функционал белгилари.

А.Рафиев ўзининг “Иборалар - нутқимиз кўрки”(1985) номли рисоласида воқеа, ҳаракат, ҳолат тўғрисидаги хабарни билдирувчи *судан қуруқ чиқмоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ* каби фраземаларни коммуникатив иборалар сифатида, предмет ва ҳолатнинг атамаси ҳисобланган *отнинг қашқаси, кўнгли қора* сингари фраземаларни эса номинатив иборалар сифатида талқин этади. Асарда таъкидланишича, “номинация бирлиги ҳисобланган иборалар кўпроқ эга ва аниқловчи вазифасида келса, коммуникатив иборалар одатда кесим ва ҳол ўрнида қўлланилади”¹⁵⁹.

Ўрни келганда бир ҳолатни таъкидламоқчи эдик. Маълумки, фраземалар эмик birlik сифатида нутққа тайёр ҳолда олиб кирилади, гап таркибида бир бутун ҳолда бир гап бўлаги сифатида вазифа бажаради, фраземаларни майда элементларга ажратиш фақат ўша бутунлик - фразема доирасидагина амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолат ҳозирги кунда барча тилшуносларга яхши маълум, биз юқорида кўздан кечирган А.Рафиевнинг тадқиқоти ҳам бунинг ёрқин далили бўла олади. Аммо қўшма гапларга оид айрим дарслик ва қўлланмаларда фраземаларнинг ана шундай бир бутунлиги, яхлитлиги унутилиб, “Сенга майл қўйгандан бери, ҳеч нарсга кўнглим тўлмайди” (Ҳамид Олимжон), “Аҳмаджон таъби тирриқ бўлиб, бошқа ҳеч кимдан гап сўрамади”(Абдулла Қаҳҳор), “У уйига хийла таъби очилиб қайтди”(Абдулла Қаҳҳор) каби гаплар қўшма гап сифатида талқин қилинмоқда¹⁶⁰. Бу ўринда *кўнгли тўлмаслик, таъби тирриқ бўлмоқ, таъби очилмоқ* сингари эга-кесим структурали фраземалар предикатив курилмалар таркибида иштирок этиб, қўшма гап ҳосил қилмайди. Бундай фраземалар содда гапнинг бир бўлаги сифатида талқин этилиши

¹⁵⁹ Рафиев А. Иборалар - нутқимиз кўрки. - Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – Б. 11-12.

¹⁶⁰ Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. 2-том. - Тошкент: Фан, 1976. – Б. 425-426.

мақсадга мувофиқдир¹⁶¹. ЎзМЭда фразеологизмлар семантик тузилишига кўра қуйидагича тасниф қилинган: "...а) бирикмага тенг фразеологизмлар (*катта оғиз, аммамнинг бузоғи, туёғини шиқиллатмоқ* каби), б) гапга тенг фразеологизмлар (*юзи ёруғ бўлди, боши осмонга етди, сиркаси сув кўтармайди*). Фразеологизмнинг қисмлари ажралмас ҳолда бўлганлиги учун улар гапда битта синтактик вазифада келади. Масалан: "*Қизга ўзбек қишлоғининг содда ҳаёти, оқ кўнгил одамлари ёқди*" ва "*Насимжон боши кўкка етқудай суюнди*" гапларида "*оқ кўнгил*" фраземаси – аниқловчи, "*боши кўкка етқудай*" фраземаси ҳол вазифасида келган"¹⁶².

Бизнингча, фраземаларни структурал-функционал жиҳатдан тасниф қилишда фақат бир тамойилга, яъни таянч компонентга асосланиш фраземанинг бирикувчанлик, грамматик қуршов, валентлик, семантик яхлитлик сингари категориал белгиларни инобатга олмаслик унчалик маъқул эмас, чунки фақат бир тамойилга таяниш фраземаларнинг грамматик типлари орасидаги фарқларни аниқ ва асосли белгилашга имкон бермайди.

70-йилларда ўзбек тилшунослигида фраземалар компонент таҳлил методи асосида ҳам ўрганилмоқда. Бу жиҳатдан айниқса И.Қўчқортоевнинг докторлик диссертацияси характерлидир¹⁶³. Мазкур ишда тилимиздаги нутқ феъллари тизими ўрганилар экан, бундай феъллар гапирув феъллари, ифодалов феъллари, субъектив ҳукм феъллари, талаффуз феъллари, нутқий даъват феъллари, симметрик нутқ феъллари, сукут феъллари сингари гуруҳларга ажратилади ҳамда ҳар бир гуруҳга оид сўзлар (феъллар) билан бир қаторда шундай маъно ифодаловчи фраземаларнинг семантик тузилиши ҳам тадқиқ этилади. Масалан, узоқ гапирув амалини билдирадиган феъллар ҳақида сўз юритилганда, *гапни чўзмоқ, гап бермаслик, том устига том ёпмоқ, гапга берилиб кетмоқ, гап чайнамоқ, жағ урмоқ, қулоқ-мияни емоқ, қулоқ-мияни қоқиб қўлга бермоқ* сингари фраземалар ҳам келтирилган. Ёки бўлғуси нарсалар ҳодиса тўғрисидаги хабарни маълум қилиш амалини билдирадиган феъллар қатори *башорат қилмоқ, каромат қилмоқ, пайғамбарлик қилмоқ, нафасини иссиқ қилмоқ, ёмон нафас қилмоқ, совуқ нафас*

¹⁶¹ Нурмонов А. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. № 5. – Б. 26.

¹⁶² Ўзбек миллий энциклопедияси. IХ-том. – Тошкент, 2005. – Б. 309-310.

¹⁶³ Кучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском языке. Автореф. дис... доктора филол. наук. – Ташкент, 1978. – 40 с.

қилмоқ, тўйдан олдин ногора чалмоқ, подадан олдин чанг чиқармоқ каби фраземалар “башорат” семаси билан характерланиши алоҳида таъкидлаб кўрсатилган¹⁶⁴. Аммо бу ишда феъл-сўз билан феъл-фраземалар ҳар сафар қатъий чегараланган, фраземаларнинг компонент таркиби тўғри белгиланган, деб бўлмайди.

Абдуғафур Маматовнинг номзодлик диссертацияси¹⁶⁵ да инсон /шахс/нинг эмоционал ҳолатини ифодаловчи фраземалар бир неча фразео-семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган: шодлик, бахт (*оғзи қулогига етди, дўпписини осмонга отмоқ, боши кўкка етмоқ, оғзининг таноби қочмоқ* каби); таажжуб (*ёқасини ушламоқ, тарвузи қўлтигидан тушмоқ, ҳанг-манг бўлиб қолмоқ* каби); аччиқланиш, хафагарчилик (*юрак-бағри қон бўлмоқ, юрагига қил сизмайди, ўпкаси тўлди, таъби хира бўлди, умидлари пучга чиқди* каби); хавотирланиш (*ўзини қўйгани жой тополмаслик, юрагига гулгула тушмоқ, тоқати тоқ бўлмоқ* каби); кўркув (*юраги орқасига тортиб кетди, қотиб қолмоқ, нафаси ичига тушиб кетди* каби); истехзо, менсимаслик (*иззат-нафсига тегмоқ, юзингда кўзинг бор демай, майна қилмоқ, оёқ ости қилмоқ* каби); қаҳр-нафрат (*кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ; кўзларининг пахтаси чиқди, кўзлари қинидан чиқаёзди, кўзига қон қўйилмоқ* каби); таҳдид, қарғиш (*дийдоринг қурсин, ер юткур, гўрига гишт қаламоқ, илоё косаси оқармасин* каби) ва бошқалар. Шунингдек, бу ишда ижобий ва салбий тавсиф билдирувчи эмоционал-баҳо фраземаларининг семантик-услубий хусусиятлари ҳам маълум даражада ёритиб берилган.

Абдуғафур Маматовнинг номзодлик диссертацияси ва шу асосда эълон қилинган “Фразеологик стилистика масалалари” (1991) номли монографиянинг махсус боби фразеологизмларнинг трансформацияланиши муаммосини ўрганишга бағишланган. Бунда муаллиф фраземалар таркибидаги юз берадиган трансформациялар (ўзгаришлар)ни а) умумтилдаги ўзгаришлар ва б) индивидуал-муаллиф ўзгаришлари, деб икки гуруҳга ажратган ҳолда ўрганади. Асарда фразеологизм лексик компонентларининг алмаш(иб) қўлланиши (*гапга тўн кийгизмоқ - гапга қалпоқ кийгизмоқ* каби), фразеологизм таркибини киритмалар ёрдамида

¹⁶⁴ Қўчқортев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. - Тошкент: Фан, 1977. – Б. 105

¹⁶⁵ Маматов А.Э. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка. АКД. – Ташкент, 1988. – С. 3-20.

кенгайтириш (*ер остидан қарамоқ - ер остидан таънали боқмоқ* каби), фразеологик эллипсис ҳодиси (...*бурнининг учиди туради, ...сув сепиб қўйди* каби), фразеологик конвергенция (*ўзи йўқнинг мунча орқасидан тош отасиз = ўзи йўқнинг кўзи йўқ + орқасидан тош отмоқ* каби), аллюзия (*икки қўчқор тақашиб қолмоқ* каби), фразеологизмларни актуаллаштириш (*бугдой нон фақат қоринни тўйдирса, бугдой сўз кўнгилни тўйдиради*) каби усуллар бирма-бир таҳлил қилинган.

Абдуғафур Маматовнинг номзодлик диссертациясида ва “Фразеологик стилистика масалалари” номли монографиясида ютуқлар билан бирга айрим мунозарали томонлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ишда фраземалар ўн битта фразео-семантик гуруҳга ажратилган, шундан фақат бештаси асосли таҳлил қилинган, қолган фразео-семантик гуруҳлар йўл-йўлакай санаб ўтилган, холос. Шунингдек, муаллиф фразео-семантик гуруҳларга ажратишда ўзаро бири иккинчисига ўтиш ҳодисасининг мавжудлигини ҳам инобатга олиши лозим эди. Ижобий ва салбий тавсиф билдирувчи эмоционал-баҳо фраземалари ўрганилар экан, уларга доир аниқ миқдорий кўрсаткичлар келтирилганида ишнинг илмий-амалий қиммати янада ошган бўларди. Ишда бир-бирига зид келувчи фикрлар ҳам йўқ эмас. Масалан, А.Маматов “Фразеологик стилистика масалалари” номли асарнинг 8-саҳифасида “Айрим муаллифлар фразеологияни кенг тушуниш маъносида “*авиация саноати*”, “*ботаника боғи*”, “*хизмат кўрсатган ўқитувчи*”, “*арифметик жадвал*”, “*фан номзоди*” каби айрим составли атамаларни ҳам фразеологизмлар составида ўрганиб келишмоқда. Бу фикрга қўшилиш қийин...”, деб ёзган эди. Шу китобнинг 18-саҳифасида эса муаллиф “составли терминлашган турғун бирикмаларни фақат уларнинг эмоционал-экспрессивлик, образлилик даражасига кўра, тилда маълум эффект учун ишлатилгандагина уларни фразеология составида ўрганиш лозим”, деб таъкидлайди. Кўринадики, муаллифнинг терминлашган турғун бирикмаларни фразеология доирасида киритиш ёки киритмаслик тўғрисидаги фикри унчалик қатъий эмас.

“Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич” 70-йилларнинг иккинчи ярмигача эълон қилинган уч юзга яқин илмий

ишлар, фразеологик луғатлар ҳақида маълумот беради¹⁶⁶. Шунингдек, ўзбек фразеологияси бўйича илмий ишлар ҳақида Р.Қўнғуров ва С.Каримовларнинг “Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти”(Самарқанд,1984), С.Каримов ва Т.Жўраевнинг “Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти” (Самарқанд, 2001), А.Э.Маматовнинг “Нутқ маданияти ва тил нормасига оид ишларнинг библиографик кўрсаткичи”(1-П қисмлар, Тошкент, 1990), “Шавкат Раҳматуллаев” (Тошкент, 2006), “Бекмурод Йўлдошев” (Самарқанд, 2007), “Ҳамдам Бердиёров” (Самарқанд, 2008) номли бир қанча библиографияларда ҳам муҳим маълумотлар мавжуд.

Ўзбек фразеологиясини ўрганишнинг ҳозирги аҳволи мамлакатимиз тилшуносларининг бу соҳада сезиларли ютуқларни қўлга киритганлигидан далолат беради. Лекин негадир ўзбек тилшунослигининг собиқ Иттифоқ давридаги олтмиш йиллик тарихий тараққиёти кўздан кечирилган айрим ишларда ўзбек фразеологиясига умуман ўрин ажратилмаган¹⁶⁷. Мустақилликдан кейин яратилган “Ўзбекистон Республикаси” деб номланган энциклопедияда “Ўзбек тилшунослиги” мақоласида ҳам ўзбек фразеологиясига доир ишлар умуман инобатга олинмаган¹⁶⁸. “Ўзбек тилшунослиги тарихи” номли ўқув қўлланмада эса ўзбек фразеологиясининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини ёритишга бор-йўғи уч саҳифа ўрин берилган¹⁶⁹.

ЎзМЭда тилшуносликнинг фразеология соҳасига доир мақола ўзбек фразеологияси ҳақида қуйидаги қисқа фикрлар билан яқунланган: “Ўзбек тилшунослигида фразеология соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган. Шу кунгача фразеологизмлар турли жиҳатлардан ўрганилган (Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов ва бошқалар). Фразеология бўйича бир неча луғатлар тузилган (Ш.Раҳматуллаев, М.Содиқова), ёзувчилардан Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ойдин, Саид Аҳмад асарларининг фразеологик таркиби

¹⁶⁶ Бердиёров Х., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1977. - 38 б

¹⁶⁷ Ражабов Н. Ўзбек совет тилшунослигининг 60 йиллик тараққиёт тарихидан. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1982. – 98 б.

¹⁶⁸ Бегматов Э. Ўзбек тилшунослиги // Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – Б. 483-485.

¹⁶⁹ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 190-192

тадқиқ этилган. 70-80-йилларда СамДУ қошида фразеологик тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ва махсус тўпламлар чиқарувчи марказ фаолият кўрсатган”¹⁷⁰.

Ўзбек тилшунослигида олиб борилган фразеологик тадқиқотларнинг танқидий обзори шуни кўрсатадики, мамлакатимизда XX асрнинг 50-йилларида шаклланган фразеология соҳаси 70-80-йилларга келиб тилшунослик соҳалари орасида мустаҳкам ўринга эга бўлди, кўплаб ишлар яратилди, фразеолог мутахассислар сафи кенгайди. Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологияси янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Монографиянинг кейинги боби худди ана шу масалага бағишланади.

¹⁷⁰ Лафасов Ў., Охунов Н. Фразеология // Ўзбек Миллий Энциклопедияси. Ўн икки томлик. 1X-том. – Тошкент, 2005. – Б. 310.

У Ч И Н Ч И Б О Б

ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Мустақиллик, истиқлол шабадаси бошқа фанлар қатори мамлакатимизда тилшунослик фани равнақига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Мустақиллик даврида тилимизнинг фразеологик бойлигини тўла қамраб олувчи турли хил изоҳли луғатлар, сўзликлар яратишга алоҳида аҳамият берилди. Масалан, Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» (1992), М.Содиқованинг «Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати» (1994), Маҳмуд Сатторнинг «Ўзбекнинг гапи қизиқ» (1994), Б.Йўлдошев, К.Бозорбоевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» (сўзлик, 1998), Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовларнинг «Маънолар маҳзани» (2001) сингари лексикографик асарлар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологиянинг назарий масалаларини ўрганишга эътибор кучайди. Жумладан, тадқиқотчи Қ.Ҳакимов содда гап қолипни *жони кириб қолди, боши кўкка етди, юраги орқасига тортиб кетди, боши осмонга етди, юраги шувиллаб кетди, оғзи очилиб қолди, юраги қоқ ёрилаёзди* сингари фразеологизмларни компонент таҳлил методи асосида ўрганди, шу мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди¹⁷¹. Қ.Ҳакимовнинг тадқиқоти шуни кўрсатадики, «фразеологизмларнинг юзага келиши фақат маъно ҳодисасидир. Унинг таркибидаги бўлаклар ўртасида шаклланган синтактик муносабат ўз қимматини сақлаган, ўзгаришга учрамаган ҳолатда қолади. Бунда содда гап қолипни фразеологизмлар гарчи маъно

¹⁷¹ Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипни фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги. НДА. – Тошкент: 1994. - 24 б.

жиҳатдан тил бирлиги ҳолига келиб қолган бўлса ҳам, синтактик жиҳатдан содда гаплик қимматини сақлайди. У нутқ таркибида гап сифатида олиниб, бошқа бўлаклар унга мослаштирилади ва унинг бирор бўлагига боғлаб қўлланади”¹⁷².

Фраземаларни компонент таҳлил қилишнинг айрим натижалари Ш.Раҳматуллаевнинг илмий мақоласида ва 1992 йилда нашр этилган “Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви” номли монографиясида ҳам умумлаштирилган. Жумладан, Ш.Раҳматуллаев *таъби хира, дили сиёҳ, бағри қон* фраземаларининг семантик структурасини қуйидагича қиёслайди: “Ҳар уч фраземадан “ҳафа”лик маъноси англашилади, лекин бу “ҳафа”лик таъб/и/ хира фраземасида бошланғич босқичда (“бир оз”), дил/и/ сиёҳ фраземасида нормал ҳолатдан юқорироқ (“нормадан кучлироқ даражада”), бағр/и/ қон фраземасида эса энг юқори босқичда (“ўта кучли даражада”) экани англашилади. Шунга кўра таъб/и/ хира фраземаси “кайфияти бир оз ёмон ҳолатда” маъносини англатса, дил/и/ сиёҳ фраземаси “руҳияти ёмон” маъносини, бағр/и/ қон фраземаси эса “ғам-алам, изтироб билан тўлиб-тошган” маъносини англатади. Маънодаги бу қадар катта фарқланиш юқоридаги уч фразема ўзаро синоним эмаслигини кўрсатади. Асли маънодаги бундай фарқланишни “эмоциянинг кучли-кучсиз даражада кечиши” семаси деб эмас, балки “маъно градацияси” семаси деб номлаш тўғрироқ”¹⁷³.

Проф.Ш.Раҳматуллаевнинг таъкидлашига кўра, *додини бермоқ, кўнглига тугмоқ, йўлга солмоқ* каби “феъл фраземалардаги боғлашув кўп қиррали ўта мураккаб ҳодиса бўлиб, ўз доирасига турли-туман синтактик, семантик ҳодисаларни камраб олади. Боғлашув имконияти тил бирлигига мансуб хусусият деб қаралгани билан, бу хусусият тил бирликларининг ўзаро боғлашувида намоён бўлади, моддийлашади. Тил бирлигига хос боғлашувнинг моҳияти лексик-грамматик қуршов туфайлигина очилади. Бунда тил бирлигига хос очиқ ўринни қандай синтактик бўлак эгаллаши (синтактик боғлашув), бу бўлакларнинг қандай грамматик шаклда келиши (морфологик боғлашув), бу бўлакларнинг аталганлиги

¹⁷² Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги. НДА. – Тошкент: 1994. – Б. 20.

¹⁷³ Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлиlining баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. № 3. – Б. 19-20; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. - Тошкент: Университет, 1992. – Б. 12-32.

(грамматик-семантик боғлашув) ҳисобга олинади. Семантик боғлашув (семантик танланув) деб юритиладиган босқичда эса ўзаро боғлашувчи луғавий маъноларнинг идеографик семалари асосида фикр юритилади”¹⁷⁴.

Ш.Усмонова “Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди (1998). Бу иш икки бобдан иборат бўлиб, иш охирига ўзбекча-туркча муқобил соматик фразеологизмлар луғати илова қилинган.

Ишнинг дастлабки бобида ўзбек ва турк тилларида бирикмага тенг соматик фразеологизмлар (*бош оғриғи, кўз билан қош орасида, кўзини олиб қочмоқ, бош иргитмоқ, қўл остида* кабилар) функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Унинг иккинчи бобида эса ўзбек ва турк тилларида гапга тенг соматик фразеологизмлар (*бошимиз осмонга етди, бош омон бўлса дўпти топилади* кабилар) семантик ва грамматик жиҳатдан ёритилган¹⁷⁵.

М.Холиқованинг номзодлик ишида тил ва тафаккур, дунёнинг тил картинаси, антропоморфик омилларнинг тилга таъсири каби муаммоларга оид ҳозирги замон тилшунослигида мавжуд қарашлар ва концепциялар таҳлил қилинган. Мазкур ишда илк бор фразеологизмларнинг миллий семантикаси, экстралингвистик (миллий-маданий, этнографик, географик, тарихий) омилларнинг фразеологизмлар семантикасига таъсири каби муаммолар рус ва ўзбек тиллари фразеологияси мисолида ўрганилган¹⁷⁶.

Ш.Абдуллаев ўзбек фразеологиясида илк марта Т.Қайипбергеновнинг “Қорақалпоқнома”, “Қорақалпоқ достони” асарларининг ўзбекча таржимасида фразеологизмларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этди. Ишда фразеологизмларнинг эквивалент ҳамда вариантлар билан таржима қилиш усуллари, ибораларни сўз билан беришнинг таржимага қай даражада таъсир кўрсатиши ва, аксинча, сўзнинг фразеологизм билан таржима қилиниши, бу усулларнинг асар савиясига таъсири кўрсатиб берилган. Энг муҳими, диссертацияда турғун бирикмаларнинг таржимон томонидан тушириб қолдирилиши натижасида вужудга келган асар мазмунидаги тушунмовчиликлар,

¹⁷⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. - Тошкент: Университет, 1992. – Б. 125.

¹⁷⁵ Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. - Тошкент: 1998. – Б. 8-12.

¹⁷⁶ Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине (на материале русского и узбекского языков). АКД. – Ташкент, 1999. – 26 с.

ёзувчи мақсадининг очилмай қолиши, шунингдек, айрим нотўғри ўгирилган фразеологизмлар ҳақида ҳам фикрлар билдирилган¹⁷⁷.

Умуман олганда, бундай тадқиқотлар мамлакатимизда келгусида қиёсий фразеология соҳасида жуда кўп илмий ишлар олиб бориш мумкинлигини амалий жиҳатдан исботлади. Чунки, ўзбек ва инглиз, ўзбек ва немис, ўзбек ва тожик, ўзбек ва француз, ўзбек ва араб, ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг фразеологиясини қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил этиш халқаро миқёсда мамлакатимиз нуфузи ортиб бораётган бир шароитда ўзбек фразеологиясининг долзарб муаммоларидан бирини ташкил этади.

Ҳ. Шамсиддинов “Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари” мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилди (1999). Бу иш муаллифи ФБларни оддий сўзларнинг функционал-семантик синонимлари (ФСС) деб ҳисоблайди ва шу нуқтаи назардан *айёр – шайтонга дарс берадиган, пихини ёрган; хурсанд – оғзи қулоғи етди; уялмоқ – ерга қарамоқ, шошилмоқ – подадан олдин чанг чиқармоқ, юзлари лов-лов ёнмоқ; гўдак – тухумдан чиққан, аралашмоқ – бурнини тикмоқ; индамай – лом-мим демай, ювош – қўй оғзидан чўп олмаган, ҳайдамоқ – думини тугмоқ* каби сўз ва фразеологизмлар орасидаги синонимик муносабатларни семантик жиҳатдан кенг ўрганишга ҳаракат қилган. Бу ишда сўзларнинг функционал-семантик синонимлари (СФСС)га қуйидагича таъриф берилган: “муайян нарса-ҳодисаларни, уларнинг белгиси, миқдори, ҳолати, ҳаракати ва ўзаро муносабатларини тасвирий тарзда, кўпинча ифода мақсадига мувофиқ қайта номлаб ёки нарса-ҳодисага ҳослаб ифодаладиган ва алоҳида сўзга синоним бўладиган тилнинг сўз ва ундан катта сатҳ birlikлари сўзларнинг функционал-семантик синонимлари дейилади”¹⁷⁸. Олимнинг бу иши ва шу асосда эълон қилинган ўқув қўлланмаси¹⁷⁹ тилимизнинг синонимик доираси нақадар кенг ва бой эканлигини кўрсатади.

Абдимурод Маматов “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари” номли монографияси

¹⁷⁷ Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). НДА. - Тошкент: 2006. – 21 б.

¹⁷⁸ Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. ДДА. - Тошкент: 1999. – Б. 9.

¹⁷⁹ Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати. Ўқув қўлланмаси. – Тошкент: Университет, 2008. – 94 б.

(1991) ва шу асосда ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигида илк бор фразеологиянинг тил нормаси ва нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларини тадқиқ этди. Мазкур ишнинг сўнгги боби “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик норма ва ундан четга чиқишнинг типлари” деб номланган¹⁸⁰. Муаллиф мазкур қисмда фразеологияга доир турли қарашларни танқидий жиҳатдан кўздан кечириб, фразеологизмга қуйидагича таъриф беради: “Фразеологизм - бу тузилиши жиҳатдан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, турғун лексик-семантик бирликдир”¹⁸¹. Бу таъриф бизнингча ҳам ҳақиқатга бироз яқин бўлиб, фраземаларнинг қуйидаги категориал белгиларини ҳисобга олган: а) фразема компонентларитузилиши жиҳатдан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлади, якка сўз-компонентдан иборат фразема йўқ; б) фразема компонентлари умумлашган, яхлит маъно ифодаляди; в) фраземани ташкил этувчи сўз - компонентлар, яъни лексик элементлар қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлади; г) фразема турғун лексик-семантик бирликлар қаторига киради. Булардан ташқари фраземаларда мавжуд бўлган образлилик, экспрессивлик, компонент таркибининг алоҳида-алоҳида расмийлашганлиги, нутқда такрор ҳолда қўлланувчанлик каби белгиларни А.Э.Маматов фраземаларнинг нокатегориал белгилари сифатида тушунган кўринади.

А.Э.Маматов тадқиқотининг энг муҳим фазилатларидан бири ўзбек тилшунослигига фразеологик норма тушунчасининг олиб киришидир. Тўғри, фразеологик нормага доир айрим кузатишлар, йўл-йўлакай баён қилинган фикрлар илгари ҳам мавжуд эди. Масалан, Ш.Раҳматуллаев ўз номзодлик диссертациясидаёқ фразеологик нормага риоя қилиш масаласига эътиборни қаратган эди¹⁸². А.Э.Маматов эса ўз ишида фразеологик норманинг назарий ва амалий муаммоларини яхлит ҳолда ўртага қўйди. Ишда

¹⁸⁰ **Маматов А.Э.** Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: 1991. – Б. 207-272; **Маматов А.Э.** Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. АДД. – Ташкент: 1991. – С. 40-47.

¹⁸¹ **Маматов А.Э.** Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: 1991. – Б. 210.

¹⁸² **Раҳматуллаев Ш.** Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий грамматик хусусиятлари. Номзодлик диссертацияси. – Москва, 1952. – Б. 30.

“фразеологик норма” тушунчасига берилган таъриф ҳам диққатга сазовор: “Фразеологик норма - бу нутқ амалиётида мустаҳкамланган, анъанавий изчил, бир типли ва тенг баҳоли бўлган фразеологизмларнинг қўлланиши, маълум даврда тил жамоаси томонидан маъқул деб қабул қилинган ва т ў ғ р и ҳамда н а м у н а л и деб англаган тил ҳодисасидир”¹⁸³.

Ана шу таърифдан келиб чиқиб ишда фразеологик норма бузилишининг қуйидаги типлари ўрганилган: 1) фразеологизмларнинг маъно жиҳатдан нормадан четга чиқишлари; 2) фразеологизмлар структурасининг бузилишлари (фразеологизмлар компонентларининг алмашиши, структурасининг кенгайиши, эллипсис, контаминация, антиципация ҳодисалари ҳамда нормадан четга чиқишлар ва ҳоказо). Лекин шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, фразеологик норма масаласи фақат юқоридагилар билан чегараланмайди, фраземаларни қўллашда нормага риоя қилишнинг имло (орфография). талаффуз, урғу, пунктуация кабилар билан боғлиқ томонлари ҳам бор. Ана шундан кейин ўзбек тилшунослигида фразеологик норма ёки лексик-фразеологик норма, унинг бузилиш ҳолларини олдини олиш билан алоқадор илмий кузатишлар эълон қилинди¹⁸⁴.

Абдуғафур Маматов ўзбек фразеологияси учун энг долзарб муаммолардан фразеологик шаклланиш масалаларини тадқиқ этиш билан шуғулланди шу мавзуга оид “Ўзбек тилида фразеологик шаклланиш масалалари”(1994), “Фразеологизмларнинг лексик қайта шаклланишига доир”(1995), “Фразеологизмларнинг шаклланиш доираси”(1995), “Ўзбек тилида фраземаларнинг шаклланиши ҳақида”(1996), “Лексемалар асосида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари”(1996), “Қўл” соматизми асосида шаклланган фраземалар ва уларнинг луғатларда ифодаланиши”(1997) сингари йигирмага яқин мақолалар, “Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари” (1995), “Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари” (1997) номли монографик тадқиқотлар эълон қилди ва 2000 йилга келиб,

¹⁸³ Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: 1991. – Б. 218.

¹⁸⁴ Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 3-4. – Б. 37-42; Каримов С.А. Тил таълими ва меъёр (ўқув қўлланма). – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 112-115 ва бошқалар.

“Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари” мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилди. Бу эса ўзбек фразеологиясининг илмий доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Ишда таъкидланишича, “фразеологизмлар фақат фразеологик неологизмларнинг пайдо бўлиши билан эмас, балки тилда мавжуд фразеологизмларнинг семантик, грамматик ва функционал жиҳатдан янгиланиши асосида ҳам шаклланади. Фразеологизмларнинг шаклланишида рўй берадиган лексик, семантик, грамматик ўзгаришлар фақатгина стилистик эҳтиёж бўлмасдан, балки тил ички тизимининг эҳтиёжи ҳамдир”¹⁸⁵.

Олимнинг таъкидлашича, “ўзбек тилшунослигида фразеологик шаклланиш масалалари яхлит ҳолда ўрганилмаган. Ҳолбуки, фразеологизмлар шаклланишининг қонуниятлари, босқичлари алоҳида мавзу сифатида ўрганилмоғи лозим. Одатда тилшуносликнинг сўз ясалиши тизимини ўрганувчи бўлими сўз ясалиши термини билан юритилади. Фразеологик сатҳда эса биз фразеологик шаклланиш терминидан фойдаланамиз. Фикримизча, фразеологизмлар ясалмайди, балки шаклланади. Фразеологизмларнинг шаклланиш хусусиятларини ўрганишдан олдин фразеологик шаклланиш баҳсининг ҳуқуқий ҳолати (статуси)ни белгилаш лозим. **Фразеологик шаклланиш баҳси тилда маълум усул ва воситалар ёрдамида фразеологизмлар ҳосил қилишнинг қонуниятларини ўрганади.** Мақсад ва вазифаларига кўра фразеологик шаклланиш сўз ясалишига яқин туради. Фразеологик шаклланиш фразеологизмларнинг ички таркибини, таркибига кўра турлари, уларнинг мантикий асоси, қисмлари ўртасидаги грамматик ва лексик муносабатлар, фразеологизмлар шаклланишининг усул ва воситаларини ўрганади”¹⁸⁶.

Абдуғафур Маматов эвфемистик шаклланиш, дисфемистик шаклланиш, фразема ҳосил бўлишининг транспозиция усули каби бир қатор усуллар ҳақида ҳам фикр-мулоҳаза юритади. Лекин, бизнингча, бу ишларда фразема билан унга яқин турувчи, оралик

¹⁸⁵ Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. – Тошкент: 2000. – Б. 50.

¹⁸⁶ Маматов А. Лексемалар асосида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. № 3. – Б. 31.

ходисалар (масалан, парафраза ёки перифразалар) қатъий фарқланмаган кўринади¹⁸⁷.

Шунингдек, мустақиллик йилларида ҳимоя қилинган М.Йўлдошевнинг “Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати” мавзуидаги номзодлик диссертацияси(2000)да ва шу асосда нашр этилган “Чўлпон сўзининг сирлари” номли рисоласи (2002)да Чўлпон асарларида, айниқса, унинг “Кеча ва кундуз” романида қўлланган фразеологизмлар анча асосли таҳлил қилинди. И.Ғаниевнинг “Фитрат драмалари поэтикаси” номли докторлик диссертацияси (1998)нинг сўнгги икки боби бадиий тасвир поэтикаси ҳамда тил ва услуб масалаларига бағишланган. Бу ишда Фитрат драмаларида фразеологизмларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳам маълум даражада таҳлилга тортилган. Ф.Бобожоновнинг “Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида)” мавзуидаги (2002), Р.Нормуродовнинг “Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари (луғавий ва услубий жиҳатлари)” мавзуидаги (2000) номзодлик диссертациялари ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

К.Бозорбоевнинг номзодлик иши ҳам ўзбек фразеологияси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бу ишнинг дастлабки бобида сўзлашув нутқи фразеологизмлари (СНФ)нинг пайдо бўлиш манбалари, қатламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Кейинги бобда эса ўзбек тилида СНФларининг грамматик ва семантик таснифи амалга оширилган. Шуниси муҳимки, иш муаллифи СНФларнинг 40 фоизи ўзбек адабий тилида ҳам ўз аксини топганлигини, 50 фоизи эса сўзлашув нутқида турли хил вариант ва синонимларга эга эканлигини, уларнинг фақат 10 фоизи луғатларда сўзлашув нутқида хосланган (ст.ф.) ҳаволаси билан берилганлигини тўғри таъкидлаб кўрсатади¹⁸⁸.

¹⁸⁷ Бу ҳақда қаранг: **Умиров И.** Ўзбек тили парафразалари. НДА. - Тошкент: 1996. – Б. 7-8; **Шамсиддинов Х.** Перифразалар хусусида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1993. № 4. – Б. 29-35; **Йўлдошев Б., Усмонова Д., Ҳамидова Ш., Йўлдошева Д.** Перифразаларнинг фразеологизмлар билан муносабати ва уларни мактабда ўрганиш масалалари. Ўқув қўлланмаси. – Навоий, НавоийДПИ нашри, 2001. – Б. 4-41; **Айтбоев Д.** Перифразаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. № 5. – Б. 86-88; **Умиров И.** Фразеологизм ва паралингвистика // Илм зиёдир (Проф.Равшанхўжа Расуловнинг 60 йиллигига бағишланади). – Тошкент: 2006. – Б. 123-125; **Айтбоев Д.Т.** Ўзбек тилида перифразаларнинг мотивлашуви ва лексикографик талкини. НДА. – Тошкент, 2007. – Б. 6-23 ва бошқалар.

¹⁸⁸ **Бозорбоев К.Т.** Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари. НДА. – Самарқанд: 2001. – Б. 14.

Мазкур сатрлар муаллифининг докторлик диссертацияси¹⁸⁹ ва сўнгги йилларда эълон қилган қатор илмий мақолалари¹⁹⁰ ҳозирги ўзбек адабий тилида фраземаларнинг функционал-услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган. 80-90-йилларда фразеолог олимлар ўзбек диалогик нутқи фразеологияси¹⁹¹ ва ўзбек халқ эртаклари фразеологиясини ўрганишда ҳам муайян ютуқларни қўлга киритдилар¹⁹².

Ўзбек халқ эртаклари таркибидаги фраземаларни тадқиқ этган олимлар бу масалага жуда кенг аспектда ёндошадилар, яъни мақолада турғун, барқарор, клише (қолип) шаклига келиб қолган “*бир бор экан, бир йўқ экан*”, “*эски замонларда*”, “*илгари замонларда*”, “*қадим ўтган замонда*”, “*ялмоғиз кампир*”, “*пари пайкар*”, “*борса-келмас*”, “*учар от*”, “*ҳаёт гули*”, “*олтин балиқ*” каби кўплаб тил воситаларининг барчаси ўрганилади.

Шу билан бирга мазкур мақолада “ўлим”, “ўлмоқ” маъносини ифодаловчи *жон бермоқ, тупроққа топишмоқ, охирги йўлга узатмоқ, туз-насибаси (нон-насибаси) узилмоқ, вақти-куни битмоқ, жонини жабборга топишмоқ, жувонмарг бўлмоқ* сингари фраземаларнинг халқ эртакларида қўлланиш доираси ёритилган. Мақолада *кулини кўкка совурмоқ, тупроқ билан барабар қилмоқ, терисига сомон тиқмоқ, ўн жонидан бир жонини ҳам қўймаслик, тошбўрон қилмоқ* каби “ўлдирмоқ, йўқотмоқ” маъноли фраземалар ҳам юқорида келтирилган фраземаларга семантик жиҳатдан жуда яқин туриши тўғри қайд қилинган. Шунингдек, мақолада *барака топ, муродингга ет, камол топ, камлик кўрма, омон бўл, қўша қаринглар, хирмонга барака, ишинг ўнгидан келсин, оқ йўл, ой бориб омон кел, хуш келибсиз, қандай шамол учирди, қуриб кеткур, туёгингни шиқиллат, уйинг куйгур, номақул бузоқнинг гўштини ебсан, нон урсин* каби турли тилак, истак

¹⁸⁹ Ўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Докторлик диссертацияси. - Тошкент: 1993. - 294 б.

¹⁹⁰ Ўлдошев Б. Бадий асарда фразеологизмларнинг қўлланиш даражаси ҳақида // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва стилистикаси масалалари. - Самарқанд, 1993. - Б. 34-40; Шу муаллиф. Кўп маъноли фразеологизмлар ва уларнинг услубий бўёғи // Ўзбек тили грамматикаси ва лексикологияси масалалари. - Самарқанд: 1994. - Б. 30-34; Яна шу муаллиф. Фразеологизмларнинг узул услубий вазибалари // Республиканская научно-теоретическая конференция “Актуальные проблемы фразеологии” (материалы конференции). - Самарқанд: 1995. - Б. 89-90 ва бошқалар.

¹⁹¹ Бушуй А.М., Яхшиев А.А. Фразеология узбекской диалогической речи (на материале художественной прозы) // Сов. тюркология. 1986. № 3. - С. 27-33.

¹⁹² Бушуй А.М., Журакулов Р.Д. Фразеология узбекских народных сказок // Сов. тюркология. 1990. № 5. - С. 40-48.

билдирувчи сўзлашув нутқи иборалари ҳам бир қанча семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган. Мақола муаллифлари ўзбек халқ эртаклари фразеологиясининг рус тилига таржимаси ҳақида ҳам муҳим фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаганлар. Келгусида ана шу бажарилган иш изчил давом эттирилиши ва ўзбек фольклор фразеологияси, унинг ўзига хос хусусиятлари янада чуқурроқ таҳлил қилиниши лозим бўлади.

Ўзбек фразеологияси учун долзарб муаммолардан яна бири фраземаларнинг келиб чиқиши, этимологиясини ўрганишдир. Бу соҳада С.Муталлибов, Э.Умаров, А.Жўрабоев, Ф.Исоқов каби олимларнинг айрим мақолалари эълон қилинган. Ш.Шомақсудов ва С.Долимовлар томонидан тузилиб, “Кенг уйнинг келинчаги”(Тошкент, 1961, 1964) номи билан нашр этилган асарда, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовларнинг “Маънолар маҳзани” (2001) номли луғатида ҳам тилимиздаги бир қанча мақол, матал типига иборалар этимологияси ҳақида сўз юритилган эди. Лекин бу асарларда келтирилган этимологияларни илмий ҳақиқатга яқин дейиш қийин (мазкур ишнинг тўртинчи бобида бу асар ҳақида сўз юритилади).

“Фан ва турмуш” журналида “Тилимиз дурдоналари” рубрикаси остида Ф.Исоқовнинг “Даққиюнус” номли мақоласи эълон қилинган эди (1997). Бу мақолада “*даққиюнусдан қолган*”, “*қитмирлик қилмоқ*”, “*эчкининг оти Мулла Абдукарим*”, “*илми маош*”, “*дўппи тор келганда*” каби тилимизда кенг қўлланишда бўлган фраземалар этимологияси ҳақида анча ишонарли маълумотлар берилади. Жумладан, Ф.Исоқов “*даққиюнусдан қолган*” фраземасининг келиб чиқиши (этимологияси)ни куйидагича изоҳлайди:

“ДАҚҚИЮНУС (Дақёнус) - қадимги Рим ҳукмдорларидан бири Диаклатион (милоддан аввалги 313-245 йиллар) нинг Шарқ ривоятларида ўзгариб кетган ва бир оз афсонавий тус олган номи. Бу ном билан боғлиқ ибора ўзбек тилига Асҳоб-ал-қаҳф (ғор кишилари) ҳақидаги қисса орқали кириб келган ва мажозий маъно билан оммалашган. “Асҳоб-ал-қаҳф” қиссаси аслида Қуръони каримда (“Қаҳф” сурасида) ёдга олинади ва “Қиссас-ул анбиё”, “Қиссаси Рабғузий” асарлари орқали халқ орасида кенг тарқалган.

Қиссада нақл қилинишича, юнонийларга қарашли Афсус кенти ичида бутларга ибодат қилмовчи кишилар - мусулмонлар

яшаётгани ҳақида Дақёнус маликка хабар етказадилар. Малик (подшо) уларни қатл этмоқчи бўлади. Мусулмонлар ўз иймон-эътиқодларини ҳимоя қилиб, у ердан қочадилар. Йўлда уларга бир чўпон қўшилади. Улар йўл юриб охири бир ғорга яширинишади ва Худонинг марҳамати билан у ерда узоқ вақт ухлаб қолишади. Уйқудан тургач, очлик ҳис қилиб бирон егулик келтиргани ўз шерикларидан бирини яширин тарзда шаҳар бозорига юборадилар. Новвой харидорнинг қўлидаги тангани кўриб: “Бу Дақёнус малик ёрмоқи турур!” (бу Дақёнусдан қолган танга-ку) деб ҳайратланади. Маълум бўлишича, Дақёнуснинг ўлганига уч юз йил бўлган ва мусулмонлар ҳам ғорда шунча вақт ухлаб қолган экан. “Даққиюнусдан қолган” деган ибора шу ривоятга асосланган. Эскириб кетган, таомилдан қолган одат ёки нарсага нисбатан камситиш маъносида ушбу сифатдан фойдаланилади...”¹⁹³.

Бу мақола сўнггида тўғри таъкидланганидек, ибораларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш халқ тафаккурининг умумлаштирувчилик кучи ва тил лексикасининг нутқ жараёнида бойиб бориш йўллариини ўрганишга ёрдам беради. Шунинг учун келгусида фраземалар этимологиясига оид тадқиқотларни кучайтириш ва тилимиздаги фраземаларнинг этимологик луғатини яратишга интилиш лозим бўлади.

Б.Жўраева “Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши” мавзуидаги ишида мақолларни унга ёндош бўлган фразеологизмлардан этимологик, маъновий ва синтактик жиҳатдан фарқлашга интилади. Олима мақол ва фразеологизмларни бир-биридан фарқловчи қуйидаги хусусиятларни алоҳида таъкидлаб кўрсатади: “Мақоллар ва фразеологизмлар идиомалар деб юритилар экан, демак, улардаги мазмун кўчма маънога асосланган бўлади. Лекин фарқ шундаки, мақолдан англашиладиган мазмун тасвирий йўл билан очилади, иборадан англашиладиган маънони эса худди сўздан англашиладиган маъно каби таърифлаш мумкин. Мақолдан панд-насихат, йўл-йўриқ кўрсатиш йўсинидаги мантикий умумлашма англашилади, у кенг мазмунли ва ихчам шаклли бадий асар сифатида нутқ бирлиги ҳисобланади. Иборадан англашиладиган маъно эса луғавий маъно бўлади, шунга кўра ибора луғавий бирлик

¹⁹³ Исҳоқов Ф. Даққиюнус // “Фан ва турмуш” журнали, 1997. № 4. – Б. 13-14.

ҳисобланиб, тилнинг луғат бойлигига киради. Мақолнинг иборадан яна бир фарқи шундаки, мақоллар ўз ички грамматик қурилиши жиҳатидан доим гапга тенг бўлади, ибораларда эса бу жиҳатдан бирхиллик йўқ: улар бирикмага тенг ҳам, гапга тенг ҳам бўла олади”¹⁹⁴.

А.Абдусаидовнинг монография ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалари ҳамда “Газета жанрларининг тил хусусиятлари” мавзуидаги докторлик ишининг алоҳида қисми фразеологизмларнинг газета тилида экспрессивликни ифодаловчи восита сифатидаги ролини тадқиқ қилишга бағишланган. Тадқиқотчи *ётиб қолган маҳсулотлар, ернинг жиловини маҳкамроқ ушламоқ, кўргиликлар ботқоғига ботган, , шикоятчининг нони бутун бўлса, таънанинг бир учи тегади* сингари окказионал ибораларнинг газета тилида бир-икки марта ишлатилиб, сўнг истеъмолдан қолаётганлигини, шу сабабли уларни тўплаш, окказионал иборалар луғати тузиш зарурлиги ҳақида асосли фикр-мулоҳазалар билдиради¹⁹⁵.

Г.Исақова ўз номзодлик ишининг учинчи бобида “қилмоқ” феълининг барқарор бирликлар (фразеологизмлар ва мақоллар) таркибида қўлланиш хусусиятларини изчил таҳлил қилишга муваффақ бўлган¹⁹⁶. Муаллифнинг таъкидлашича, сонлар “миқдор” англатувчи ҳисобланади. Лекин “миқдор” семаси сонли ибораларнинг баъзиларидагина кузатилади. Масалан, *бирини икки қилмоқ, нонини бутун қилмоқ, нонини яримта қилмоқ* каби иборалар семантикасида “миқдор” семаси мавжуд. Бу иборалар учун “миқдор”, “ҳолат” ва “бажариш” семалари умумий бирлаштирувчи семалар сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга “миқдор” семаси

¹⁹⁴ Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. НДА. – Самарқанд: 2002. – Б. 11.

¹⁹⁵ Абдусаидов А. Фразеологизмлар – матбуот тилида таъсирчан восита. – Самарқанд: 2001. – 48 б.; Бегматов Э., Абдусаидов А. Матбуот тилида фразеологик неологизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. № 1. – Б. 23-27; Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. – Самарқанд: 2004. – Б. 67-70; Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. ДДА. – Тошкент: 2005. – Б. 29-32.

“қилмоқ” феълининг фақат сонлар билан эмас, балки отлар билан ҳосил қилинган ибораларда ҳам кузатилади. Шундай иборалардан бири “*нонини туя қилмоқ*” иборасидир.

Аксинча, кўпгина ибораларда сон компонент иштирок этган бўлишига қарамай, “миқдор” семаси кузатилмайди. Масалан: *гапни бир қилмоқ, бир сўзни икки қилмоқ, бошини икки қилмоқ, обрўсини бир пул қилмоқ, етти букилиб таъзим қилмоқ, бир ёқли қилмоқ* каби иборалар семантикасида “миқдор” семаси бўртиб кўзга ташланмайди.

Бундан кўринадикки, қилмоқ феъли ва сонлар ёрдамида ҳосил қилинган қилинган фразеологизмларнинг кўпчилигини “миқдор” семаси бирлаштиради, лекин сон компонент иштирок этган бўлишига қарамай, уларнинг аксариятида ушбу сема кузатилмайди. Аксинча, бундай ибораларда турли фарқловчи семалар юзага келиб, нутқни бойитишга хизмат қилади.

Бу эса *қилмоқ* феъли иборалар таркибида етарлича ўрин тутишидан далолат беради. Улар семантикасидаги турли семаларнинг юзага чиқиши эса фразеологизмларнинг семантик жиҳатдан серқирралигини, айти пайтда *қилмоқ* феълининг мазмуний имкониятлари жуда кенг эканлигини кўрсатади¹⁹⁷.

Ш.Алмаматова ўзбек тилидаги фраземаларни компонент таҳлил қилиш муаммоларига доир номзодлик ишини ҳимоя қилди¹⁹⁸. Бу ишнинг дастлабки боби ўзбек тилидаги от компонентли фраземаларнинг семантик таҳлили масалаларини ёритишга

¹⁹⁶ Исакова Г.Н. Ўзбек тилида *қилмоқ* феълининг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 2008. – Б. 13-16.

¹⁹⁷ Исакова Г.Н. Ўзбек тилида *қилмоқ* феълининг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 2008. – Б. 14.

¹⁹⁸ Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. НДА. – Тошкент, 2008. – 22 б.

бағишланган. Тадқиқотчи шахс компонентли фраземалар (*кўнгли жойига тушди, жонини фидо қилмоқ, димоғи чоғ бўлди, эси жойига тушди* каби), зоонимик компонентли фраземалар (*ит кунини бошига солган, отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди, млондай аврамоқ, илон қимирласа билмоқ, бузоқнинг югургани сомонхонагача* каби), соматик компонентли фраземалар (*қўлидан келмоқ, қўлини кўтармоқ, кўз олайтирмоқ, кўзига иссиқ кўринмоқ, лёгини тираб туриб олмоқ, оёгини тортмоқ* каби)нинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида семантик жиҳатдан таҳлил қилишга интилган. Диссертациянинг кейинги бобида ўзбек тилидаги сифат компонентли фраземаларнинг семантик таҳлили амалга оширилган. Бунда диссертант ранг-тус ифодаловчи сифат компонентли фраземалар (*оқни оққа, қорани қорага ажратмоқ, оқ фотиҳа бермоқ, кўнгли қора бўлди* каби), шакл ва ҳажмни ифодаловчи сифат компонентли фраземалар (*чеҳраси очиқ, қўли очиқ, кўнгли кенг, феъли кенг* каби)ни семантик жиҳатдан таҳлил қилишга эътибор қаратган. Ишнинг охирги бобида феъл компонентли фраземалар семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Мазкур ишнинг мазмун-мундарижасидан шу нарсаяён бўладики, Ш.Алмаматова фраземаларнинг компонент таҳлилини унинг семантик таҳлилидан унчалик фарқлай олмаган. Натижада бу ишнинг дастлабки икки бобида фраземаларнинг семантик таҳлили, охирги бобда эса феъл фраземалардаги лексик ва морфологик вариантланиш ҳодисаси ўрганилган, холос.

М.Вафоева ўзбек тилидаги фразеологик синонимларнинг структурал-семантик

хусусиятларини ўрганишга бағишланган номзодлик ишини ҳимоя қилган¹⁹⁹. Бу тадқиқотнинг дастлабки боби фразеологик синонимия ҳодисаси ва унинг жаҳон тилшунослигида, туркийшуносликда ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиш даражасини ёритишга бағишланган. Бу қисмда, айниқса, туркийшуносликда ва ўзбек тилшунослигида фразеологик синонимия ҳодисасининг ўрганилиш тарихи яхши очиб берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Тадқиқотнинг кейинги бобида ўзбек тилидаги фразеологик синонимларнинг структурал хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотчи икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ компонентли фразеологик синонимларнинг структураси ва грамматик тузилишини анча изчил ва асосли ёритишга муваффақ бўлган. Тадқиқотнинг сўнгги боби эса ўзбек тилидаги фразеологик синонимларнинг семантик ва услубий хусусиятларини ўрганиш, фразеологик синонимларда экспрессив-баҳо ва функционал-услубий бўёқни бир-биридан фарқлаш, бадий матнда индивидуал-муаллиф фразеологик синонимларини яратишнинг хилма-хил усуллари аниқлаш масаласи кун тартибига қўйилган. Лекин мазкур тадқиқотда баъзи ўринларда фразеологик синонимлар фразеологик вариантлардан фарқланмайди; ўзбек тилининг бой фразеологик синонимия кўрсаткичини тузиш ва шу асосда фразеологик синонимия луғатини яратиш тамойиллари ишлаб чиқилганда мазкур тадқиқотнинг илмий-амалий қиммати янада ортган бўларди.

¹⁹⁹ Вафоева М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА. – Тошкент, 2009. – 26 с.

Мазкур сатрлар муаллифининг Г.Адашуллаева билан ҳамкорликда эълоғ қилган монографияси ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари таҳлилига бағишланган²⁰⁰. Бу ишда дастлаб “ўзлашма фразеологизм” ва “ўзлаштирма фразеологизм” терминларини бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилинган, ўзбек ва тожик тилшунослигида ўзлашма фразеологизмларнинг ўрганилиш даражаси кўздан кечирилган; шундан кейин ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг илмий-назарий тавсифи амалга оширилган; ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши ва айрим семантик-услубий хусусиятлари бой фактик материаллар таҳлили асосида кўздан кечирилган. Энг муҳими, иш охирида ўзбек тилидаги икки юздан ортиқ ўзлашма фразеологизмларнинг алифбо кўрсаткичи илова қилинган²⁰¹.

Кейинги йилларда тилшунос олимларимиз ўзбек тилидаги кўп маъноли фраземаларнинг луғатларда изоҳланиш тамойиллари²⁰², фразеологизмларнинг когнитив-прагматик талқини²⁰³, фразеологизмларни моделлаштириш муаммолари²⁰⁴га доир

²⁰⁰ Ёўлдошев Б., Адашуллаева Г. Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – 98 б.

²⁰¹ Ёўлдошев Б., Адашуллаева Г. Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – Б. 89-94..

²⁰² Абдуллаев Д. Полисемантик фраземаларнинг луғатларда изоҳланиш тамойиллари ҳақида // Филологмә масалалари, Баку, “Илм ва таҳсил”, 2011. № 5. – Б. 90-96 ва бошқалар.

²⁰³ Ёўлдошев Б. Фразеологизмларнинг матндаги прагматик имкониятларини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (республика илмий ва амалий анжумани материаллари). – Андижон, АДУ нашри, 2011. – Б. 12-15; Рашидова У. “Юрак” концептининг семантик-структур майдони ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (республика илмий ва амалий анжумани материаллари). – Андижон, АДУ нашри, 2011. – Б. 209-211; Ёўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек когнитив фразеологиясини ўрганишнинг айрим муаммоларига доир // Тил тараққийотининг лексик ва грамматик муаммолари (республика илмий-амалий конференцияси материаллари). – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2011. – Б. 56-60 ва бошқалар.

²⁰⁴ Маматов А., Очилов Д. Фраземик моделлар таҳлили // Стилистика ва прагматика (илмий конференция материаллари). 1-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – Б. 112-115; Маматов А., Очилов Д. Фраземаларнинг синтактик ва деривацион моделлари // Стилистика ва прагматика (илмий конференция материаллари). 2-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – Б. 5-6; Рашидова У. Фразеологияда лисоний моделлаш муаммолари (соматик фразеологизмлар мисолида) // Ҳорижий филология (тил, адабиёт, таълим).

қизиқарли илмий кузатишларни олиб бормокдалар. Бу эса ўзбек фразеологиясининг бундан кейинги ривожига яна ҳам салмоқли бўлишидан гувоҳлик беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фразеология ва фразеография муаммоларига доир иккита республика илмий анжумани ўтказилди. Бу илмий анжуманларда ўзбек фразеологияси билан бир қаторда герман, славян ва эрон тиллари фразеологиясини тадқиқ этишга ҳам эътибор қаратилган эди²⁰⁵. Шу билан бирга кейинги йилларда ўтказилган “Услубшуносликнинг долзарб муаммолари” (Самарқанд, 1998), “Тилшуносликнинг долзарб масалалари ва нутқ маданияти муаммолари” (Термиз, 2004), “Тил ва миллий маданият” (Самарқанд, 2004), “Профессор Улуғ Турсунов ва ўзбек тилшунослиги” (Самарқанд, 2005), “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” (Фарғона, 2005), “Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари” (Наманган, 2006), “Нутқ лингвистикаси” (Самарқанд, 2006), “Ўзбек услубшунослигининг долзарб муаммолари” (Фарғона, 2006), “Таржима жараёни ва хорижий тилларни ўқитишнинг долзарб муаммолари” (Самарқанд, 2006), “Тилшуносликнинг долзарб масалалари” (Тошкент, 2006), “Истиқлол ва тилшунослик муаммолари” (Самарқанд, 2006), “Услубшунослик ва фразеология масалалари” (Самарқанд, 2007), “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” (Тошкент, 2008; 2009; 2010), “Стилистика ва прагматика” (Самарқанд, 2010), “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” (Андижон, 2010; 2011) мавзуидаги халқаро ва республика илмий-назарий анжуманларида ҳам маълум даражада ўзбек фразеологияси масалаларига оид маърузалар тингланган ҳамда муҳокама қилинган эди.

Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологиясига доир Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви” (1992), А.Маматовнинг “Фразеологик стилистика масалалари” (1991), “Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари” (1996), “Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари”

2011. № 4. – Б. 54-59; **Ғаниева Ш.** Фразеологизмларни моделлаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. № 5. – Б. 111-113 ва бошқалар.

²⁰⁵ Бу ҳақда қаранг: Актуальные проблемы фразеологии, материалы республиканской научно-теоретической конференции (Самарканд, СамГУ, 25-26 ноябрь 1994 г.). – Самарканд: СамДУ нашри, 1995. – 102 б.; Актуальные проблемы фразеографии, материалы научной конференции (Самарканд, СамГУ, 14-15 ноябрь, 1996 г.). – Самарканд: СамДУ нашри, 1997. – 120 б.

(1997), А. Абдусаидовнинг “Фразеологизмлар – матбуот тилида таъсирчан восита” (2001), мазкур сатрлар муаллифининг “Фразеология тарихидан лавҳалар” (1998), “Фразеологик услубият асослари” (1999), “Перифразаларнинг фразеологизмлар билан муносабати ва уларни мактабда ўрганиш масалалари” (ҳамкорликда, 2001), “Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари” (2002), “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари” (ҳамкорликда, 2006), “Шоир Эркин Воҳидовнинг фразеологизм қўллаш маҳорати ҳақида” (ҳамкорликда, 2007), “Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари” (ҳамкорликда, 2012) сингари катор тадқиқотлари майдонга келди.

Масалан, проф. Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви” номли тадқиқотида фразеологизмлар дастлаб боғлашувли ва боғлашувсиз иборалар деб икки гуруҳга ажратилган; боғлашувчи фразеологизмлар эса ўз навбатида бир, икки, уч боғлашувли деб гуруҳланган ва уларнинг боғлашув имконияти кенг ёритилган. Ишнинг алоҳида қисмларида фразеологизмлардаги вариация ва боғлашув, полисемия ва боғлашув масалалари ўрганилган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ўзбек фразеологияси фанининг асосчиси сифатида тан олинган, атоқли тилшунос олим, проф. Шавкат Раҳматуллаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2005 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланиши мустақиллик йилларида зиёлиларга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин далилидир²⁰⁶. Яна бир йирик фразеолог олим Абдуғафур Маматов ҳозирги кунларда Олий Мажлис қонунчилик палатасининг депутати сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шуниси муҳимки, фразеология фанига доир янгича илмий-назарий қарашлар кейинги йилларда яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ҳам мустаҳкам ўрин олмоқда. Масалан, проф. М. Миртожиевнинг фикрича, иборалар турғун бирикма ҳолидаги атамалар (*мелодий йил, аграр масала, катта маслаҳатчи*,

²⁰⁶ Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос (илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 3; Жўрабоева М., Қаххорова Х. “Устоз” каломининг айни тимсоли // “Тил ва адабиёт таълими”, 2006. № 3. – Б. 90-94; Бегматов Э., Йўлдошев Б. Йирик тилшунос олим ва устоз // Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – Б. 4-8.

илмий ходим каби), парафразалар (*мўйқалам соҳиби, илм заҳматкашлари, зангори кема капитани каби*) ва фразеологизмлар (*кўнгли хира тортди, кавушини тўғрилаб қўйди каби*) дан иборат²⁰⁷. Проф.Х.Жамолхонов эса фраземаларни кўчма маъноли турғун конструкция деб ҳисоблайди. Олимнинг таъкидлашига кўра, фразема ҳам лексема каби луғавий бирлик саналади, аммо ўзининг ифода ва мазмун планларидаги қатор белгилари билан фарқланади²⁰⁸. Проф.Ш.Раҳматуллаев “Ҳозирги адабий ўзбек тили” номли янги дарслигида фразеологизмларни ўрганувчи соҳани фраземика деб номлайди. Бу ишда таъкидланишича, “фразема тил курилишининг луғат босқичига мансуб иккинчи лисоний бирлик бўлиб, биттадан ортиқ лексеманинг ўзаро семантик-синтактик бирлашуви билан таркиб топган бўлади, шунга кўра тузма сегмент бирлик дейилади; синтактик тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапшаклга тенг бўлиб, одатда номинатив ва сигнификатив вазифа бажаради, лекин лексемадан ифода жиҳати билангина эмас, мазмун жиҳати билан ҳам фарқ қилади”²⁰⁹. Бундан кўринадики, фраземаларнинг хусусиятларини талқин қилишда янги нашр этилган дарслик ва қўлланмаларда ҳам яхлитликка эришилганича йўқ.

“Ўзбек тилшунослиги тарихи” асарида таъкидланишича, мустақиллик йилларида “ўзбек фразеологиясининг янги муваффақиятларга эришувида Б.Йўлдошев, Абдимурод ва Абдуғофур Маматовларнинг хизматлари катта бўлди. Б.Йўлдошев фразеологизмларнинг коннотатив маънолари, бадиий тасвир воситаси сифатида имкониятларини атрофлича ёритиб берди. Абдимурод Маматов фразеологик норма муаммосини кўтариб чиқди ва фразеологик норма ҳамда фразеологик вариант ўртасидаги муносабатни кўрсатиб берди.

Абдуғофур Маматов эса, ўзининг қатор асарларида (биз бу асарларнинг айримларини юқорида маълум даражада таҳлил қилдик – Б.Й.) фразеологик шаклланиш муаммоларини ўртага қўйди ва унинг пайдо бўлиш омилларини ёритиб берди. Фразеологизмларнинг муҳим фарқловчи белгиси мазмуний қайта шаклланиш эканлигини кўрсатди.

²⁰⁷ Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Университет, 2004. – Б. 183-186.

²⁰⁸ Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Талқин, 2005. Б. 216.

²⁰⁹ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 418.

Шундай қилиб, Ш.Раҳматуллаев асос солган ўзбек фразеология мактаби тобора такомиллашиб, ривожланиб бормокда”²¹⁰.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги фразеологизмларнинг структурал-грамматик, семантик-услубий ва функционал-прагматик жиҳатдан ўрганиш соҳасида муайян ютуқларга эришди, бир қатор янги монографиялар, рисоалар, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар, фразеологик луғатлар яратилди, бир неча номзодлик диссертациялари (Қ.Ҳакимов, Ш.Усмонова, М.Ҳолиқова, К.Бозорбоев, Б.Жўраева, Ш.Абдуллаев, Ш.Алмаматова, М.Вафоева) ҳамда докторлик диссертациялари (Б.Йўлдошев, Абдимурод Маматов, Абдуғафур Маматов, А.Абдусаидов) ҳимоя қилинди. Шундай бўлса-да, ўзбек фразеологиясида ҳали чуқур илмий ўрганишни тақозо этувчи муаммолар ҳам анчагина бор. Аслини олганда, “фразеологизм Ўзбекистонда ҳам кенг кўламда ўрганилган соҳани ташкил қилади. Ҳақиқатан ҳам кўп иш қилинган. Бироқ эришилган ютуқларга раҳна солмаган ҳолда айтиш керакки, келгусида қилинадиган ишларимиз бундан-да кўп”²¹¹. Бундай ишлар қаторига, бизнингча, қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмлар масаласи бўйича айрим мақолалар яратилган. Аммо фразеологик калька, унинг луғавий калька билан муносабати, ярим фразеологик калька, ўзбек тили фразеологик тизимидаги умумтуркий қатлам ва байналмилал фразеологик қатлам сингари долзарб муаммолар янги фактик материаллар асосида тадқиқ этилиши лозим.

2. Ўзбек тили фразеологик тизимининг бошқа тиллар (рус, немис, инглиз, француз, тожик, афғон, испан каби тиллар) билан муносабати масаласи озми-кўпми тадқиқ қилинган. Аммо келгусида бундай тадқиқотлар янги методлар - компонент таҳлил, фразео-семантик гуруҳларга ажратиш, апликация, идентификация каби асосида конкрет ва системали давом эттирилиши, ўзбек тили фразеологиясининг туркий ва мўғул тиллари билан муносабатини ўрганиш иши йўлга қўйилиши даркор.

²¹⁰ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 192.

²¹¹ Мирзаев И. Профессор Шавкат Раҳматуллаев – фразеологизмларнинг илк тадқиқотчиси // Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос (илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 31

3. Ўзбек мумтоз адабиётининг кўп асрлик ёзма анъаналари, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Саккокий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Абулғози Баҳодирхон, Гулханий, Турди Фароғий, Муқимий, Фурқат, Мунис, Феруз, Огаҳий, Аваз Ўтар, Завкий каби намояндаларининг асарлари ўзбек тарихий фразеологияси учун бой материал беради. Ҳозирги кунга қадар Алишер Навоий ва қисман Бобур асарларидаги фразеологизмлар маълум даражада тадқиқ этилган, холос²¹².

4. Қуръондаги иборалар, ҳадислар ва уларнинг ФБлар билан муносабати махсус ўрганилиши, Ўрта Осиёлик машҳур муҳаддислар ва тасаввуф илмининг устозлари Имом ал Бухорий, Ат-Термезий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоваддин Нақшбандий, Худододи Вали, Нажмиддин Кубро кабиларнинг бу соҳадаги серқирра ва олижаноб фаолияти тадқиқ этилиши лозим.

5. Ўзбек тилшунослигида ҳозирги кунга қадар Алишер Навоий, Муқимий, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ойдин, Зулфия, Комил Яшин, Мақсуд Шайхзода, Шухрат, Саид Аҳмад каби шоир ва ёзувчиларнинг асарларида қўлланилган ФБлар маълум даражада тадқиқот объекти бўлган. Лекин Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Асқад Мухтор, Пиримкул Қодиров, Усмон Носир, Одил Ёқубов, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирозов, Мирзакалон Исмоилий, Худойберди Тўхтабоев, Ўлмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Барот Бойқобилов, Мурод Муҳаммад Дўст, Тохир Малик, Хайриддин Султонов, Ғаффор Ҳотамов, Тоғай Мурод сингари шоир ва ёзувчиларнинг асарлари бўйича бундай ишлар ҳали бошланган эмас. Келгусида ўзбек бадиий нутқ фразеологияси, унда

²¹² Умаров Э. Ўзбек тили фразеологиясининг тараққиётида Алишер Навоийнинг роли // Адабий мерос, мақолалар тўплами, 1-китоб. - Тошкент, Фан, 1968. - Б. 188-191; Умаров Э. Фразеологический словарь "Хазойин ул-маоний" Алишера Навои. - Ташкент, Фан, 1971. 140 с.; Йўлдошев Б. Алишер Навоий асарларида ибораларнинг қўлланиш усуллари ва ҳозирги давр билан муносабати ҳақида // Филологик тадқиқотлар (илмий мақолалар тўплами), 1-китоб. - Самарқанд, СамДУ нашри, 1995. - Б. 62-70; Йўлдошев Б. Алишер Навоий асарларида фразеологизмларнинг қўлланиш хусусиятларига доир // Ўзбек журналистикаси ва филологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд: Суғдиён, 1998. - Б. 45-51; Олимов М. "Бобурнома"да қўлланган фразеологик иборалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. № 6. - Б. 25-28 ва бошқалар..

узуал ва окказионал ФБларнинг қўлланиш усуллари яхлит тадқиқ этилиши зарур. Бундай ишлар келгусида яратиладиган ўзбек тили фразеологизмларининг кўп жилдлик изоҳли луғати ва ҳар бир ёзувчи ёки шоир асарлари фразеологик луғатлари учун бой материал манбаи бўлиб хизмат қилади.

6. Ўзбек диалектологияси бўйича шу кунгача ўндан ортиқ докторлик, олтмишга яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, кўплаб монографик тадқиқотлар юзага келди. Аммо ўзбек диалектал фразеологияси бўйича бажарилган ишлар ҳозирча бир неча илмий мақолалардан иборат, холос ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида фраземаларни структурал-грамматик, семантик-услубий, функционал жиҳатлардан ўрганиш соҳасида муайян ютуқларга эришилди, монографиялар, илмий мақолалар, фразеологик луғатлар яратилди, бир неча номзодлик диссертациялари ҳамда Ш.Раҳматуллаев, Абдимурод Маматов, Б.Йўлдошев, Абдуғафур Маматовларнинг докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шундай бўлса-да, ўзбек фразеологиясида ҳали чуқур илмий ўрганишни тақозо этувчи муаммолар ҳам анчагина бор.

Умуман олганда, ўзбек фразеолог олимлари олдида турган муҳим муаммолар жуда кўп. Шулардан яна бири эндиликда “Ўзбек тили фразеологияси”, “Ўзбек тилининг фразеологик услубияти”, “Ўзбек тилининг тарихий фразеологияси”, “Ўзбек ва бошқа туркий тилларнинг қиёсий фразеологияси”, “Ўзбек тилининг диалектал фразеологияси”, “Ўзбек тилининг фразеологик семантикаси” сингари фундаментал илмий тадқиқот ишлари яратишга киришишдан иборат бўлмоғи лозим. Мамлакатимизда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши, тилимиз, маънавиятимиз ва маданиятимиз қадриятларининг қайта тикланиши ўзбек тилининг бебаҳо бойлиги бўлган фраземаларни тўплаш ва ўрганиш ишини ҳам янги поғонага кўтаришни тақозо этади. Ўзбек фразеологияси эришган ютуқлар мамлакатимизда бевосита ФБларни тўплаш ва фразеологик луғатлар тузиш муаммолари билан шуғулланувчи фразеография соҳасининг ҳам ривожланишига олиб келди. Масалага ана шу жиҳатдан қараганда, ўзбек фразеографиясининг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини кўздан кечириш муҳим аҳамият касб этади. Монографиянинг кейинги боби худди ана шу мавзуга бағишланади.

Т Ў Р Т И Н Ч И Б О Б

ЎЗБЕК ФРАЗЕОГРАФИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Фразеография юнонча: *phrasis* – *ибора* + *grapho* – *ёзаман* сўзларидан олинган бўлиб, фразеологик луғатлар тузишнинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи соҳа, лексикографиянинг мустақил бўлими, тилшуносликнинг янги, кам ўрганилган соҳаларидан биридир²¹³.

²¹³ Фразеография фани ва унинг асосий муаммолари ҳақида қаранг: **Умарходжаев М.И.** Очерки по современной фразеологии. - Ташкент: Фан, 1977. - 103 с.; **Умарходжаев М.И.** Основы фразеологии.

Фразеография соҳаси ўз моҳият эътибори билан илмий ва амалий фразеографияга бўлинади. Амалий фразеография бевосита фразеологик луғат яратишдек машаққатли иш билан шуғулланса, илмий фразеография фраземаларни луғатларда акс эттиришнинг илмий-назарий тамойилларини ишлаб чиқади. Ўзбек тилшунослигида ҳам амалий фразеография эҳтиёжларидан келиб чиқиб XX асрнинг 60-йилларидан фразеологик луғат тузишнинг илмий-назарий муаммолари билан бевосита шуғулланиш бошланган эди²¹⁴. Лекин тан олиб айтиш лозимки, мамлакатимизда илмий фразеография амалий фразеографиядан анча орқада қолиб келмоқда. Ҳозирча “Ўзбек тили изоҳли луғати”да фраземаларни ифодалаш тамойиллари, фразеологик луғатларнинг турлари, бу луғатларда фраземаларнинг миқдори, фразеологик луғатларда иллюстратив материалларни бериш усуллари каби қатор масалалар ўзбек фразеографиясида ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

М.Умархўжаев жаҳон тилшунослигида фразеографиянинг шаклланиши ва таракқиётини қуйидагича уч катта даврга бўлиб ўрганган: а) энг қадимги замонлардан XIX асргача бўлган давр; б) XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган давр; в) XX асрнинг 50-йилларидан ҳозирги кунларгача бўлган давр²¹⁵.

Жаҳон тилшунослигида, жумладан рус тилшунослигида амалий фразеографиянинг мустаҳкам асосга эга бўлишида “Русские народные пословицы и притчи” (И.М.Снегерева, М., 1848), «Жизнь русского народа в его пословицах и поговорках» (И.И.Иллюстров, М., 1905, издание 3-е), «Пословицы русского народа» (В.И.Даль, М., 1862), «Ходячие и меткие слова» (М.И.Михельсон, М., 1865, том 1-П), «Русская мысль и речь. Свое и чужое. Опыт русской фразеологии» (М.И.Михельсон, М., 1870), «Крылатые слова» (С.В.Максимов, М., 1890) каби ишлар муҳим

АДД. – М.: 1981. – 56 с.; Бушуй А.М. Лексикографическое описание фразеологии. – Самарканд, 1982. – 114 с.; Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983. – 136 с.; Фразеологизм и его лексикографическая разработка. Материалы IУ международного симпозиума. – Минск, 1987. – 146 с.; Фразеология в машинном фонде русского языка. Сборник статей. – М.: 1990. – 208 с. ва бошқалар.

²¹⁴ Бердиев Х. Фразеологик луғатлар тузиш масаласига доир // Фразеология масалалари, СамДУ асарлари, янги серия, 106-чиқиши. – Самарканд, 1961. – Б. 21-26; Акобиров С. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фразеология // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. № 6. – Б. 24-29; Ходжахонов Б. Фразеология как объект лексикографии // Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг баъзи масалалари (ёш олимлар конференциясининг доклад тезислари). – Тошкент, Фан, 1973. – С. 32-33; Акобиров С. Луғат – сўз хазинаси. – Тошкент, Фан, 1977. – Б. 7-20; Кадыров В.Х. Фразеология в русско-узбекских словарях, АКД. – Ташкент, 1978. – 24 с. ва бошқалар.

²¹⁵ Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 42-44

аҳамиятга эга бўлди. Худди ана шу ишлар асосида кейинчалик З.А.Алексеев, А.Старчевский, М.Терентьев, В.Наливкин, М.Наливкина, Ш.Ишаев сингари рус олимлари, луғатшуносларининг маҳаллий туркий тилларни ўрганишга бағишланган амалий қўлланмалари, луғатлари, сўзлашгичлари нашр этилди.

Туркий тиллардаги, жумладан, ўзбек тилидаги фразеологик материални тўплаш, уларни маълум бир системага солиш, яъни амалий фразеографик иш жуда қадимий ва бой тарихга эга. Бизгача етиб келган энг қадимги туркча фразеологик луғат қаторига 1480 йилда тузилган муаллифи номаълум “Оталар сўзи” китобини киритиш мумкин. Бу китоб 1536 йилда Анқарада Велет Избудак томонидан нашр этилган. Асарнинг иккита қўлёзмаси Санкт-Петербург фондларида сақланмоқда²¹⁶. Кейинчалик 1547 йилда Туркияда Мустафо афанди томонидан “Форсча-туркча фразеологик луғат” тузилган. Бу асарнинг қўлёзмаси ҳам Санкт-Петербургда мавжуд²¹⁷.

XIX аср охири ва XX аср бошларида рус тилида ёзилган амалий қўлланмаларда, икки тилли луғатларда ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик сингари маҳаллий аҳоли тилларига оид сўзлар ва фраземалар изоҳланган, уларнинг русча таржимаси берилган. Шундай ишлардан бири А.Старчевскийнинг асаридир²¹⁸. Бу иш маҳаллий аҳоли тилларининг грамматик очерклари ва “Луғатлар” қисмларидан иборат. Кейинги қисмда “*оқ-қорани таниди*”(596-бет), “*бир тегирмон сув*” (17-бет), “*изини олмоғ*”(12-бет), “*қулоқ бермоқ*”(34), “*гапи гап эмас*”(48), “*бўйи етмоқ*”(35), “*бўйни йўгон*”(232), “*хатга олмоқ*”(38) сингари ўзбекча иборалар ва кўплаб сўз бирикмалари келтирилган ҳамда улар рус тилига таржима қилинган.

З.А.Алексеевнинг асари²¹⁹да сарт (ўзбек) тилига оид савол-жавоб намуналари 48 мавзуий гуруҳга ажратилган ҳолда берилган. Асосан савдо соҳасида (савдо қилувчи ва харидор ўртасида) қўлланадиган диалоглар, матнлар ўзбекча келтирилиб, уларнинг

²¹⁶ Умаров Э.А. О фразеологических словарях турецкого языка // Сов. тюркология. 1979. № 2. – С. 75.

²¹⁷ Басевский С.И. Описание персидских и таджикских рукописей Института народов Азии. Выпуск 5. Двухязычные словари. - М.: Наука, 1968. – С. 75-76.

²¹⁸ Спутник русского человека Средней Азии. Составитель Старчевский А..- Санкт-Петербург, 1878. - 808 с.

²¹⁹ Фразы на сартовском языке. Составитель Алексеев З.А.. - Ташкент, 1884. - 325 с.

русча талаффузи, таржимаси ўша давр транскрипцияси ва имлосида ифодаланган. Бу асарда айрим ўзбекча иборалар ҳам мавжуд. Масалан, “*Хужраларни оқартмоқлик қўлингдан келадиму*” (186-бет), “*Қўлинг бўшалган вақтда менинг уйимда бир оз иш бор*” (183-бет) кабилар.

М.Терентьев томонидан тузилган асар²²⁰нинг биринчи қисмида ўзбек тили грамматикасидан маълумотлар ҳам жой олган (160-209-бетлар). Бу қисмда ўқиш қодалари, от, сифат, олмош, равиш, кўмакчи, боғловчи, ундовлар, феъллар, сифатдошлар, феъллашган отлар (“*тўхтамоққа*” каби), феъллашган сифатлар (“*битганларини ўқунглар*” каби), сўз ясаши, юклама ва составли сўзлар ҳақида маълумотлар берилган, шунга доир мисоллар келтирилган ҳамда бу мисоллар рус тилига таржима қилинган. М.Терентьев грамматикага оид мисол танлашда ўша даврда халқ тилида кенг тарқалган мақол, матал ва ибораларга мурожаат қилган. Масалан: “*очиқ оғиз оч қолмас*”(201-бет), “*қўйчи қўп бўлса, қўй харом ўлар*”(201), “*олтин айнимас, сари/қ/ мой сасимас*”(203), “*ақл ёшда эмас, бошдадур*”(204), “*ўлик арслондин, тирик сичқон яхшидур*”(207) кабилар.

1876 йилда М.Терентьевнинг “Хрестоматия”си нашр этилди²²¹. Китобнинг 69-75-саҳифаларида ўзбек тилидаги олтмишдан ортиқ мақол, матал ва иборалар дастлаб эски араб ёзувида, кейин уларнинг русча ўқилиши ва рус тилига таржимаси берилган. Бу мақол ва ибораларнинг асосий қисми ҳозир ҳам халқ оғзаки сўзлашув нутқида, бадий нутқ услубида кенг қўлланади. Масалан: “*томнинг қулоғи бор*”(69-бет), “*болани ёшдин, хотинни бошдин*”(69), “*сут билан кирган жон билан чиқар*”(69), “*ўлимдин ҳўрлик ёмон*”(70), “*очлик не-не едирмас, тўқлик не-не дедирмас*”(70), “*қўлим очиқ, юзим оқ*”(71), “*от минган отасини билмас*”(71), “*бол тутган бармогин ялар*”(72) ва бошқалар.

1884 йилда Қозон шаҳрида В.Наливкин ва М.Наливкиналар томонидан тузилган “Русча-сартча ва сартча-русча

²²⁰ Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская. Составитель Терентьев М. Книга первая. - Санкт-Петербург, 1875. - 209 с.

²²¹ Хрестоматия турецкая, персидская, киргизская и узбекская. Составитель Терентьев М. Книга 1-П. Книга 2. - Санкт-Петербург: 1876. - 108 с.

умумқўлланишдаги сўзлар луғати” нашр қилинган эди²²². Бу асарда сўзлар билан бирга бир қанча иборалар ҳам келтирилиб, уларнинг русча таржимаси берилган: “*рўбару келмоқ, рўбаруга келмоқ - попать на встречу*”(129-бет), “*қўли пишиб қолди*” - *рука привыкла*”(127), “*кўнгли айниб кетди - меня мутит, тошнит*”(124), “*зиёрат қабул бўлсин, муродлари ҳосил бўлсин - да исполнится желания*” (13), “*кўзи тегди - его слезили*” (239), “*худо тақдир қилса - если суждено*” (259), “*ажали етса - если суждено умереть*”(259), “*ҳайтингиз муборак бўлсин - поздравляю Вас с праздником*” (85) кабилар.

Шуниси муҳимки, бу асарда айрим кўп маъноли сўзларнинг бирикма, ибора ҳосил қилиш имкониятлари ҳам кўрсатилган. Масалан, “*дам*” сўзи “*духота, дыхание*” деб таржима қилинган, бу сўз билан боғлиқ қуйидаги бирикмалар, иборалар келтирилади: “*дам олмоқ - отдохнуть*”, “*дам солмоқ - лечить отчитыванием*”(34-бет). Худди шунингдек, “*аччиғ*” сўзи “*горький, рассерженный*”, деб таржима қилинади ҳамда бу сўзнинг “*аччиғи тез - вспыльчивый*”, “*аччиғи келмоқ - сердиться*”, “*аччиғини келтирмоқ - сердить*” сингари бирикма ва иборалар таркибида келишига мисоллар берилган.

В.П.Наливкиннинг яна бир амалий қўлланмаси²²³да ҳам турғун бирикмалар мисол тарзида келтирилган ва русча таржима билан таъминланган: “*жазога гирифтор қилмоқ - наказать*”(140-бет), “*аз баройи худо муни билмасмен - клянусь я этого не знаю*”(213-бет), “*хайрон бўлмоқ, хайрон қолмоқ - изумление*”(210) кабилар.

1880 йилда Ш.Ишаевнинг “Қисқача русча-сартча ва сартча-русча луғат” номли асари нашр этилди²²⁴. Бу луғат охирида “Наиболее употребительные фразы” бўлими илова тарзида берилган (120-141-бетлар). Масалан: “*дай бог Вам здоровья - Худо Сизни саломат сақласин*”(134), “*желаю Вам всего хорошего -*

²²² Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда. Составители **Наливкин В., Наливкина М.** - Казань: 1884. - 161 с.

²²³ Руководство к практическому изучению сартовского языка. Составитель **Наливкин В.П.** - Самарканд, типография Федорова К.М., 1898. - 333 с.

²²⁴ Краткий русско-сартовский и сартовско-русский словарь. Составитель **Ишаев М.** - Ташкент, типография военно-народного управления, 1880. - 184 с.

Сизга яхшилик хоҳлайман”(136), *“смелость города берет гайирлик шаҳар оладур”*”(136-бет) ва бошқалар.

Маълумки, биринчи русча-ўзбекча луғат муаллифи Е.Д.Поливанов эди. У 1926 йилда 4500 дан ортиқ сўз ва ибора изохланган “Русча-ўзбекча луғат”ни нашр эттирди. Мазкур луғатга янги сўз ва иборалар ҳам киритилган эди: *“таслим бўлдилар - сдались”* (175-бет), *“ижтимоий мухофазат сандиги - соцстрахкасса”*(186), *“ўртача ҳисоб билан - по среднему расчету”* (160) кабилар.

1927 йилда машҳур туркийшунос олим К.К.Юдахин томонидан “Қисқача ўзбекча-русча луғат” яратилган эди²²⁵. Бу луғат ўзбек адабий тилининг 20-йиллар учун хос нормаларига асосланиб тузилган. Тўққиз мингдан ортиқ сўз ва ибораларни ўз ичига олган бу луғат ўзбек фразеологияси ва фразеографияси ривожига сезиларли из қолдирди: *“от чиқармоқ - прославиться”*(2-бет), *“томир отдирмоқ - пустить корни”*(3), *“жон аччиги билан қилмоқ - делать что-либо, не жалея сил”* (6), *“ажали етди - его смертный час наступил”*(43), *“арвох урсин сени - побей тебя дух”*(48), *“азбаройи худо - ради бога, ей богу”*(50), *“кўз олдида тутмоқ - иметь в виду”*(193) кабилар.

У.Аҳмаджонов ва Б.Илёсовлар томонидан тузилган “Ўзбекча-русча луғат”(1931)га ҳам сўзлар билан бирга айрим иборалар киритилган эди: *“юрак ёрилув - разрыв сердца”*(163-бет), *“илдиз ёймоқ - пускать корни”*(156), *“урушса ҳам гапини элама - не обращай внимание на его слова хотя бы даже он бранился”*(109), *“дунё кўрмаган - небывалый”*(105), *“диққатни жалб этмоқ - привлечь внимание”* (106), *“кўз тикмоқ - уставиться”*(360), *“сўзнинг қисқаси - короче говоря”*(286) кабилар.

1935 йилда “Тил проблемалари” номли илмий тўплам нашр этилган бўлиб, унга Элбекнинг “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” номли иши ҳам киритилган эди²²⁶. Элбек бу ишда кўплаб сўзлар билан бир қаторда, сўз бирикмалари, айрим ибораларга ҳам изох берган, тегишли мисоллар келтирганди. Масалан, анг-танг бўлмоқ, анг-танг қолмоқ - ҳайратда қолмоқ,

²²⁵ Краткий узбекско-русский словарь. Составитель Юдахин К.К. - Ташкент, типография акционерного общества “Средазкнига”, 1927. - 820 с.

²²⁶ Элбек. Ўзбек тўла сўзлигига материаллар // Тил проблемалари (тил секторининг мажмуаси). 2-сон. - Тошкент-Самарқанд: 1935. – Б. 42-82 (лотин алифбосида).

таажжубланмоқ, шошиб қолмоқ (50-бет); абгор қилмоқ - ҳолдан тойдирмоқ, кучсизлантирмоқ ва умуман хароб қилмоқ (50); боши бўш - эрга тегмаган, ҳали унашилмаган қиз (53); жуптак ташламоқ - отнинг ўйноқлаб юриши (59); изза бермоқ - уялтирмоқ, тана қилмоқ (66); тўғаноқ солмоқ - чалмоқ, чалиб йиқитмоқ, боғламоқ (75) кабилар.

Бу ишда Элбек айрим сўзларнинг маъносини фразема, ибора орқали изоҳлаш тамойилидан ҳам фойдаланган. Масалан, диалектал характердаги “умма” сўзи “оёғи осмондан келмоқ, тикка қадалмоқ”(87-бет), деб изоҳланган. Ёки “қақшатмоқ” сўзи “додини бермоқ, хароб қилмоқ, душманни уриб йиқмоқ”(82-бет) тарзида изоҳланган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида юзага келган юқоридаги сингари лексикографик ишлар соф амалий мақсадлар нуқтаи назаридан яратилган бўлса-да, луғатларга фраземаларни киритиш ва изоҳлаш тамойилларини белгилашда, фразеографиянинг бундан кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнади. Худди ана шундай ишлар ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг мустақил лингвистик соҳалар сифатида шаклланиши ва тараққиёти учун ўзига хос замин ҳозирлади. Умуман, ўзбек фразеографияси тараққиётининг бу даврини паремиографик давр деб айтиш мумкин, чунки бу даврда тузилган луғатларда том маънодаги фраземалар кам бўлиб, асосан мақол, матал, афоризмларни тўплаш ва системалаштиришга эътибор қаратилган эди²²⁷.

Ўзбек луғатшунослари XX асрнинг 50-70-йилларда турли типдаги ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатлар яратиб, кўплаб фраземаларни луғатларга киритдилар²²⁸. 80-йилларга келиб ўзбек луғатшунослиги жиддий ютуқларга эришди: икки жилдик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”(М., 1981), икки жилдик “Русча-ўзбекча луғат”(Тошкент, 1983-1984), тўрт жилдик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (Тошкент, 1983-1985), бир жилдик “Ўзбекча-русча луғат”(Тошкент, 1988), беш жилдик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (Тошкент, 2006-2008) сингари

²²⁷ Ўзбек паремиологияси тарихи ҳақида қаранг: Бердиёров Х., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. 1-қисм. - Самарканд: СамДУ нашри, 1976. - Б. 4-17; Паремиология Ўзбекистана. Выпуск I. - Самарканд, 1978; Паремиология Ўзбекистана. Выпуск II. - Самарканд, 1980; Паремиология Ўзбекистана. Выпуск III. - Самарканд: 1981 ва бошқалар.

²²⁸ Ўзбекча-русча луғат. С.Ф.Акобиров, З.М.Маъруфов, А.Т.Хўжахонов таҳрири остида. - М., Ҳорижий ва миллий луғатлар нашриёти, 1959. - 840 б. ва бошқалар.

йирик асарлар нашр этилди. Бу луғатлардан сўзлар қатори кўплаб фраземалар ҳам жой олган ва изоҳланган эди. Келгусида ўзбек тили фраземаларининг изоҳли ва таржима луғатларда қайд қилиниши ва изоҳланиш тамойиллари махсус ўрганилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир. Чунки кейинги пайтларда тузилган луғатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фраземаларни луғатларга киритишда, уларни изоҳлаш ва зарур ҳаволалар билан таъминлашда изчиллик етишмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, шу кунгача яратилган жуда кўплаб диалектологик тадқиқотларда ҳам фраземалар транскрипция асосида қисман берилган. Бу жиҳатдан айниқса икки жилдик “Ўзбек диалектологиясидан материаллар”(1957-1959), “Ўзбек шевалари лексикаси”(1966, 1991) номли тўпламлар, Ш.Шоабдурахмоновнинг “Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари”(1962), “Ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжаси”(1983), А.Шерматовнинг “Қашқадарё областидаги ўзбек халқ шевалари”(1978) номли монографияларни қайд қилиш ўринлидир. Жумладан, А.Шерматов ўз монографик тадқиқотида турғун бирикмалар, мақол ва маталлар, турли истакларни ифодаловчи оғзаки сўзлашув нутқи ибораларини алоҳида-алоҳида келтирган ҳамда уларнинг русча таржималарини берган эди²²⁹. Масалан: *беш қўлни оғзига солмоқ* – “ненасытный» (досл. «всунуть пять пальцев в рот»); *ит-мушук // пышай бўлиб яшамоқ* – «жить как кошка с собакой»; *ёмоннинг бир қилиғи ортиқ* – “у плохого человека всегда одна черта лишняя”; *бир қарға билан қиш келмас* – “с одной вороной зима не приходит”; *соғ бўл* – “будь здоровым”; *«барака топ»* - «пусть все идет тебе впрок»; *«тупроқ олсанг олтин бўлсин»* - “если ты возьмешь в ладонь землю, пусть она превратится в золото” кабилар.

Агар 1960 йилгача ўзбек тилидаги фраземалар асосан ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатларда ўз ифодасини топган бўлса, кейинги қарийб қирқ йил ичида ўзбек фразеографияси махсус фразеологик луғатлар тузиш соҳасида муайян тажриба тўплади. Энди фразеография фанининг ютуқларига таянган ҳолда мамлакатимизда яратилган ана шундай фразеологик луғатларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

²²⁹ Шерматов А. Узбекские народные говоры Кашкадарьинской области. - Ташкент: Фан, 1978. – С. 107-114.

1. Бир тилли фразеологик луғатлар. Шу кунга қадар ўзбек фразеографиясида тилимизнинг бир неча фразеологик луғатлари майдонга келди²³⁰. Бу луғатлар ўз ҳажми, фраземаларни изоҳлаш тамойиллари, йўналиши жиҳатдан хилма-хилдир. Ш.Шомақсудов ва С.Долимовларнинг асарида турли табақа, касб вакиллари орасида қўлланиладиган уч мингга яқин ибора алифбо тартибида келтирилиб, уларнинг этимологиясини қисман изоҳлашга ҳаракат қилинган. Лекин китобдаги изоҳлар чуқур илмий асосга қурилган, деб бўлмайди, чунки муаллифлар айрим ибораларга изоҳ беришда афсоналардан, латифалардан фойдаланган бўлсалар, айрим ибораларга турмуш воқеаларига боғлаб изоҳ берганлар. Китобнинг номи (“Кенг уйнинг келинчаги”) унинг мундарижасига мос эмас. Асарни “Ўзбек халқ ибораларидан намуналар” деган тарзда номлаш мумкин эди²³¹.

Кейинчалик Ш.Шомақсудов ўзининг бундай луғатшунослик фаолиятини давом эттириб, Ш.Шораҳмедов билан ҳамкорликда ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғатини тайёрлади. Бу муҳим ва фойдали асар “Нега шундай деймиз” ва “Ҳикматнома”, “Маънолар маҳзани” номлари билан бир неча марта кўп минг нусхада нашр этилди²³². Бу луғатлар ўз вақтида Ҳ.Бердиёров ва Р.Расуловлар орзу қилган изоҳли паремиологик луғатнинг ўзига хос бир кўриниши эди²³³.

Ш.Раҳматуллаев тузган луғатларда ҳам ФБлар алифбо тартибида жойлаштирилган. 1964 ва 1978 йилларда чиққан луғатларга нисбатан 1992 йилда нашр этилган луғат материал

²³⁰ Шомақсудов Ш., Долимов С. Кенг уйнинг келинчаги. - Тошкент, 1961. - 228 б.; Шомақсудов Ш., Долимов С. Кенг уйнинг келинчаги. Иккинчи нашр. - Тошкент, 1964. - 376 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. - Тошкент, Фан, 1964. - 212 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. - Тошкент, Ўқитувчи, 1978. - 408 б.; Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. 1-П-Ш қисмлар. - Самарқанд, СамДУ нашри, 1976-1979-1983. - 296 б.; Қанотли сўзлар (мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар). Тўплаб нашрга тайёрловчи Сиддиқов Э. - Тошкент, 1986. - 256 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. - Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1992. - 380 б.; Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизик. - Тошкент, Фан, 1994. - 176 б.; Йўлдошев Б., Пардаев З. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. 4-қисм. - Самарқанд, “Суғдиён” нашриёти, 1997. - 90 б. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. - Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. - 448 б.

²³¹ Қаранг: Қосимов А. Ўзбек халқ ибораларининг дастлабки тўплами // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962. № 4. - Б. 69-71.

²³² Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз (ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати). - Тошкент, 1987. - 352 б.; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома (ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати). - Тошкент, 1990. - 528 б. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. - Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. - 448 б.

²³³ Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1984. - Б. 22.

жиҳатдан анча бой ва бир мунча мукамалдир. Асарнинг кириш қисмида муаллиф ибораларнинг семантик табиати, фразеологик полисемия, фразеологик синонимия, фразеологик антонимия, фразеологик паронимия, ибораларда вариантдошлик, ибораларнинг синтагматик ва парадигматик шакллари, синтактик қуршови каби қатор масалаларни ёритишга интиланган. Бу китобнинг луғат қисми эса ҳозирги ўзбек тилида кўп ишлатиладиган фаол ФБларни ўз ичига олади. Муаллиф манба сифатида ҳозирги ўзбек бадиий прозаси материалларидан фойдаланган, айрим ўринларда эса фольклор, вақтли матбуот ва оғзаки сўзлашув нутқи материалларига ҳам мурожаат қилган.

Тўпланган фактик материални беришда Ш.Раҳматуллаев фразеографиянинг сўнгги ютуқларидан келиб чиққан ҳолда иш тутган. Изоҳ мақолада дастлаб ФБнинг таянч варианты келтирилган, унинг маъносига қисқача таъриф берилган, шундан кейин ўша фраземанинг вариантлари, синонимлари, ўхшаш формалари кўрсатилган; бу изоҳ ва шарҳлар бадиий асарлардан келтирилган мисоллар билан мустаҳкамланган. Масалан, “*дил/и/сиёҳ бўлди - дил/и/ни сиёҳ қилмоқ*” фраземасининг синтактик қуршови “кимнинг -, ким ёки нима кимнинг” тарзида белгилангач, бу ибора “*хафа бўлмоқ*” деб изоҳланади, иборанинг “*кўнгл(и) қора бўлди - кўнгл(и)ни қора қилмоқ*” варианты, “*кўнгл(и)ни бузмоқ - кўнгл(и) бузилди*” каби ўхшашлари келтирилган, ўша фраземанинг маъносини очишга хизмат қилувчи мисоллар Садриддин Айний, Саид Аҳмад, Сунатулла Анорбоев асарларидан танланган [ЎТФЛ, 73].

Луғат мақолачаларнинг бундай тамойилда тузилиши, бир томондан, фразема маъноларини ихчам шаклда изоҳлашга имкон берса, иккинчи томондан, тилимиздаги фраземалар орасидаги ўзаро синонимик, антонимик, полисемантик хусусиятларни аниқ кўрсатишга хизмат қилади.

Ш.Раҳматуллаев ўзининг кейинги луғатида фразема маънолари тизимини бутун тўлалиги билан қамраб олишга интилгани сезилади. Масалан, “*бош кўтармоқ*” фраземасининг семантик ҳажмида тўрт маънони фарқлаб кўрсатган [ЎТФЛ, 51], “*жон(и)ни олмоқ*” фраземасининг уч маъноси [ЎТФЛ, 97], “*тиши ўтмайди*” фраземасининг уч маъноси [ЎТФЛ, 263-264]ни фарқлаган. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Ш.Раҳматуллаев

1978 йилда нашр эттирган луғатининг охирида шу луғатга киритилган фраземаларнинг сўз компонентлари кўрсаткичи [ЎТИФЛ, 311-379], фразеологик синонимия кўрсаткичи [ЎТИФЛ, 380-405] келтирилган, бу эса луғатдан фойдаланишни бирмунча осонлаштирган, тилимиздаги фраземалар синонимиясини тўлароқ тасаввур этишга имкон берган эди. Негадир ана шундай фойдали кўрсаткичлар 1992 йилда нашр этилган луғатда ўз аксини топмаган.

Бу луғат айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Луғатда “қўйи мингга етди” [ЎТИФЛ, 358], “донги Догистон кетди” [ЎТИФЛ, 75] сингари бир неча индивидуал-автор фраземалари ҳам киритилган. Ш.Раҳматуллаев тўғри қайд қилганидек, “ибора йирик тил бирлиги бўлиб, камида иккита мустақил туркум лексемасидан (сўзлардан) таркиб топади” [ЎТФЛ, 4]. Лекин луғатда “иссиқ” [ЎТИФЛ, 113], “истарали” [ЎТИФЛ, 113], “бермоқ” [ЎТИФЛ, 300], “қочирмоқ” [ЎТИФЛ, 240] сингари бир компонентли фраземалар ҳам мавжудлиги таажжубланарлидир. Бундан ташқари ўзбек тилшунослигида “савол бермоқ”, “жавоб қайтармоқ” типидagi бирикмалар қўшма феъллар сифатида талқин қилинади²³⁴. Муаллиф эса уларни фраземалар қаторига киритади [ЎТИФЛ, 91], бу эса илмий-назарий жиҳатдан чуқур асосланишга мухтож бўлган масаладир²³⁵.

Агар Ш.Раҳматуллаевнинг 1964 ва 1978 йилларда нашр этилган луғатларида мингга яқин фраземалар изоҳи берилган бўлса, 1992 йилги луғат ҳажм жиҳатдан улардан қарийб уч баравар катта, яъни бу луғат уч мингтача фраземалар изоҳини ўз ичига олади²³⁶. Масалан, биргина “з” ҳарфи билан бошланувчи қисмда *замонанинг зайли билан, занг босиб ётмоқ, зарба бермоқ, зарба емоқ, зарба етди, зарба етказмоқ, зарур келибдими, захраси келди, захраси учди, зеҳни ўтқир, зил кетмоқ, зил кеткизмоқ, зир*

²³⁴ Акбаров С. Ўзбек тилида қўшма феъллар. - Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953. - Б. 7; Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. 1-том. - Тошкент: Фан, 1975. - Б. 371; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975. - Б. 225; Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Х. Ўзбек тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1989. - Б. 134 ва бошқалар.

²³⁵ Ш.Раҳматуллаевнинг 1978 йилда нашр этилган луғати ҳақида қаранг: Асқарова М., Қўчқортоев И. Тадқиқот мавзуи - тилимиз бойлиги // Ўқитувчилар газетаси, 1978 йил 24 декабрь; Жуманазаров Ю. Тилимиз кўрки ҳақида луғат // Хоразм ҳақиқати, 1979 йил 1 февраль.

²³⁶ Олимнинг луғатшунослик фаолияти ҳақида қаранг: Улуғов А. Сўз сеҳри (проф.Ш.Раҳматуллаевнинг лексикографик фаолияти ҳақида) // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2005 йил 1 апрель; Абдуллаев Д. Шавкат Раҳматуллаев – йирик фразеограф олим // Филологик тадқиқотлар. 1-китоб. - Тошкент: Фан, 2006. - Б. 51-55.

титратмоқ, зоти паст, зог учмайди, зўр келмоқ, зўр келса каби йигирмадан ортиқ фраземалар изоҳи берилганки, бу фраземалар Ш.Раҳматуллаевнинг олдинги луғатларида учрамайди.

Самарқандда тўрт қисмда нашр этилган “Ўзбек фразеологиясидан материаллар” номли ишда “А”, “Б”, “В”, “Г”, “Д”, “Е”, “Ё”, “Ж” ҳарфлари билан бошланадиган икки минг тўрт юздан ортиқ фраземалар келтирилиб, уларнинг маъно қирралари изоҳланган ва ҳар бир фраземанинг маъно қиррасига мос ҳолда бадиий ва публицистик асарлардан мисоллар келтирилган²³⁷. Проф.Ҳ.Бердиёров кейинчалик Р.Расулов билан ҳамкорликда “Ўзбек тилининг паремиологик луғати”ни ҳам тайёрлаб, нашр эттирган эди²³⁸.

“Қанотли сўзлар”(1986) тўплами муаллифининг нияти “халқ нафаси уфуриб турган сочма ҳолдаги дурдоналардан дур даста қилиш” бўлган. Лекин бу хайрли ният асарда тўла амалга ошмаган. Чунки асарда “*бекнинг чашмасидан сув ичма*”(20-бет), “*йўлни билган қоқилмайди*”(86-бет), “*нўстинни эҳтиёт қилган кияди // отни қадрини билган минади*”(146-бет) каби ҳикматлар бир саҳифанинг ўзида икки марта такрор берилган, мантиқсиз иборалар киритилган, жиддий таҳрирга муҳтож ўринлар жуда кўп²³⁹.

Адабиётшунос олим Маҳмуд Саттор 1994 йилда хайрли бир ишни амалга оширди: миллатнинг кенжа бўғинига ўзбек ибораларидан бир шингил маълумот бериш мақсадида инсон, унинг тана аъзолари ҳақида халқимиз яратган иборалар танланиб, уларга қисқа изоҳ, шарҳ беришга бағишланган “Ўзбекнинг гапи қизиқ” номли асарни нашр эттирди²⁴⁰.

Асар ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, бозор-ўчар мавзуидаги *бозор кўрган эчки, ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, отанг бозор - онанг бозор* каби иборалар изоҳи билан бошланган. Шундан кейин асарда “гап” (*гапида жон бор, гап тегди* каби), “жон” (*жонига тегмоқ, жон кирди* каби), шунингдек “*бош*”,

²³⁷ Бу асарнинг уч қисми ҳақида тақризлар эълон қилинган. Қаранг: Саломов Ғ. Ўзбек фразеологияси // Ўқитувчилар газетаси, 1977 йил 3 июль; Жўрабоев А., Нурмонов А. Ўзбек фразеографиясининг ривожига муҳим ҳисса // Коммунист (Андижоннома), 1976 йил 25 декабрь; Ҳамдамов Ж., Қўнгулов Р. Тилимизнинг минг бир жилоси // Ленин йўли, 1977 йил 19 март; Ҳусайнов М. Нутқимиз кўрки // Ленин йўли, 1981 йил 14 август; Дониёров Х., Муҳаммадиев Х. Тилимиз жилолари // Ленин йўли, 1984 йил 18 июль ва бошқалар.

²³⁸ Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1984. - 288 б.

²³⁹ Бу асар ҳақида қаранг: Дадабоев О. Қанотли сўзларми ёки... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987 йил 13 март.

²⁴⁰ Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизиқ. - Тошкент: Фан, 1994. - 176 б.

“пешона”, “юз”, “кўз”, “қулоқ”, “бурун”, “оғиз”, “тиш”, “тил”, “бўйин”, “томоқ”, “елка”, “орқа”, “қўл”, “юрак”, “ўпка”, “ичак”, “қорин”, “бел”, “оёқ” сингари тана аъзолари номи ёрдамида шаклланган олти юзга яқин иборалар келтирилиб, шарҳланган. Лекин бу асарни ҳам том маънода мавзуий тамойилда тузилган фразеологик луғат деб бўлмайди.

А.Омонтурдиевнинг “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати” ҳам нашр этилган²⁴¹. Бу луғатда ўттиздан ортиқ мавзу (табу, тушунча) асос қилиб олинган бўлиб, уларнинг ҳар бири таркибида эвфемизмлар (жумладан, эвфемик фразеологизмлар) тадрижий кетма-кетликда жойлаштирилган. Ҳар бир мавзу (объект)нинг 30-40 тадан беш юзтагача эвфемик воситалари аниқланиб, уларга бадиий асарлардан, оғзаки сўзлашув нутқидан мисоллар келтирилган. Масалан, асарда “ўлмоқ” тушунчасининг беш юзга яқин, жинсий алоқа вилмоқ тушунчасининг бир юз элликка яқин, туғмоқ тушунчасининг ўттиздан ортиқ эвфемик синонимлари (вариантлари) келтирилган. Масалан, А.Омонтурдиев луғатида биргина “ўлмоқ” тушунчасини ифодаловчи “абадийликка бош қўймоқ”, “абадий уйқуга кетмоқ”, “ажал денгизига гарқ бўлмоқ”, “ажал майини ичмоқ”, “ажал йиқитмоқ”, “ажал қанотини қайирмоқ”, “ажали етмоқ”, “асфаласофилинга кетмоқ”, “бандаликни бажо келтирмоқ”, “бақо оламига хиром этмоқ”, “бошини емоқ”, “бошини сиртмоққа солмоқ”, “боқий дунёга бормоқ”, “дорул фанодан дорул бақога рихлат қилмоқ”, “дунё эшигидан чиқмоқ”, “ёстиги қуримоқ”, “жони жаннатга кетмоқ”, “жони чиқмоқ”, “индамаслар оламига кетмоқ”, “куни битмоқ”, “кўз юммоқ”, “нариги дунёга жўнамоқ”, “овози ўчмоқ”, “омонатини топширмоқ”, “пешонага сизмаслик”, “тангри раҳматига бормоқ”, “умр карвониманзилга етмоқ”, “худонинг даргоҳига бормоқ”, “юлдузи ўчмоқ”, “қулоғи остида қолмоқ”, “ҳаёт риштаси узилмоқ”, “ҳаётни тарк этмоқ” сингари элликдан ортиқ эвфемик фразеологизмлар алифбо тартибида келтирилган ҳамда уларнинг ҳар бирига бадиий асарлардан, оғзаки сўзлашувдан тегишли мисоллар берилган²⁴². Мазкур луғат келгусида ўзбек тилининг эвфемик фразеологизмлар изоҳли луғатини яратиш учун бой материал манбаи бўлиб хизмат қилади.

²⁴¹ Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – 134 б.

²⁴² Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 98-123.

Ўзбек фразеографлари келгусида бой фактик материал негизда тилимизнинг ҳақиқий, мукаммал изоҳли фразеологик луғатини яратиш устида жиддий иш олиб боришлари зарур.

2. **Ўзувчи асарларининг фразеологик луғати.** Бундай типдаги фразеологик луғатнинг ягона намунаси ҳозирча Э.А.Умаров томонидан яратилган²⁴³. Бу фразеологик луғат ҳам алифбо тартибида тузилган, иборалар изоҳи рус тилида берилган, Алишер Навоий асарларидан олинган мисоллар ҳам рус тилига таржима қилинган. Ҳар бир луғат мақолачадан сўнг бир неча мисоллар келтирилган. Аммо китоб охирида луғатдан фойдаланишни осонлаштиришга хизмат қилувчи кўрсаткичлар берилмаган. Бундан ташқари Э.Умаровнинг мазкур асарини Алишер Навоий лирик поэзиясининг мукаммал изоҳли фразеологик луғатига дебоча дейиш мумкин, чунки айрим иборалар (ҳатто “Ҳазойин-ул-маоний”да қўлланган иборалар ҳам) бу китобда ўз аксини топмаган. Бундай иш Алишер Навоий асарлари фразеологиясини, кўп асрлик тарихий фразеологияни тўплаш ва системалаштиришнинг илк тажрибаси бўлгани учун уни янада такомиллаштириш лозим бўлади²⁴⁴.

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (1-1У томлар, Тошкент, 1983-1985)да ҳам сўзлар изоҳидан кейин ўша таянч сўзлар ёрдамида шаклланган кўпгина ибораларга ҳам изоҳ берилган. Масалан, “*бош*” сўзи изоҳлангач, *бошдин-аёқ, бошига дуд сол, бошидин дуд чиқар, бош нигун айла, бошни елга бер, боши кўкка етди, бош олиб кет, бошига тегирмон тоши айландур, бош торт, бош ур, бошни фалакдин ўткар* сингари ўттиздан ортиқ иборалар ҳам келтирилиб, уларнинг маънолари изоҳланган ва бу изоҳлар шоир асарларидан тегишли мисоллар билан таъминланган²⁴⁵.

Шунингдек, Ҳ.Қаҳҳорованинг “Абдулла Қодирий фразеологияси” мавзуидаги номзодлик диссертациясига илова тарзида “Абдулла Қодирий асарларида ишлатилган фразеологик

²⁴³ Умаров Э.А. Фразеологический словарь “Хазойин-ул-маоний” Алишера Навои. - Ташкент, Фан, 1971. - 140 с.

²⁴⁴ Бу луғат хақида қаранг: Исаев А.И. “Э.А.Умаров. Фразеологический словарь “Хазойин-ул-маоний” Алишера Навои // Бюллетень по фразеологии. № 1. Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 234. - Самарканд, 1972. - С. 77-80.

²⁴⁵ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 1-том. - Тошкент, Фан, 1983. - Б. 319-323.

бирликлар луғати” берилган эди²⁴⁶. Мазкур луғат Абдулла Қодирий асарларида ишлатилган фраземаларни кузатиб тўпланган материал асосида тузилган. Шуниси муҳимки, бу луғатда ёзувчи Абдулла Қодирий томонидан қўлланган умумтил фраземалари билан бир қаторда индивидуал-автор нутқига хос фраземалар изоҳига ҳам кенг ўрин берилган. Бу қўлёзма луғатда фраземалар алифбо тартибида жойлаштирилган, луғат вокабуласи сифатида у ёки бу фраземанинг таянч варианты келтирилган, фразеологик маъно таърифланган ва шундан сўнг тегишли мисоллар берилган: оёқдан қолмоқ - “эскирмоқ” (К.а., 115) ... *Ота-бободан қолган пайшанба нон мактаблари оёқдан қолиб...*; огиз солмоқ - “қайлиққа олиш нияти борлигини айтмоқ” (Ў.к., 350) ...*Хушруй учун ҳеч ким огиз солмай қўйди* кабилар.

Самарқандда эълон қилинган Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясига оид монография (2006)да “Уфқ”нинг биринчи китоби – “Қирқ беш кун” романида қўлланган олти юздан ортиқ фразеологизмларнинг алифбо кўрсаткичи мисоллари билан бирга келтирилган²⁴⁷. Шоир Эркин Воҳидов асарларининг тил хусусиятларига оид монографияда эса шоир поэзиясида қўлланган саккиз юздан ортиқ фразеологизмларнинг алифбо кўрсаткичи ўрин олган²⁴⁸. Бу ишлар келгусида Саид Аҳмад ва Эркин Воҳидов асарлари фразеологизмларининг изоҳли луғатини тузиш учун бой материал манбаи бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

3. **Ўзбекча-русча фразеологик луғатлар.** Бундай типдаги фразеологик луғатларнинг илк намуналари М.Абдурахимов томонидан тузилган ва “Ўзбекча-русча афоризмлар луғати”, “Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат”²⁴⁹ номлари билан нашр этилган эди. 1982 йилда М.Абдурахимов ўзининг ўзбекча-русча фразеологик луғат тузиш тамойилларини назарий жиҳатдан

²⁴⁶ Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри. Номзодлик диссертацияси. - Тошкент, 1985. – Б. 159-272.

²⁴⁷ Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – Б. 83-125.

²⁴⁸ Йўлдошев Б., Халилов Қ. Шоир Эркин Воҳидовнинг фразеологизм қўллаш маҳорати ҳақида. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – Б. 74-94.

²⁴⁹ Абдурахимов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976. - 216 б.; Абдурахимов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. Иккинчи нашри. - Тошкент, Ўқитувчи, 1986. - 216 б.; Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - 184 б.

асослаб, номзодлик диссертациясини ёклади ва 1989 йилда унинг шу мавзудаги монографияси босмадан чиқди²⁵⁰.

М.Абдурахимовнинг луғатларида ҳар бир афоризм (парема) ёки ФБ маъносини очиш учун бадий адабиётдан мисоллар берилган. Бундай иллюстратив мисоллар сўз санъатининг мохир усталари асарларидан танланган. Муаллиф ўзбек ижодкорларининг рус тилига таржима қилинган юздан ортиқ бадий асарларини уларнинг оригинал матни билан муқояса қилган. Луғатларда ҳар қайси иборанинг сўзма-сўз таржимаси, эквиваленти билан бирга, уларнинг икки-уч хил вариантлари (аналогияси) ҳам берилдики, бу ўзбекча ибораларнинг рус тилида қандай қўлланишини янада конкретлаштиришга хизмат қилади. Масалан, *“кечани кеча, кундузни кундуз демай”* ибораси келтирилиб, унинг *“не считая вечер за вечер, день за день”* (т.е. *быть занятым в любое время суток*) тарзида русча таржимаси берилди, Одил Ёқубовнинг *“Диёнат”* романидан шу ибора маъносини очишга хизмат қилувчи матн ва унинг таржимаси берилгач, ўша иборанинг русча *“данно и ношно”*, *“не покладая рук”*, *“от зари до зари”* каби ўхшаш вариантлари келтирилган²⁵¹.

М.Содиқованинг *“Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат”*и ҳам босмадан чиқди²⁵². Мазкур асарнинг М.Абдурахимов луғатларидан фарқи шундаки, унда адабий тилга оид иборалардан ташқари *ийиғи чиққан, аканг қарағай, алланима бало. арвоғи ҳам қолмади, арра қилмоқ, атала ичдингми, бели синмаган, биқинидан дарча очиб қўймоқ, бозори юриб қолди* каби сўзлашув иборалари, *айлантириб туширди, акаси айлансин, бебилиска сарф қилмоқ* сингари оддий (соддатил) иборалари, *идиш қайтарди* каби этнографик иборалар, *беш кунлик дунё* сингари диний характердаги иборалар, *бир қора* каби диалектал иборалар ҳам мавжуд. Умуман,

²⁵⁰ **Абдурахимов М.М.** Узбекская языковая афористика (фразеология) как объект системы учебных двуязычных словарей (на материале узбекского и русского языков). АКД. - Ташкент, 1982. - 17 с.; **Абдурахимов М.** Фольклорная афористика и словарь (на материале узбекского и русского языков) - Ташкент: Фан, 1989. - 96 с.

²⁵¹ Бу луғатлар ҳақида қаранг: **Долимов У.** Ўзбекистонда биринчи // Ўқитувчилар газетаси, 1977 йил 23 январь; **Куликов Н.** Народная мудрость // Правда Востока, 1977, 25 февраль; **Туробова М.** Фойдали нашр // Гулистон. - 1978. № 11. - Б. 28; **Зинин С.И.** К месту слово молвится // Звезда Востока. 1978. № 2. - С. 215; **Салям Г.** Цену золота знает ювелир // Корреспондент. 1980. № 12. - С. 43; **Исаев А., Тоғоев Ф.** Фразеологияга доир луғат // Ленин йўли, 1981, 21 январь ва бошқалар.

²⁵² **Садыкова М.** Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. - Ташкент, 1989. - 336 с.

М.Содиқова луғатига тилимиздаги жами беш мингга яқин иборалар киритилган.

М.Содиқованинг яна бир фразеографик иши “Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати” номи билан “Ўқитувчи” нашриёти томонидан нашр этилди²⁵³. Бу луғатга мингга яқин мақол ва матал типдаги иборалар киритилган бўлиб, муаллиф баъзи ўринларда мақол ва маталларнинг русча муқобиллари ёки ўхшаш эквивалентларини келтирган. Масалан, “*лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ*” - *посл. смотри не на отлет аиста, а на прилёт* = *цыплят по осени считают* (43-бет) каби.

Асарда баъзан (таржимаси ғализ чиқмайдиган ўринларда) ўзбекча мақол-маталларнинг сўзма-сўз таржималари ҳам қавс ичида бериб борилган. Бу эса мақол-матал типдаги ибораларни, уларнинг чуқур ички мазмунини, рамзий ифодасини русийзабон ўқувчиларга яхшироқ етказиш имконини яратган. Лекин, бизнингча, луғатда айрим иборалар таржимаси аслига тўғри келмайди, бундай таржималар унчалик зарур бўлмаган изоҳлар ҳисобига кенгайиб кетган. Масалан, “*осилсанг ҳам баланд дорга осил (оёгинг ерга тегмасин)*” ибораси куйидагича таржима қилинган: *букв. если задумал вешаться, то вешайся на высокой виселеце...*²⁵⁴. Бу ибора М.Абдурахимовнинг 1986 йилда нашр этилган луғатида анча ишонарли таржима қилинган кўринади²⁵⁵.

М.Абдурахимов ва М.Содиқова луғатларида ютуқлар билан бирга айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Аввало шуни айтиш керакки, бу асарларда ўзбекча ибораларнинг грамматик шакллари ягона тамойил асосида берилмаган, ибораларнинг синтактик қуршови, парадигматик формалари кўрсатилмаган, айрим ибораларнинг компонент таркиби нотўғри белгиланган. Энг муҳими, тилимиздаги кўпгина иборалар мазкур луғатлардан тушиб қолган, баъзи иборалар учун эса бадий адабиётлардан тегишли мисоллар берилмаган ва ҳоказо. Шунингдек, М.Содиқова луғатидан жой олган “*азза-базза*”(15-бет), “*ана-мана*”(18), “*баландпарвоз гаплар*”(27), “*балохўр одам*”(28), “*бир товук ўтди*”(41), “*бир нақир*”(40), “*хайгир-хаймон*”(327), “*сади пок*”(227), “*сабон тўй*”(226), “*ҳовли рўяси*”(332), “*оқ чой*”(206),

²⁵³ Содиқова М. Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 88 б.

²⁵⁴ Садыкова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. - Ташкент, 1989. – С. 49.

²⁵⁵ Абдурахимов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. - Тошкент, Ўқитувчи, 1986. – Б. 126.

“ориқ ер” (199), “оппоқ дада”(198), “овози ширали”(186), “овози ширасиз” (186), “оббо сен-эй”(185), “расм-русм”(225) каби бирликлар ибора талабларига илмий-назарий жиҳатдан мувофиқ эмас. Бундай нуқсонлар ўз навбатида ўзбек фразеографлари олдида келгусида ўзбекча-русча фразеологик луғатнинг мукаммал наشريни тайёрлашдек муҳим вазифани қўяди.

4. **Русча-ўзбекча фразеологик луғатлар.** Бу типга М.Содиқованинг “Русча-ўзбекча фразеологик луғат”²⁵⁶, Н.М.Шанский, Е.А.Бистрова ва Т.Алиқуловнинг “рус тилидаги 700 фразеологик ибора”²⁵⁷, М.Содиқованинг “Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати”²⁵⁸ номли асарларини киритиш мумкин. Бундай типдаги луғатларда 700 дан 5 минггача бўлган ибораларга изоҳ берилган бўлиб, улар биринчи навбатда ўқувчи ва талабаларга, таржимонларга, филолог мутахассисларга ва умуман рус тилини чуқур ўрганмоқчи бўлган кишиларга мўлжалланган. Лекин бу уч луғат ўз тузилиш тамойили, русча ибораларни изоҳлаш йўлига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, М.Содиқованинг луғатида беш мингга яқин русча фразема ўзбек тилига таржима қилинган, луғат мақолалари бадиий адабиётлардан олинган мисоллар билан мустаҳкамланган. Н.М.Шанский билан ҳамкорликда тузилган луғатда эса бундай мисоллар йўқ. М.Содиқова луғатида русча фраземалар уя (вокабула) усулида жойлаштирилган, яъни муйаян фразема таркибидаги барқарор сўз таянч сўз ёки вокабула сифатида юқорига олинган; сўнг ўша сўз остида, жумланинг қайси ўрнида бўлишидан қатъий назар таркибида ўша таянч сўз учраган барча фраземалар кетма-кет алифбо тартиби билан бериб борилган ва ўзбек тилига таржима қилинган. Кейинги луғатлар эса алифбо тартибида тузилган, фраземаларни ташкил этувчи компонентларнинг урғуси кўрсатилган, сўз тартиби ўзгариши мумкин бўлган фраземаларда компонентлар қандай ҳолда қўлланса, ўша ҳолатда тавсия этилган. Бу луғатда фраземанинг турли морфологик шакллари ҳам бир умумий луғат мақоласи ичида берилган. Масалан, “ноги твоей не

²⁵⁶ Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент, Фан, 1972. - 192 б..

²⁵⁷ Шанский Н.М., Бистрова Е.А., Алиқулов Т. Рус тилидаги 700 фразеологик ибора. - М., 1982. - 118 б.; Шанский Н.М., Бистрова Е.А., Алиқулов Т. Рус тилидаги 700 фразеологик ибора. Иккинчи нашр. - Тошкент, Ўқитувчи, 1990. - 112 б.

²⁵⁸ Садыкова М. Краткий русско-узбекский словарь устойчивых выражений. - Ташкент: Ўқитувчи, 1994. - 96 с.

будет” фраземасининг “ноги его не будет”, “ноги её не будет”, “ноги вашей не будет” вариантлари келтирилиб, “Энди қадамингни босмайсан бу ерларга!”, “Энди қадамини босмайди бу ерларга!” тарзида таржима қилинган²⁵⁹.

Лекин М.Содиқованинг луғатида “ай да молодец”(13-бет), “адская жара”(13), “ах вон оно что”(14), “белое мясо”(17), “белый уголь”(17), “блудный сын”(20), “ваш брат”(23), “высокая вода”(40) сингари бирликлар ҳам фраземалар сифатида изоҳланганки, бу ҳолат ўз вақтида кўпгина фразеограф олимларнинг шубҳасига сазовор бўлган эди²⁶⁰, чунки бундай фраземалар А.И.Молотков таҳрири остида чиққан “Рус тилининг фразеологик луғати”(1967)да ҳам учрамайди. Бундан ташқари айрим фраземаларнинг бош сўзини танлашда ҳам М.Содиқова луғати билан А.И.Молотков луғатида фарқлар сезилади. Масалан, “прокатить на воронах” фраземаси А.И.Молотков луғатида “прокатить” сўзи остида берилган бўлса, М.Содиқова луғатида бу фразема “ворона” сўзи остида изоҳланган²⁶¹. Шу билан бирга рус тили фраземаларининг барча маъно кирраларини русча-ўзбекча фразеологик луғатда тўла изоҳлаш унчалик шарт эмас, деган фикрдамиз.

М.Содиқованинг 1994 йилда нашр этилган луғати мингга яқин ибораларни ўз ичига олади²⁶². Луғатга киритилган ҳар бир русча ибора учун муқобил ўзбекча таржима ибора танланган, қавс ичида баъзан русча иборанинг ўзбек тилидаги маъноси изоҳланган. Масалан, “вопрос жизни и смерти” - (ҳаёт-мамонт масаласи), жуда муҳим, ҳал қилувчи масала (13-бет). Бу луғатда русча иборалар маъносини очиб берувчи мисоллар кўп ҳолларда бадиий асарлардан келтирилган ва улар ҳам ўзбекчага таржима қилинган. Масалан, *подложить (подкладывать) свинью кому* - бировнинг кўзига чўп солмоқ, фириб бермоқ; пайини қирқмоқ; тагига сув қуймоқ; ғаламислик қилмоқ. - *Если Николай Ваныч видит, что другому эту плавку выпускать, обязательно свинью подложит (В.Попов. Сталь и шлак).* - Агар Николай Ванич эритмани бошқа

²⁵⁹ Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент, Фан, 1972. – Б. 55.

²⁶⁰ Бу луғатга тақриз эълон қилинган. Қаранг: Умаров Э.А. “Садыкова М. Русско-узбекский фразеологический словарь” // Советская тюркология. 1972. № 6. – С. 119-120.

²⁶¹ Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент, Фан, 1972. – С. 45.

²⁶² Содиқова М. Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 96 б.

одам чиқаришини эшитиб қолса, турган гап, унинг пайини қирқади кабилар.

Лекин бу луғатда унинг тузилиш тартиби, унинг мақсади ва вазифаларини ёритувчи кириш сўз ёки сўз боши берилмаган. Луғат охирида шартли қисқартмалар рўйхати ва фойдаланилган луғатлар рўйхати берилиши лозим эди.

Русча-ўзбекча фразеологик луғатнинг янги, мукаммал нашрини тайёрлаш ўзбек фразеограф олимларининг олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

5. **Кўп тилли фразеологик луғатлар.** Ўзбек фразеографиясида ҳозирча бундай луғатларнинг илк намунаси - “Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат” яратилган²⁶³. Бу асар немис ва ўзбек тилларида ёзилган қисқача сўз боши, шартли қисқартмалар ва луғат қисмларини ўз ичига олади. “Сўз боши”да қайд қилинишича, бу луғатга учала тилга доир бўлган 700 дан ортиқ турли хил тузилишга эга бўлган турғун сўз бирикмалари киритилган. Муаллифлар бу асарни ўқув луғати деб ҳисоблайдилар:

“Ўқув фразеологик луғатда берилган ҳар бир немис тилидаги турғун сўз бирикмаси аввал ўша тилда талқин қилинган, сўнгра унинг ўзбек ва рус тилларидаги мос келувчи муқобил таржималари берилган. Айрим кўп маъноли фразеологизмларнинг маъноси ҳар учала тилда ҳам уларнинг бир неча вариантлари берилган.

Ўқув луғатининг мақсади ўқувчи ва талабаларни/нг/ оғзаки ва ёзма нутқини эмоционал ва экспрессив тил бойлигидан фойдаланишга қаратилган бўлиб, ҳар бир фразеологизмнинг нутқда ифодаланиши рус ва ўзбек тилига қилинган таржимадан сўнг немис тилида турли хил гапларда берилган. Гаплар бадий адабиётлардан ҳамда оғзаки нутқ шаклларида олинган”²⁶⁴. Лекин китоб сарлавҳасида унинг ўқув луғати эканлиги таъкидлаб кўрсатилмаган. Шунингдек китобда фақат немис тилидаги шартли қисқартмалар рўйхати берилган, ишда қўлланган “разг.”, “перен.” каби русча қисқартмалар эса бу рўйхатдан ўрин олмаган. Бизнингча, луғатда ўзбекча муқобил фраземаларнинг ҳам шартли қисқартмалар асосида услубий хосланиши кўрсатилиши лозим эди. Асарда

²⁶³ Умархўжаев М.И., Назаров К.Н. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 160 б.

²⁶⁴ Умархўжаев М.И., Назаров К.Н. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент, 1994. – Б. 4.

немисча фраземалар кўп ҳолларда русча ва ўзбекча муқобил фраземалар билан таржима қилинган, аммо асарда бу тамойилга доим ҳам амал қилинавермайди. Масалан, немисча *Yiele Wenn und Aber* фраземаси рус тилига “многочисленные оговорки (или возражения” деб, ўзбек тилига эса “кўп, ҳар хил эътирозлар” деб таржима қилинган²⁶⁵. Бу фраземанинг ўзбек тилида “узун-қулоқ гаплар”, “олди-қочди гап” сингари муқобиллари бор эди.

Я.И.Калонтаровнинг “Тожиқ мақоллари ва уларнинг ўзбекча муқоясаси”, “Уч халқнинг ҳикматлари” номли асарларини ҳам уч тилли фразеографик луғатнинг ўзига хос кўриниши дейиш мумкин²⁶⁶. Рус тилида ёзилган бу асарларда дастлаб тожиқ тилидаги мақол ёки матал типидagi иборалар берилади, улар рус тилига таржима қилинади, кейинчалик ўша иборанинг ўзбекча муқобили келтирилиб, у ҳам русчага ўгирилади, охирида эса тожиқча ва ўзбекчага мос, муқобил русча мақол ёки маталлар берилади. Луғат охирида ўзбекча мақолларнинг алифбо кўрсаткичи келтирилган²⁶⁷. Масалан:

На сих сўзад, на кабоб.

Пусть не сгорит ни вертел, ни шашлык.

Ҳам гург сер, ҳам гўсфанд фарбеҳ.

И волки сыты, и овцы целы.

Ҳам лаъл ба даст ояд, ҳам ёр наранчад.

И рубин достанится, и друг не огорчится.

таджикская.

Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам.

Чтобы и вертел не сгорел и шашлык также.

узбекская.

И волки были сыты, и овцы целы.

Козы сыты, и капуста цела.

Русские.

Кейинги йилларда самарқандлик бир гуруҳ фразеограф олимлар ҳам инглизча-ўзбекча-русча қиёсий фразеологик луғат

²⁶⁵ Умархўжаев М.И., Назаров К.Н. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент, 1994. – Б. 147.

²⁶⁶ Калонтаров Я.И. Таджикские пословицы и поговорки в сравнении с узбекскими. - Душанбе, Дониш, 1969. - 434 с.; Калонтаров Я.И. Мудрость трех народов (таджикские. узбекские, русские пословицы, поговорки и афоризмы в аналогии). - Душанбе: Адиб, 1989. - 438 с.

²⁶⁷ Калонтаров Я.И. Мудрость трех народов (таджикские. узбекские, русские пословицы, поговорки и афоризмы в аналогии). - Душанбе: Адиб, 1989. – С. 384-437.

тузиш устида иш олиб бормоқдалар²⁶⁸. Лекин бу ишлар ҳали ниҳоясига етказилмаган. Самарқанд давлат чет тиллар институтида эса проф.А.М.Бушуй раҳбарлигида ўзбекча-инглизча-русча ўқув фразеологик луғати тузилмоқда. Келгусида ўзбек фразеографияси тарихи янада изчил ва асосли ўрганилиши лозим. Шундай қилинганда, янгидан-янги фразеографик манбалар аниқланади ҳамда ФБларни луғатларда изоҳлаш тамойилларини аниқлашга кенгроқ имкон яратилади.

6. Фольклор асарларининг фразеологик луғати. Бундай луғатнинг илк намунаси Самарқандда яратилди²⁶⁹. Бу ишда «Алпомиш» достонида қўлланган бир юз олтмишдан ортиқ фраземалар алифбо тартибда келтирилиб, уларнинг маънолари изоҳланган, синонимлари, вариантлари қайд қилинган ҳамда шу иборанинг маъно қиррасини очишга хизмат қилувчи мисоллар берилган. Масалан: **кўнгли қоралик қилди** – маъноси: *бировнинг бахт-қувончини кўролмади, ҳасадгўйлик қилди: Бул бўлмай ўзимиз қидириб келсак ҳам шулда қилиб сийлар экан, эсиз ош қолди, худой олгур ошининг устида кўнгли қоралик қилди* (А., 41); **Кўзи тўрт** – айнан: *кўзи тўрт бўлди, кўзини тўрт қилмоқ, кўзлари тўрт бўлди, кўзи тўрт бўлиб, икки кўзи тўрт бўлиб* каби вариантлари бор. Маъноси: интизор, интизор бўлмоқ:

Қанча одам сен сўрасанг, берайин,

Қаерга буюрсанг, ҳозир қилайин,

Бурунгидай ҳурмат қилиб турайин.

Қулоқ солгин мендай шоҳнинг тилига,

Кўзинг тўртдир Қоражоннинг йўлига (А., 191) кабилар.

Лекин бу луғатни фольклор асарларининг мукамал фразеологик луғати деб бўлмади, чунки бу ишда фразеологик луғат тузишнинг оддий тамойилларига ҳам тўла амал қилинмаган. Жумладан, иборанинг кўп маънолик хусусияти таъкидланганда, уларнинг ҳар бир маъносига алоҳида мисол бериш лозим бўлгани ҳолда, уларга бир умумий мисол келтирилган. Фразеологик синонимлар қайд қилинган, уларнинг ҳар бири тегишли ҳаволалар билан таъминланиши лозим, бундай ҳаволалар бу ишда мавжуд

²⁶⁸ Шокиров А.С., Қиёмов Р. Уч тилли луғатларда фразеологизмларни бериш // Лингвистический знак как когнитивное и культурногенное образование. - Санкт-Петербург-Самарканд, 1992. – Б. 126-127.

²⁶⁹ Ўринбоев Б., Бозорбоев К. “Алпомиш” достони фразеологизмларининг таъбири. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1998. – 42 б.

эмас. Шунингдек, ишда “Алпомиш” достонининг фақат бир варианты – Фозил Йўлдош ўғли томонидан айтилган вариант асос қилиб олинган, достоннинг қолган вариантлари эътибордан четда қолган.

Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул ва С.Фидокор томонидан тузилган “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати²⁷⁰ да сўзлар билан бирга “аза очмоқ” (7-бет), “бардор-бардор қилмоқ” (13), “бўйин ийдирмоқ” (20), “бўй етмоқ” (20), “диққат қилмоқ” (28), “дўғилиш кўрмоқ” (31), “изза қилмоқ” (43), “ит йиқилиш” (46), “ит ириллатар” (46), “иши тинмоқ” (47), “йил оши” (47), “йўл бўлсин қилмоқ” (48), “йўлга кирмоқ” (48), “йўлга солмоқ” (48), “каласини этагига солмоқ” (49), “кампир ўлди” (49), “капа бости қилмоқ” (50), “кўктошга минмоқ” (54), “кўпик сочмоқ”, “лангар ташламоқ” (57), “либос ташламоқ” (57), “наза қилмоқ” (63), “онг қилмоқ” (69), “орага тушмоқ” (70), “орқада қолмоқ” (70), “от тортмоқ” (71), “от қоқмоқ” (71), “отини кўтармоқ” (71), “отини ушламоқ” (71), оқ юзли обрўли бўлмоқ (72), “оғзига одам кириб кетмоқ” (72), “параққос бойламоқ” (73), “рўмол ўрамоқ” (76), “сариштасини олмоқ” (78), “сарпой ёпмоқ” (79), “суяги қолиб кетмоқ” (84), “таппа тушмоқ” (87), “хол қилган” (103), “хун довламоқ” (103), “чочини ёймоқ” (112), “чоч сийпатар” (112), “элга энмоқ” (120), “эр етмоқ” (122), “этагига солмоқ” (123), “юзини тилдирмоқ” (123), “юкли бўлмоқ” (124), “ўртага олмоқ” (127) сингари фразеологизмлар ҳам изоҳланган. Лекин бу фразеологизмлар луғатда “бирикмалар” деб номланган. Шуниси муҳимки, бу луғатда “Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғли варианты (1999), Эргаш Жуманбулбул ва Пўлкан шоир варианты (1999) ҳамда Саидмурод Паноҳ ўғли варианты (2000)дан мисоллар танланган. Бу эса келгусида “Алпомиш”достони тилининг вариантлараро таҳлилини амалга ошириш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Таниқли тилшунос олим Б.Тўйчибоев “Алпомиш” ва халқ тили” номли рисоласининг 12-фасли (боби)ни достондаги иборалар

²⁷⁰ Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Elmus-Press-media” нашриёти, 2007. – 164 б.

тахлилига бағишлаган ҳамда боб охирида достонда қўлланган тўрт юздан ибораларни намуна сифатида келтирган²⁷¹.

7. Частотали изоҳли фразеологик луғат. 2008 йилда “Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли луғати” эълон қилинди²⁷². Бу иш уч қисмдан иборат. Унинг “Кириш” қисмида фольклор асарлари тилининг ўзбек тилшунослиги ва фольклоршунослигида ўрганилиши ҳақида фикр юритилади (3-10-бетлар). Ишнинг иккинчи қисмида ўзбек халқ достонлари матнидаги 1750 та фразеологизмнинг қўлланиш частотаси алифбо тартибида келтирилган (10-51-бетлар). Масалан, луғат материалларининг гувоҳлик беришича, “Алпомиш” достонида жами 2066 та, “Равшан” достонида 562 та, “Рустам” достонида эса 673 та фразеологизм қўлланган. Биргина “вақтин хушлаб” ибораси “Алпомиш” достонида 10 марта, “Равшан” достонида 6 марта, “Рустам” достонида эса 4 марта учрайди ва ҳоказо. Луғатнинг кейинги қисмида “Алпомиш”, “Равшан” ва “Рустам” достонлари матнида энг кўп қўлланган олти юздан кўпроқ фразеологизмларнинг изоҳи берилган ҳамда бу маъноларни очишга хизмат қилувчи тегишли халқ достонларидан олинган мисоллар келтирилган (52-97-бетлар). Масалан: *интиқ бўлмоқ* – сабрсизлик билан кутмоқ, интизор бўлмоқ; *“Ғоз гўшига болам, интиқ бўлмагин”* (Алпомиш, 212) кабилар.

Мазкур луғат “Алпомиш”, “Равшан” ва “Рустам” достонларининг қиёсий-статистик таҳлили натижаларига асосланган²⁷³. Келгусида бундай частотали луғатни янада такомиллаштириш, унинг янги типларини яратиш устида иш олиб бориш лозим бўлади.

8. Ўқув фразеологик луғати. Рус тилида бундай ўқув фразеологик луғатнинг бир неча намуналари яратилган эди²⁷⁴.

²⁷¹ Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 103-152.

²⁷² Йўлдошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – 100 б.

²⁷³ Бу ҳақда қаранг: Ўринбоева Д. Достонлар тилида фразеологик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. № 6. – Б. 87-90; Ўринбоева Д. Ўзбек халқ достонлари тилида фразеологизмларнинг статистик тадқиқи // Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2007. – Б. 72-75.

²⁷⁴ Шанский Н.М., Быстрова Е.А. Учебный фразеологический словарь русского языка (учебное пособие для русского языка для учащихся национальных школ). – М.: 1979. – 264 с.; Жуков В.П. Школьный фразеологический словарь русского языка. – М.: Просвещение, 1980. – 447 с.; Быстрова Е.А., Окунева А.П., Шанский Н.М. Учебный фразеологический словарь русского языка (пособие для учащихся национальных школ). – Л.: 1984. – 271 с.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”ни амалга оширишнинг талабларидан келиб чиқиб, 2007-2008 йилларда Қарши шаҳрида мактаблар учун ўндан ортиқ ўқув луғатлари тайёрланиб, ўқувчилар қўлига етказилди. Бу луғатлар Тошкентда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилди. Шулар орасида “Ўзбек тили иборалари ўқув луғати” ҳам бор²⁷⁵. Бу ўқув луғати лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси (3-бет) ва проф.Б.Менглиев томонидан ёзилган “Сўз боши” билан бошланади (4-5-бетлар). “Сўз боши”да ўқув луғатлари, уларнинг таълим жараёнидаги ўрни, уларни яратиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз юритилади.

“Кириш” қисмида ўқув фразеологик луғатининг тузилиши ва ундан фойдаланиш тартиби баён қилинган. Бу қисмда таъкидланишича, мазкур ўқув луғатини тузишда икки томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981) ва Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг излҳли фразеологик луғати” (1978)дан фойдаланилган бўлиб, унга мингга яқин иборалар киритилган. Ўқувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида ибора таркибидаги феъл компонент асосан яқин ўтган замон шаклида берилган. Масалан: *ақлини таниди, ақлу ҳушини йўқотди, ақли кирди, ақлини еди* кабилар. Кўп маъноли ибораларнинг ҳар бир маъноси араб рақами билан ажратиб, алоҳида-алоҳида берилган: *бағри хун бўлди – 1) сиқилди; 2) руҳан азобланди; бармоғини тишлади – 1) ҳеч нарса қиолмай, натижага эришолмай қолди; 2) афсусланди* кабилар.

Ўқув фразеологик луғатида шаклдош ибораларнинг ҳар бир маъноси рим рақами билан алоҳида-алоҳида ажратиб кўрсатилган: *дунёдан ўтди I – яшаб ўтди; дунёдан ўтди II – қазо қилди, ўлди* кабилар.

Мазкур ўқув фразеологик ўзбек фразеографиясидаги дастлабки тажриба бўлгани учун унда ютуқлар билан бирга қатор нуқсонларга ҳам йўл қўйилган: 1) ибора бўлиши учун унинг таркиби доимо икки компонентдан иборат ташкил топиши ҳаммага аён ҳақиқатдир. Аммо бу луғатдан “*бетламаслик*” (9), “*элбурутдан*” (14) сингари бир компонентдан иборат “иборалар”

²⁷⁵ Менглиев Б., Бойматова О., Худойбердиева М. Ўзбек тили иборалари ўқув луғати. – Тошкент: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2007. – 72 б.

ҳам ўрин олган; 2) Иборалар семантикасида кенг тарқалган маънодошлик, вариантдошлик ва зид маънодошлик хусусиятлари ҳам ўқув луғатида инобатга олиниши лозим эди; 3) луғатда айрим иборалар маъносини изоҳлашда услубий ғализликлар кўзга ташланади: *эси оғиб кетди – хаёли бирор нарса ҳақидаги ўй-хотиралар ҳақида банд бўлди* (15; таъкид бизники – Б.Й.) каби; 4) Айрим ибораларнинг маъноси нотўғри изоҳланган кўринади. Масалан: *оламдан ўтди* шаклдош иборасининг дастлабки маъноси “*яшади*”, деб изоҳланган (40). Ваҳоланки, бу ибора семантикасида “*яшаш*” эмас, “*яшамаслик*” семаси кучлироқ намоён бўлади ва ҳоказо.

Келгусида бу луғат янада такомиллаштирилади, кенгайтирилади, мактаб дарсликлари матнида мавжуд янги иборалар изоҳи билан тўлдирилади, деб умид қиламиз. Чунки кичик хажмдаги мазкур луғат мактабда она тили таълими олдиға қўйилган барча талабларға тўла жавоб бермайди. Шунинг учун муаллифлар бу ўқув луғатини янада такомиллаштириб, кенгайтириб катта ададда нашрга тайёрлаш учун ҳали кўп изланишлар олиб боришлари лозим, деб ўйлаймиз.

9. Худудий (регионал) фразеологик луғат. Бундай луғатнинг илк “Зоминнинг тил қомуси” асари таркибида эълон қилинди²⁷⁶. Асарда Зомин минтақасида кенг қўлланадиган “*кўнгли жайига тушти*”, “*арқаси жер искамади*”, “*кўз ачирмади*”, “*мурни кўтарилди*”, “*диماغи шишти*”, “*аягини тираб олди*” сингари иборалар (фраземалар) келтирилиб, уларнинг маъноси, қўлланиш хусусияти кўрсатилган.

Маълумки, диалектал (худудий) характердаги фраземаларда маълум даражада чандиш, кесатиш элементлари учрайди. Бундай хусусият халқ тилида “қанқув” деб юритилади. Асарда Зомин қишлоқ шеваларида қўлланадиган ана шундай чандиш характеридаги қанқувлардан ҳам намуналар келтирилган. Бу хусусият зоминликлар нутқида “*аврувда жанчув жаман, гапта қанқув*” деган ибора ёрдамида ифодаланади. Аслида киши юрагини ўйиб олишға қаратилган “қанқув” гапни тезда илғаш учун кишида нозик дид, фаросат бўлиши талаб қилинади. Агар киши мулоқот жараёнидаги қанқувни сезмай қолса, ўша кишининг ақли, фаҳм-

²⁷⁶ Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Ибора - қўпнинг баҳоси // Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 108-134.

фаросати унчалик яхши эмаслигини англатади. Зоминликлар нуткида қўлланадиган фраземалар жуда кўп бўлиб, асарда ана шундай ибораларнинг икки юзга яқини алифбо тартибида келтирилган, уларга тегишли изоҳ берилган ҳамда сўзлашув нуткидан характерли мисоллар келтирилган. Масалан:

АВЗЫ-МУРНЫ ЖОҚ – овзи-мурни жўқ. Оғир-босиқ аёл тавсифи. Келини бечаранынг взы-мурны жоқ.

БАЗНАСЫ БАТЫШ – бозноси ботиш. Бировга эркинлик қилиш. Саған базнасы батқаныдан кэган – Сенга ҳадди сикқанидан келган [Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирли, 109-111].

Худди шунингдек, Т.Нафасовнинг “Қашқадарё ўзбек халқ сўzlари” луғатида ҳам ўша ҳудудга хос сўзлар билан бир қаторда “*тентакка тел бер, икки қўлига бел бер*” (280), “*тилтопар бўлмоқ*” (284), “*ўз тиридан кам эмас*” (285), “*тоғатўнга тоғай тутасанми*” (287), “*гапининг тутқасини билмаслик*” (301) каби бир қанча регионал иборалар ҳам келтирилган ҳамда изоҳланган²⁷⁷.

Кўринадик, ўзбек фразеографияси кейинги йилларда фразеологик луғатлар тузиш ва уларнинг таркибига фраземаларни киритиш, уларни изоҳлаш тамойилларини белгилаш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритган. Келгусида бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш ҳамда тилимизнинг кўп жилдлик, мукамал академик изоҳли фразеологик луғатини яратиш фразеограф олимлар олдида турган энг долзарб муаммолардан бири саналади.

²⁷⁷ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўzlари луғати. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 468 б.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Фразеология ва фразеография тилшуносликнинг сўнгги ярим аср мобайнида шаклланган мустақил соҳалари қаторига киради. Ўзбек фразеологиянинг шаклланиши XX асрнинг 50-йилларига тўғри келади. Бу соҳанинг асосчиси ва сардори, ҳеч шубҳасиз, проф.Ш.Раҳматуллаев саналади. Бу олим 1952 йилда илк бор ўзбек фразеологияси бўйича Москвада номзодлик ишини ҳимоя қилди, Кейинчалик олимнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографияси яратилди (1966), шу асосда олим ўша йили докторлик диссертациясини ҳам ёқлади.

Ўзбек фразеологиясида фразеологизмларни структурал-семантик жиҳатдан тасниф қилиш, уларнинг функционал ва услубий хусусиятларини ўрганиш, ибораларнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Фразеологизмларнинг бадий ва публицистик услубда қўлланиш хусусиятлари махсус тадқиқ этилди. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда фразеологияга оид илмий иш учун мавзу танлашда кўпинча системага риоя қилинмайди, монографик тадқиқотларга кам эътибор берилади, фраземаларнинг айрим структурал типлари кўпроқ ҳозирги ҳолатига кўра ўрганилади, фраземаларнинг тарихий тараққиётини диахрон йўналишда тадқиқ

этиш эътибордан четда қолиб келмоқда, ўзга тиллар (жумладан, бошқа туркий тиллар, славян, роман, герман тиллари) фразеологиясини ўрганиш соҳасида эришилган ютуқлар ўзбек фразеологиясига жуда кам татбиқ қилинмоқда.

Ўзбек фразеографияси тарихининг қисқача обзори шундан далолат берадики, тилимизнинг фразеологик бойлигини йиғиш ва системалаштириш, уларни луғатларга киритиш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилган, бой тажриба тўпланган. Шу билан бирга фразеограф олимлар олдида бу соҳада ҳал этилиши зарур бўлган қатор долзарб муаммолар ҳам мавжуд. Тилимизнинг умумий кўп жилдлик изоҳли фразеологик луғатини яратиш устида олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакатимизда ўзбек тилининг ягона фразеологик картотека фондини ташкил этиш билан бир қаторда келгусида диалектал, тарихий, этимологик фразеологик луғатлар, фразеологик синонимлар, фразеологик антонимлар луғатларини тузишга киришиш лозим. Кўп тилли (уч ёки тўрт тилли) қиёсий ва чоғиштирама фразеологик луғатлар, немисча-ўзбекча, арабча-ўзбекча, инглизча-ўзбекча, французча-ўзбекча, форсча-ўзбекча сингари икки тилли контрастив фразеологик луғатларининг майдонга келиши, фольклор асарлари фразеологизмларининг изоҳли луғати яратилиши эса ўзбек фразеографияси тараққиётида янги босқич бўлиши шак-шубҳасиздир. 1996 йилда Самарқандда ўтказилган “Фразеографиянинг долзарб муаммолари” мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани ўзбек фразеографияси ривожига самарали таъсир этмоқда, янги-янгидан фразеологик луғатларнинг яратилиши учун замин ҳозирламоқда.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР:

АДД – Автореферат докторской диссертации.

АКД – Автореферат кандидатской диссертации.

ДДА – докторлик диссертацияси автореферати.

ЛТИЛ – Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати, Тошкент, 1985.

НДА – номзодлик диссертацияси автореферати.

ТТИЛ – Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати, Тошкент, 2002.

ФБ – фразеологик бирлик.

ЎЗМЭ – Ўзбек Миллий энциклопедияси, ўн икки томлик, Тошкент, 2000-2006.

ЎЗСЭ – Ўзбек совет энциклопедияси, ўн тўрт томлик, Тошкент, 1970-1979.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг илоҳли луғати, икки томлик, М., 1981.

ЎТИЛ-5 – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, Тошкент, 2006-2008.

ЎТИФЛ – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати, Тошкент, 1978.

ЎТИЎЛ – Менглиев Б., Бойматова О., Худойбердиева М. Ўзбек тили иборалари ўқув луғати, Тошкент, 2007.

ЎТФЛ – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати, Тошкент, 1992.

ҚЎРФЛ – Содиқова М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғати, Тошкент, 1989.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
БИРИНЧИ БОБ. ТУРКИЙ ТИЛЛАР ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ.....	9
ИККИНЧИ БОБ. ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ.....	25
УЧИНЧИ БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ.....	63
ТЎРТИНЧИ БОБ. ЎЗБЕК ФРАЗЕОГРАФИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ.....	86
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	112
ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР.....	114

Бекмурод ЙЎЛДОШЕВ

**ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИ ВА ФРАЗЕОГРАФИЯСИНING
ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА ТАРАҚҚИЁТИ
(монография)**

(тўлдирилган ва тузатилган иккинчи наشري)

Мухаррир: *Раҳимова Г.*

Мусахҳиҳ: *У.Рашидова*

Тех.муҳаррир: *Б.Эгамбердиев*

2013 йил 28 январда босишга рухсат этилди.

*№ ____ буюртма 7,0 босма табоқ,
ҳажми 60x84 1,16. Адади 100 нусха*

*СамДУ босмахонасида чоп этилди.
703004, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.*